

БОТИРХОН АКРАМ



ШОИРНИНГ Ё Р У Ф Ю Л Д У З И

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг
иждод олами

Тошкент
«Zilol buloq» нашриёти
2019

КБК 83.3 г(5Ў)
УЎК 821.512.133.09(092)
А 42

Ботирхон Акрам
Шоирнинг ёруғ олами – Тошкент:
«Zilol buloq» нашриёти, 2019 й. 120 бет.

Нашрга тайёрловчилар:

**Гули Акрамова,
Гуландом Акрам**

Атоқли навоийшунос олим Ботирхон Акрам буюк шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон ижодига ўзгача ихлос ва меҳр-муҳаббат билан ёндошган.

Бу мўъжаз китоб жафокаш алломанинг турли йилларда Чўлпон ҳақида ёзган мақолалари ва маърузаларидан таркиб топган.

Мазкур китоб сўз санъатини англашга интилган талабаларга ва Чўлпон шеъриятининг барча ихлосманд муҳиблари ҳукмига ҳавола этилади.

ISBN 978-9943-50-40-7-3

© Ботирхон Акрам, 2019 й.

© «Zilol buloq» нашриёти, 2019 й.

*Ушбу китобни ҳақиру фақир за-
кий зот акам Тўрахон Мирзаев хоти-
расига бағишлайман.*

Муаллиф

Чечаклар ўсғувси кўз ёшларимдан...

Ўзбек халқининг севимли адиби Абдулла Қодирий Абдулҳамид Сулаймон Чўлпонга шундай таъриф берган эди: «Қадим шеъриятимизда Навоийдан кейинги энг улуғ сиймо Чўлпондир». Бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди...

Чўлпоншуносликда ўз қатъий нуқтаи назари-га эга бўлган таниқли олим профессор Ботирхон Акрам учун юқоридаги фикр чин эътиқод ва та-баррук шиорга айланиб қолган эди.

70-йилларда ёш шижоатли олим Тошкент Давлат Университетида ишлаб юрган пайтлари-да Чўлпон ижодига илк қизиқиши ва дастлабки тадқиқотлари учун забардаст олимлардан даш-ном еб, кейинчалик кўп йиллик тазйиқларга уч-раган эди. Аммо ҳақпараст фидойи олим қатъий изчиллик ва журъат билан ўз тадқиқотларини давом эттирар эди. Олим умрининг охирига-ча ҳазрат Навоий ижодини буюк муҳаббат ила тадқиқ ва таҳлил этиш баробарида, беназир халқ шоири Чўлпон ижодини ҳам камоли рағбат ила ўрганишга интилган.

Жафокаш аллома Ботирхон Акрамов 90-йил-

ларда ёзган мақолаларидан бирида: «Чўлпон шакшубҳасиз, Қодирий билан бир вақтда маданиятимизга қайтарилиши, унинг мероси аллақачонлар маънавий мулкимизга айланиши, лоақал, кейинги чорак аср мобайнида Қодирий мактаби қаторида Чўлпон мактаби; латиф ва дилбар Қодирий тили билан ёнма-ён халқона «тарашланган» (Чўлпон ибораси) бадиий таровати ва жозибаси ўзга бир жаҳон Чўлпон тили савлат тўкиб туриши мумкин эди, бунга у тўла ҳақли эди...», дея чуқур таассуф ила эзгу армонларини изҳор этган эди.

Мана ҳуррият «эпкини эсиб» узоқ йиллар кутилган замон келганига шукр қилмоқдамиз. Хокисор ва заҳматкаш олим орзу қилган давр етиб келди – у зот яратган асар ниҳоят дунё юзини кўрди.

Даҳо шоиримиз Чўлпон айтганларидек:

Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан...

Калблар юмшагуси сайрашларимдан...

Рухлар шод бўлгуси!...

Гули Акрам

*Кўз ёшларида мени
Ўстирган асл шеърим...*

Чўлпон

ШОИРНИНГ МУҚАДДАС АРМОНИ

(«Бузилган ўлкага» шеърининг шарҳи)

«Бузилган ўлкага» – мазмун-моҳияти ва образлар тизими билан мислсиз тарихий алданиш ҳолатларини бадиий идрок этиш ва тадқиқ қилиш кўлами билан лирик-драматик дostonга тенглашадиган ўша машъум йилларнинг энг ҳаққоний манзумасидир. Шунинг учун бу асарни мумкин қадар тафсилий шарҳларсиз тадқиқ этиш қийин. Зотан, шеърнинг ҳар бир бандида, хусусан, шоҳ мисраларида шоир дарди халқ ва миллат дардлари тарзида, шоир армони Ҳуррият, Истиқлолият йўлида шаҳид кетганларнинг курашга, интиқомга чақирувчи руҳий нидолари сифатида асл моҳияти эътибори-ла чуқур, ўша машъум йиллар қаъридан нолавор садо-ю, бошқача, сирли акс-садо бериб туради. Ҳатто Ватан, миллат ёвлари инкор этолмайдиган ошкор-аён ҳақиқати билан кучли бу даъвонинг далилларини бир-бир кузатайлик:

*Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?*

Азалдан то абад собит, дахлсиз дунёнинг
(«кўкларга салом берган...тоғлар») кутилмаганда,

ортиқ мунгли оҳанг, ранглар («куюқ булут, «кўланка») орқали, мажоз усулида чизилган сурати – ватаннинг трагик тимсоли вужудимизни ларзага солади. Нега? Чунки бу – заҳматкаш ва жафокашликда «тенги кам» (Миртемир) халқимиз табиатига, руҳиятига бегона-дахрий эътиқоднинг алдамчи-ёлғон идеалларининг ёмондан-ёмон асоратию оқибатлари тасвири – шеърини башорати. Увол кетган не-не қутлуғ умидлар, эзгу армонларнинг дил-дилидан ғойибона идрок этилган тимсоли мужассами... Бу хусусда ўйлаш, эслашнинг ўзи қанчалар оғир!..

Минг афсуски, бу аччиқ ҳақиқатни – жаҳоний алданиш кулфатини охиригача, ҳали бутун даҳшатлари билан чуқур идрок этмаганимиз устига, уни баралла айтишга ҳамон ийманиб турамиз, машғум қарамлик психологиясидан, балким, буткул қутулиб кетолмаймиз... Ваҳоланки, Туркистон миллий уйғониши осмонининг ёруғ юлдузи – Чўлпон ўша «кўланка» – даҳшат ва ваҳшат тартибларининг тимсоли мужассами – қора булутлар бағрини ёриб чиқиб, чор-атрофга ваҳму қўрқув солувчи «инқилоб номи билан» ҳароб қилинган, таланган, қонга беланган Туркистоннинг аҳволи, руҳиятининг тирик манзаралари, аниқ шаҳодатли тамсиллари-ла кўрсатиб беради.

Ситамдийда «ўлка... боши узра қуюқ булут кўланка» рамзий-мажозий образи шеър бандларида турфа оҳангда янгилашиб туради ва шубҳасиз, ҳар бир соғлом фикрли шеърят муҳибида беихтиёр алам, ўкинч, балки қаҳру ғазаб, интиқом ҳисларини қўзғатади:

*Сенинг эркин тупрогингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизгонмасдан янчалар?*

Чўлпондек ҳақпараст-фидойи шоир шеър-
ятига хос туйғулар, ҳаёллар драматизми, унинг
ўлка тимсолида она халқига қаратилган муно-
жот сўзлари ўқувчини ҳазин-ўйчан ҳолатга сола-
ди... Ўша жаҳон йўқсиллари инқилобининг бош
меъмори ҳам, унинг «улўғ давомчиси» ҳам, бу «ме-
тин иродали йўлбошчи»нинг (Горький) бири-би-
ридан ёвуз «опричник» жаллодлари ҳам биринчи
қақшатгич зарбани муқаддас рухий-илоҳий, ма-
даний-марифий ва ахлоқий қадриятларимиз ил-
дизига қарши қаратгани энди ҳеч кимга сир эмас.
Хўш, ўша машъум «тарихий синов – тажриба» на-
тижалари нима бўлди?

Шон-шуҳрати машриқу мағрибга кетган
илоҳиёт ва қомусий илм даҳолари, башарий
фазлу камол зукколари ватанида... охир-оқибат
айтишга тил бормайдиган маънавий инқироз,
рухий қашшоқлик, маданий маҳдудлик билан ўз
интиҳосини топмадими, ахир? Нима учун? Шеър-
да неча бор такрорланувчи ғазабнок саволлар
нафақат қўнғлимизга, руҳиятимизга азоб беради,
балки тафаккуримизни ҳам безовта қилади. Наин-
ки иймону шарм-ҳаёдан мосуво, увол ва исроф ни-
малигини билмайдиган, ҳаттоки наслу насаб, мил-
лату ватан каби муқаддас қадриятларга бефарқ
– «ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар» истаги билан саховат-
ли тупроғимиз поймол этилса, пок хилқатимиз
булганса?.. Нега? Нима учун? Миллатнинг гули –
асл, мағрур, закий ўғлонлари қасддан йўқ қилинса,
қолганлари «бир қул каби» манқуртларга айлан-
тирилса?.. Шоирнинг виждон ҳайқириғидай но-
лақору исёнкор сўроқлари тарихимиз қаъридан
акс-садо бергандай бўлади:

*Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда?*

Тангри инояти бўлимиш бемисол «зўр ўлка»нинг ўзгалар мулки – ер-сувига, молу жонига ғаразли назар тугул, бир луқма бўлсин, киши ҳақидан ҳазар қилгувчи, табиатан ҳалол-пок халқи устидан... нима учун сира тўйдим демас юҳолар ҳукмрон бўлиши керак? Бу янглиғ «ҳақорат ва сафолатлар» қачонгача жазосиз қолади? Ҳур фикр шоир Ҳақ таолодан нажот кутгандай нидо уради:

*Нима учун ўч булути селларини ёгдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?..*

Бу саволлар жавоби мушкуллигидан ҳам кўра, юрт, миллат ва умуммиллат қисматига битилган жабру жафолар не чоғлиқ фузунлигига, халқнинг сабр косаси тўлиб-тошганлигига ишора қилаётгани билан ортиқ маломатли эмасми?.. На чора, тарихий ҳақиқат шундай сабоқ берадики, қулликнинг турфа кўринишлари каби мустамлака эркисизлиги кишанларидан қутилиш осон кечмаса не ажаб? Агар Оқ империя «бошидан чириб», ичидан емирилган бўлса, ўз моҳиятини инқилобий идеаллар билан ниқоблаган Қизил империя нафақат қатағон, қувғин, тазйиқ усуллариини кашф қилди, уларни шафқатсиз амалга оширди. Даҳрий-шаккок салтанат даҳолари ҳаттоки «куч тангриси»ни иблис-дажжол афсуни билан кишанбанд қилмаганида, не-не лочинсифат, шерюрак халқ қасоскорлари зобитларга деярли қаршиликсиз таслим бўлармиди, ҳаттоки айрим ҳурфикр шоиру адиблар эътиқод-этимодларига қарши бориб, тавба-тазарру қилармиди, софдил қалам аҳли, диёнатли зиёлилар сукутли,

сомеъ муносабатни афзал кўрармиди?.. Шоир Туркистон «боши узра... кўланка»нинг фожиали оқибатларини чуқур идрок этгани учун ҳам дард-алам тўла саволлардан ўзини тия олмайди, бу билан мумтоз шеъриятимиз хазинасидан тажохули орифона санъатининг янги мажозий кирраларини кашф қилади:

*От чопганда учар қушни тутқувчи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?
Тог эгаси – сор бургутлар қаерда?*

Шеърнинг бошқа мисраларида шоир кечинмалари шиддати – образлар драматизми тобора кучайиб боришини кузатамиз. Қаҳрамоннинг руҳий нидоси бўлиб янграган сўроқ-сўзлар эрксизлик асоратининг аянчли ҳолини, бахтсиз тақдирга тан беришдек ожизлик аломати – ихтиёрий қулликни ифодалаб келади. Қуйидаги уч сатрда зухур этган «шафқатсиз ҳақиқат» лавҳаси ўз халқининг тарихидан озми-кўпми бохабар кишини қаттиқ мутаассир қилади:

*Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега бунча умидсиздир туришинг?..
Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?*

«Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман», дейди Чўлпон бир шеърида. Дунё ҳарбномаларида тан олинган турклик жасорати, кўркув нима билмас туронлик алпларнинг авлоддан авлодга ўтган шиддат-шижоати наҳотки асримиз бошларига – миллий Уйғониш даврига келиб сўна бошлаган бўлса?.. Том маънода ҳуррият куйчисининг алам – ўкинч тўла («умидларнинг ўлиши», «бунча умидсиз... туриш», «кўзларда туташгувчи олов

йўқ»лигига доир) аламнок саволлар замирида зиддиятли маънолар ётади. Бу, айтайлик, сўнгги хонликлар инқироzi оқибати-ла юз берган аччиқ тарихий қисмат – империя қуллиги асоратигина эмас. Юмшатиб айтганда, ёлғон ақидалар салтанати туфайли ҳақиқатдек дахлсиз қадрият бошида ҳам ўша совуқ «кўланка» пайдо бўлмадими? Зўравонлик билан тортиб олинган, камситилган илоҳий-руҳий, маданий анъаналар – миллий қадриятлар ўрни иблисона ёлғон-яшиқ билан «тўлдирилди»-ку!..

Шоир миллиятимиз асосларини, унинг жамики ўзига хос унсурларини маҳв этишни кўзлаган «улуғ давлатчилик» сиёсатини фoш этувчи азалий аломатларни сўнгсиз ҳасрат билан қаламга олади:

*Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилгон,
Устларида на пода бор, на йилқи.
Подачилар қайси дорга осилгон?..*

Элнинг ризқ-рўз манбаи – ўша «кўкларга салом берган... тоғлар» пойига ястанган кўм-кўк... ўтлоқлар»нинг танти соҳиби – подачилар ҳам, эҳтимол, халқ қасоскорларига от-уловми, емишми, тунги бошпанами бергани учун (ё шундай бир гумон билан) «қизил террор» жаллодлари томонидан «дорга осилғон»лар... Шоирнинг ўша қонли 1921 йили ёзилган «Ёнғин» шеърида шундай сатрлар бор:

«Кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар, Бойкушларга бузуқ кўксин очганми? Подаларнинг яйловида бўрилар қонга тўйгач, увлайларми кўплашиб?.. Кенг яйловга ўтми кетди, ёнди-ми? «Маданият» истагига қондимми?.. «Қизил террор»нинг тинч аҳолига нисбатан қилган хун-

резликлари туфайли яйловга хос осудалик ё табиий-миллий садо ва акс-садолар... мотамсаро оҳ-фарёдлар билан бузилган:

*От кишнаши, қўй маъраши ўрнига
Оҳ, йиғи,
– Бу нега?!.*

Халқона содда, лекин пурмаъно тафаккур кучи билан жозиб-фожеъ характер касб этган, бу мўъжаз сатрлар тағзаминидан мутлоқ гуноҳсиз жабрдийдаларнинг унли ва унсиз фарёди, инсон ва Ватан номидан ўқилган айбнома садоси, унинг акс-садолари эшитилгандай бўлади...

Миллиятимизнинг хосу тоза аломатлари фавқулодда аламноқ кечинмалар, исёнкор хаёллар билан йўғрилган мана бу мисраларга, улар қатига жо қилинган фожеъ маъноли лавҳа, сўз-образларга разм солинг:

*Туморчалар, ҳамойиллар тақинган,
Далаларда лола барғи ёпинган,
Тоғ-тошларда ўйин қилган,
Чопинган
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?*

Даҳрий зобитлар – «ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар»нинг инсонлик шаънига иснод, атроф муҳитга ғорат келтирувчи (барбод қилувчи) ваҳшиёна қилмишларидан нафақат миллий ғурури топталган одамлар, балки тилсиз табиат, унинг шифобахш манзилларию оромгоҳлари ҳам қандайдир қўрқув, саросима ичида нидо ураётгандай – «инграёт»гандай туюлади:

*Ужмоҳларнинг кавсаридек покиза,
Садафларнинг донасидек топ-тоза,
Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,
Томчилари ёмғир каби учаркан,
Нима учун йиғлар каби инграйлар?..*

Зўравонликдан табиат фарёд чекса, унинг асо-
ратлари, шубҳасизки, жамият ҳаётини ҳам бузади,
майиб-мажруҳ этади, ҳатто хатарли оқибатларга
олиб боради. Буни ҳаётнинг ўзи, тарихий ҳақиқат
сабоқлари кўрсатиб турибди. Борди-ю, миллий
заминнинг неча асрлар мобайнида, қанча-қанча
заковатли аждодлар меҳнати билан ўзгача мазмун
касб этган табиатига бадкорлар эгарлик қилса,
боз устига, табиатнинг асл соҳибкор посбонлари
арз-додини тинглаувчи топилмаса, доғ-ҳасратдан
«салқин сувлар», «қайнаб чиққан булоқлар»,
«йиғлар каби ингра»са не ажаб?! Шу маънода,
шоирнинг ҳазин сўроқлари – ўзгача мажозий
образлари нечоғлиқ ҳаққоний:

*Нима учун йиғлар каби инграйлар?
Ёв борми деб тўрт тарафни тинглайлар?!..*

Қачонгача «тўрт тарафни тинглаб» – ваҳм,
хавотир-ҳадик сақлаб яшаш мумкин? Инсонга хос
қўрқув туйғусини ҳам Ватан ва миллат қайғусида
мардона енга олган буюк фидойи шоир азобли
савол-сўроқларга жавоб излашдан толмасдан азиз
умри, беомон ижодий қисмати ноҳақдан забун
бўлмаганми ахир?!

*Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,
Хароб бўлган элдан-да?..*

Ҳа, чиндан ҳам жавоб тополмаслик алами-дан афғон аралаш исёнли нидолари, интиқомга чорловчи ҳайқириқли тимсоллари билан шеър интиҳо топгандай бўлади. Руҳан, моҳият эътибори-ла «қулликларни сиғдирмаган хур ўлка»нинг ёруғлик, рўшнолик кунлари жарчиси – хайробод муждалари элчисига, унинг руҳияти осмонида сўнмас бир юлдузга айланади:

*Э, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган хур ўлка,
Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?*

Надоматлар бўлсинки, Чўлпон орзу қилган «ҳар турли қулликлар» кишанидан халос бўлиш-дек ёруғлик манзилига, қутлуғ айёмларга етиб келгунча бир асрдан зиёд қарамлик йўлини босиб ўтиш керак бўлади. Илло, том маънодаги халқ шоирининг умидлари эзгу, ишончи комил эдики, бу «Халқ» шеърида ўзининг тимсоли мужассамини топганлиги бежизмас: «Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка, Кетсин унинг бошидаги кўланка...» Қанчалар ҳаётбахш истақ, қутлуғ башорат! Иншоаллоҳ, бугун улуғ шоирнинг, унга қисматдош жамики миллий Истиқлол шаҳидларининг руҳлари шод, осуда. Бунга ким шак келтира олади?!

ҲУРЛИКНИНГ МУЖАССАМ ТИМСОЛИ

(«Кўнгил» шеърининг таҳлили)

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоғки – кўнгул каъбаси...*

Навоий

Аз-рўйи азал «хур туғилғон кўнгул...». Шоир «барчадин шариф» (Навоий) инсон шаъни-ни, унинг дахлсиз ўзлигини, руҳий оламини ҳайратомуз аниқ ифода этувчи лутф сўзидан кўпқиррали рамзий образ яратади: бу – нафақат шахс эркининг фасоҳат мулки, шеър санъати та-сарруф этишга қодир хос хилқати; бу – нафақат шоирона тахайюлнинг самовий буржларда мақом тутишга муносиб сирли тимсоли. Айни чоғда бу – илоҳий рағбат ила Чўлпон қалами кашф эт-ган, кенг маънода, миллий Уйғониш куйчилари бўғзида қолган, авж пардасида узилган муқаддас кўшиқдан ёдгор бандлар. Ҳам мағрур улуғворлиги, ҳам маънос хазинлиги билан жозибу мафтункор рубобий таронадан бир пора наво... Ундан, истанг, фалсафий-орифона нуктадор маъноларни, истанг, мутрибона сеҳрли, сафобахш оҳангларни, истанг, безовта-курашчан (мафкуравий ақидалардан холи) ижтимоий садо ва акс-садоларни уқиб оли-шингиз мумкин...

Асли шеър сарлавҳасига ҳамоҳанг анъанавий ташбеҳдан ўзгача тимсол яратиш учун улуғ шоир оддийлиги билан кучли бадиий-мантиқий замин ҳозирлайди: кўз илғамас ботиний оламни кутил-маганда инсонийлаштиради, унга реал дунёвий маъно беради:

*Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен!*

Не ажабки, Хурриятимизнинг беназир шоири кўнгилга тирик жон аломати – ҳам мардона-шижоатли саъжия, ҳам изтиробли қиёфа бағишлайди.

Таъбир жоиз бўлса, Эрк ва Ҳақиқатни ижодий қисмат даражасига кўтарган ноёб истеъдод соҳиби Чўлпон «кўнгил» ташбеҳи англаган хосу нозик маънога салгина бўлсин ҳалал этиши, сўз фасоҳати андак озор топиши эҳтимол тutilган йўлдан бормайди. Унинг шеъриятдек инжа санъат соҳасига турфа усулдаги «ижтимоий буюртма» аралашувини истамас мағрур истеъдоди, озод қалами шеъриятининг «юраги» бўлмиш субъектив оламга, унинг шаффоф табиатига номавзун бир мисра, ҳатто ибора орқали гўё асар мавқеи – «мақомини кўтариш», шу тариқа, асосий образ («кўнгил»)нинг хоҳ ижтимоий салмоғини, хоҳ фалсафий қимматини «ошириш» тамойилидан узоқ эканлигига шубҳа қилмаса бўлади...

Илло, шеър азалий зиддият қутблари: «кўнгил – кишан» ташбеҳлари ҳосил қилган, ўз моҳиятида мислсиз фожеа – фақат иймони бутун, иродаси кучли кишилар кечириши ва кўтариши мумкин бўлган руҳий изтироб ифодасидан бошланади:

*Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашинг?*

Бундай безовта-оғриқли, куюнчак савол-мисралар замирида варақ-варақ ҳасратнома – хасби ҳол лавҳаларига сиғдириб бўлмас сўнгсиз армон, аччиқ маломат нидолари яширинганига

шубҳа йўқ (зеро, Чўлпон шеърларида алоҳида сўзларгина эмас, ҳатто товушлар, тиниш белгилари – имло ишоралари ҳам ўзига хос маъно – турли оҳанг, садо, акс-садо тўлқинлари, рамзий паузалар тарзида муайян бадиий вазифани ўтайди). Бас, юқоридаги икки мисрада лафзан зикр этилмаса ҳам (шеърини образнинг жозиба сири шунда!), лекин руҳан – моҳиятда мустамлака қарамлигидан, халқнинг асрий ғофиллик асоратидан, эҳтимолки, миллий маҳдудлик ва гумроҳлик кулфатидан қутулмоқ учун уйғонишга, «сўнгги интилак» ва «талпинмак»ка – қўзғолишга даъваткор садолар эшитилгандай бўлади...

Ахир ўз ақл-ҳушини, соғлом фикр қобилитини йўқотмаган одамга «кишанлар бирла дўстлашиш»дан ортиқ хўрлик, шармисорлик бўлиши мумкинми? Борди-ю, «тирик... одам», «ўлмаган... инсон» учун нисбат қилиб олинган «кўнгил» (шоир бундай таққослашдан, шубҳасиз, тегран маънони кузатади!) нафақат озод инсон, балки бутун бир миллат, улуғ аждодлардан мерос муборақ замин – Ватан рамзи тарзида талқин этилсачи?.. Наинки, башарий даҳолари, бебаҳо обидалари билан жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган заковатли халқ муқаддас эътиқоди ва ҳақ-ҳуқуқидан, даҳлсиз тили ва давлатидан мосуво этилса? Унинг жаннатмонанд водийлари, файзиёб қир-яйловлари даҳрий – шаккок Империя ҳукмфармолиги билан истаганча таланса, топталса, нопок қилинса! Очиғи, «кишанлар бирла дўстлашиш» фожеасини бутун жонли – ашёвий даҳшатларию маънавий-руҳий азоблари билан тасвирлаб беришга, айниқса, бутун сўз ожизлик қилади. Не ажабки, Чўлпон инсон ва миллат дардларини анъанавий «кўнгил» ташбеҳи орқали мўъ-



жазгина лавҳада бамисоли орифона нуктадонлик, зарифона нозикхаёллик, мусаввируна рангинлик, мутрибона навосозлик билан, зоҳирий ва ботиний маънолар бирлигида фавқулодда аниқ ва ёрқин ифодалаб беради.

Шеърнинг кейинги сатрларида ҳам «дод», «фарёд» сўзлари моҳиятида нафақат шеър қаҳрамонининг субъектив дунёси – «кўнгил», балки унинг ўзи («сен-да одам, сен-да инсонсен») – эркталаб шахс мансуб бўлган эл-улус қайғуси, миллий Истиқлол тақдири ҳақидаги изтироб тўла хаёллар акси-инъикосини кузатамиз, уқамиз:

*На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?*

Кўнгил ботиний дунё сифатида ҳар қанча алам, озор бўлса, уни оламга ошкор этмаслиги – пинҳон тутиши мумкин. Бу, айниқса, ўксик, ранжида, шикаста диллар таомили, ғариб-мискинлар тамойили. Аммо-лекин энг хокисор зот ҳам бедор кечалар сўнгида чархи бедодга қарата оҳ урса, шахсий аламидан ё замонидан, замона аҳлидан фарёд чекса не ажаб? Армонлари чексиз шоирга она халқининг турфа зўрлик, ёвузликлар олдида бу янглиғ унсиз-нидосиз – ожизу забун ҳолати қаттиқ азоб беради. Наинки аз-рўйи азал «хур туғилгон» кўнгил (моҳиятда унинг соҳиби – хурфикр инсон, яна кенгрок маънода, қаҳрамон) тимсолида тажассум этган элат, миллат шунчалар умидсиз, нажотсиз аҳволга тушиб қолган, шу даражада «сустлашган» бўлса? Шоирнинг пурдард ҳайқириқ-саволлари – борлиғи ўртаниб, «куйиниб сўзлаши» (Р.Парфи) замирида сўнгсиз алам, ўкинч, армон, ғазаб, исён оҳанглари, айнаи чоғда, қандайдир илинж, илтижо,

муножот маънолари яширинганига шак-шубҳа йўқ. «Нечун?» Наҳотки «Ҳар турли қулликларни сиғдирмаган» бу элга «сушлашиш» раво бўлса? Зеро, халқнинг букилмас иродасини, енгилмас қудратини «Халқ» шеърининг қуйма сатрларидан ўтказиб ифодалаш қийин: «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...» Бас, фарёдсиз, сукутли ҳолатини унинг чорасизлик аломати деб билмаслик керак. Бу – бўрон олди сукунати бўлса ҳеч ажаб эмас! Акс ҳолда, табиатан ҳақпараст, эрктаб халқнинг тарихида мисли кўрилмаган ижтимоий фалокат юз бериши турган гап...

Умуман, «Кўнгил» шеърининг, хусусан «кўнгил» образининг маъно-моҳияти – сирли теранлигини бир қадар идрок этиб, таҳқиқ қилиб бериш мумкинмикин? Бизга улуг Ғоёте лутфан мададкор сўзлар айтгандай бўлади. Унинг фикрича, шеър «объектнинг шоир субъектига ўтиши»дан иборат давомли шавқ-рағбатли ва қийноқли жарёнлар маҳсули бўлиб, образ-кечинма (универсал характердаги лирик қаҳрамон тимсоли ҳам) коллектив даҳонинг шоир шахсида, унинг кечинма-хаёллари тарзида зухур этиши демакдир.

Бу орифона таснифни ривожлантириб айтиш мумкинки, Чўлпон яратган «кўнгил» образи бу – ўзбек тилининг мумтоз шеърӣӣ меъёрлари асосида инкишоф этилган, моҳият эътиборида барча эрксевар элатлар, миллатлар интилиб келган озодлик ғоясининг янги бадийӣ тажаллиси. Қолаверса, бу – башариятга мансуб «дунёвий ғусса» миллий тафаккур мисолида инъикос этган ғоят мухтасар ва ёрқин бир дунё, фақат Чўлпон қалами билан тарашланган, «сўз гуҳари» (Навоӣӣ) нинг ғаройиб намунаси...

Шеърни шарҳлашда давом этамиз. Аввалгидай чуқур тағзаминли, дардли-сўзонли саволларда зухур этган, не-не ҳасратлар билан йўғрилган мисралар руҳига разм солайлик:

*Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик манги¹ кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?*

Эндиликда ортиқ суъистеъмол туфайли қадрсизланган сўзлар сирасида «ҳақорат», «тубанлик», «кишан» ташбеҳлари ўша суронли миллий Уйғониш йиллари (оқибат-натижада жаҳаннам қатағонлари, қонли ислоҳотлар, мудҳиш ёлғонлар даври)нинг асоратли муҳитида қанчалар тийрак руҳ, теран маъно касб этгани фақат Чўлпондек ноёб ва фожеъ ижодий қисмат соҳиби – шоир-адибларгагина аёндир.... Начора? Биз муқояса учун ўша йўлсизлик йиллари ёзилган «Бас энди!» шеъридан тамсил келтиришимиз мумкин: «Етар, бас, чекдан ошгандир. Бу қарғиш, бу ҳақоратлар. Тўлуғдир, балки тошқондир. Тубанлик ҳам сафолатлар!».

Шоир кузатган муддаони бир қадар англаб етиш, шоир сўзлари руҳини озми-кўпми идрок этиш учун қадим ситамдийда юртимиз узра беомон шиддату ваҳшат билан ўтган большевикча ислоҳотлар самуми унинг кўксига айланган инқилобий «тажрибалар» чиғириғи не чоғлиқ фалокатлар келтиргани ҳақида лоақал умумий тасаввур ҳосил қилиш ўзи кифоя... Элу юрт, миллат ва умуммиллят фожеасининг қўламини, ҳад-ҳисобини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади... Чуқур

таҳлилни тақозо этувчи бошқа бир мисол – 1922 – 1923 йилларда ёзилган «Кишан», «Қўзғолиш», «Яна ўт» шеърларидан ўрин олган: «Кишан, гавдамдаги излар букун ҳам битгани йўқдир... Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни қаҳр айлар»; «Ай, бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган, Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!»; «Кишанинг парча-парча тўғралса, Қутулиш изларингга юз сурсам!»...

Хуллас, Чўлпон талқинида «ҳақорат», «тубанлик», «кишан» ташбеҳлари, аввало, инсоннинг тангри азизу бошариф яратган табиати, тоза хилқати билан мутлақо ножинс, унинг ақл-заковатига, бунёдкору ижодкорлик даҳосига бегона, эзгу туйғулар, маъсуму мастона кечинмалар, маҳрам сирлар манзилгоҳи – қалбига нораво, иймон-этиқод ва покдамонлик дунёси – руҳиятига зид ғайри кучлар, ёмонлик ва ёвузлик руҳлари рамзи... Қолаверса, бу – асорат ва оқибатлари авлодларга ўтадиган (демак, башарият манфаатларига хилоф), ҳазрат Навоий куюниб таъбирлаган «ёмондан ёмон» иллатлар инъикоси. Шоир сатрларининг маъно-мантиқ кучи, бадиий оҳанрабоси шундаки, бизда баднамо номининг ўзиёқ дилни хира қилиб, вужудни сескантирадиган ўша номарғуб сўзларнинг ҳаётдаги замини ҳам қачонлардир барҳам топиши муҳаққақ, деган боумид кайфият – руҳий қаноат туйғуси уйғонади...

Шу боисданми, шоирнинг қутлуғ армони бўлиб, кенг маънода, она халқнинг асрий тилак-истаклари йўлида ёруғлик кунларининг тимсоли муждасидай янтраган, шеърга ўзгача сарбаланд руҳ, умидбахш маъно ато этган сўнги сатрлар мағрур садо, акс-садо беради:

*Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!*

Бундай амирона эътимодли, ўктаму ши-
жоат кор жавонмардлик сўзларини ошкор ғурур
ила айтмоққа фақат Чўлпон каби Хуррият ва
Истиқлолият ғояларини чин эътиқод мақомига
қўтарган шоиргина маънавий ҳақдор бўлмоғи
мумкин. Унинг валиуллоҳ аждодлар сўзига мо-
нанд башпоратнафас, сўзонли мисралари ҳаётий ва
бадий мантиқ кучи, халқона пурмаъно ва қуйма
соддалиги, таъби равон муסיқийлиги билан беих-
тиёр жазб этадики, бундай зарифона сайқалланган
шакл-шамойил сирини, айниқса зукко, хуштабъ
шеър муҳиблари яна-да зиёдроқ, чуқурроқ идрок
этсалар ажаб эмас...

Хулласи калом, бадиият, фасоҳат қонунлари
(«илми балоға» «саноеъ нафиса») амри-ла билво-
сита кўнгилга қаратилган илтижо – муножот сўз-
лари... аслида «ҳур туғилгон» инсон тақдири би-
лан, кенгроқ маънода, эркталаб, ҳақсевар эл-улус
қайғуси билан (яна теранроқ ёндошганда, баша-
рий ва азалий идеаллар, муқаддас умид-армонлар
билан) боғланган, аниқроғи, Туркистон миллий
Уйғониши фидойилари руҳига бахшида бетакрор
шеърый тимсолларга айланади. Улар нафақат
ҳазину дарднок хотирот рамзи, айни чоғда на-
жоткор, курашга даъваткор, умидбахш таронадай
янграшига шубҳа йўқ... «Тенгри эҳсони» (Навоий)
бўлмиш ноёб истеъдод самари сифатида шакл-
ланган мазкур шеър, унинг ёниқ бандлари, образ-
тимсолларининг боқийлиги сири, улуг эрксевар
шоир номи ва шаънининг ўчмаслиги сири шунда-
дир.

«ЯНА БИР ХАЛҚ ЯРОТ» ДЕБ БЎЛМАС...

(«Халқ» шеърининг таҳлили)

Халқ... Бу муборак арабий калом луғавий маънода яралган, яратилган дегани. Қуръони Мажидда яратгувчи Холиқ (ёки Халлоқ) амри билан жамики мавжудот йўқдан бор этилди – осмондан нозил қилинди дейилади ва бу улуг иноят хабари бир неча ояти каримада, турли суралар таркибида таъкидланади. Демак, «халқ» сўзининг зотию сифоти (моҳият ва аломатлари) илоҳий ибтидога эга. Улуг ҳазрат Навоий инсонга ато этилган истеъдод ва салоҳиятни ҳам «Тенгри эҳсони» деб атайди. Бас, миллий Уйғониш – илк Истиқлолият (ғоялари) даврининг кенг миқёсдаги дунёвий ва илоҳий маърифатидан бахравар, чин маънода ориф адиблардан Чўлпоннинг халқ мавзуини қаламга олиши тасодифий ҳол эмас.

«Халқ» шеърини баҳоли имкон шарҳлаш, илोजи бўлса, унинг чуқурроқ таҳлилига киришишдан аввал пири муршид шоир Алишер Навоийнинг халқ шаънига айтган, беихтиёр ўйга толдирадиган бир шоҳбайтини (сарлавҳада унга мурожаат этишимиз бежизмас) мушоҳада этиб кўрайлик:

*Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақга –
Деса бўлмас: «Менинг учун яна бир халқ ярот».*

«Халқ» тушунчаси чиндан-да муқаддаслигини, дахлсиз юксаклик мақомида туришини бундан-да асослироқ ифодалаш қийин. Бу ўринда Навоий теурийзодалардан Бадиуззамон Мирзога ёзган мактубида келтирган Адиб Аҳмад (Югнакий) қаламига мансуб «Отанинг хатоси ҳам савобдур» қудсий жумласини эслаб ўтмоқчимиз.



Яъни халқнинг улуғлиги шундаки, ундан баъзан миллатдошлардан кимгадир етиши мумкин бўлган ранж-алам (чунончи, қадрсизлик, балким, бирор адолатсизлик) – хатолик ўтган тақдирда ҳам, барибир, бу «хуш» кўрилиши, яъни маъзур тутилиб, кечирилиши ҳам исломий, ҳам миллий ахлоқимиз қанчалар улуғлигидан далолат беради...

Ана энди шеър шарҳига ўтсак бўлади.

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.*

Шоир шеърни сўз моҳияти – ибтидоси муқаддаслигидан бошлагани бежиз эмаски, халқ денгизга, денгиз тўлқинларига муқояса этилади. Албатта, бу шартли бир ўхшатиш, яна аниқроғи, параллелизм усули (шарқ шеършунослигида бу мувозана санъати деб аталади). Халқнинг ижтимоий тараққиёт тарихида тутган ўрнини, мавқеини, халқ иродасининг мислсиз руҳий-маънавий кучини чиндан-да фақат денгиз билан, денгиз тўлқинлари билан тенглаштириш мумкин. Не ажабки, байтнинг иккинчи мисрасида, эҳтимолки, мазкур шеърнинг ёзилишига бевосита туртки бўлиб хизмат қилган воқеалар таъсири бор. Туркистоннинг турли жуғрофий минтақалари – хоҳ шаҳару қишлоқ, хоҳ қир-адир ё дала-тузида содир этилган ҳақсизлик, хунрезликларнинг даҳшатли манзараси, ситамдийда халқнинг ғазабнок кайфияти очик-аён сезилиб туради: «халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир». Шоир ташбехларининг мантиқий кучи эътиборни тортади. Яъни халқ ўзи исён демакдир, бас, уни бостириш билан халқдаги

исёнкор руҳини сўндириб бўлмайди. Халқ бир олов демакдир (балким, у тинч-осойиш шароитда ҳам ичдан, пинҳоний ёниб туради), уни ўчириш, маҳв этишга уриниш абас-беҳуда, бундай уриниш ҳақиқатга зид. Халқнинг ўзи ёмонликка, ёвузликка нисбатан интиқом рамзи, у – табиатан қасоскор. Бас, дунёда ҳеч қандай куч унинг йўлини тўсолмайди. Шу тариқа, шоирнинг сўз-ташбеҳлари шундай бадий мантиқ заминига қурилгандирки, уни бирон-бир даъвою далил билан инкор этиб, рад этиб бўлмайди.

Иккинчи байтда шеърини мантиқ янги мазмун, янги руҳ билан кучайтирилади.

*Халқ қўзғалса, куч йўқдирки, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.*

Навоий «халқ қўзғолони»ни ногоҳоний бо-сиб келган селга қиёс қилган эди: сел балосининг ваҳшати – зарбидан на шохнинг қасри-саройи, на дарвешнинг фақирлик кулбаси омон қолгуси... Аллоҳ ўз бандасига сабр ва сабот ато этган, лекин сабр косаси тўлиб халқ туғёнга келса, унинг са-бабкорларига нисбатан худонинг ғазаби ёғилиши муқаррар. «Халқ истаги» ҳам шундай муқаддас ва даҳлсиз...

Не ҳасрат-надоматлар бўлсинки, тарихда тен-ги-нисбати бўлмаган даҳрий-шаккок салтанат-нинг биргина синфий муросасизликка асослан-ган ғайриинсоний, андишасиз ғоялари, барча жабҳаларни банди этган қудратли тарғибот маши-наси, зирҳли ҳарбий ва хавфсизлик воситаю усул-лари туфайли... халқ қўзғолиш эмас, маълум вақт давомида бўлса-да (балким, қачондир интиқом соати келишини кутиб), ёвузликка қаршилик

кўрсатолмай қолади – иложсиз таслим бўлади ва қуллик кишанларини кийишга маҳқум этилади (шоир «Виждон эрки» шеърида бу аччиқ ҳақиқатни шундай ифодалайди: «Зулм олдида ҳар бир нарса, Эҳтимолки, бўйин эгар. Агар зулм авжга келса, Кўк боши-да ерга тегар... Фақат эркин виждонларга эга бўлмоқ мумкин эмас!»). Бироқ халқ қанчалар жабру ситам кўрмасин, унинг ҳақ-ҳуқуқи не чоғлиқ топталмасин, фалак гардиши айланиб турар экан, ахир бир кун қасос соати келади («Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин»). Алал-оқибат халқнинг ҳақлигини, «халқ истаги» ўлмаслигини тарихнинг ўзи исботлади-ку!..

Биринчи ва иккинчи байтларда асосан фалсафий моҳияти бадийий тадқиқ этилган «халқ исёни», «халқ истаги» ғоялари учинчи байтда бевосита тарихий воқелик билан алоқадор аниқ тафсиллар орқали кўрсатилади:

*Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади – тож ва тахтлар йиқилди.*

Кекса тарих қанча-қанча ижтимоий тебранишларга, инқилоблару ҳарбий тўнтаришларга гувоҳ бўлмаган, неча бор сарой фитналарини кўрмаган! Бундай ички сиёсий курашларнинг оддий фуқаро учун оғир оқибат-асоратларига қарамасдан, халқ афсонавий қақнус қуш каби вайронаю култепалар даҳшатини ортда қолдириб, ўз жароҳатларига малҳам излаб топади, аста-секин қаддини тиклайди, қайтадан азалий ҳаёт тарзини, муборак удумларини давом эттираверади. Шоир «Халқ» шеърининг ғоявий мундарижасини бадийий тадқиқ қилиш йўлида донишманд аждодлар эътиқодига суянади: тарихий ўзгариш-

лар («салтанатлар йўқ қилиниши, тож-тахтлар йиқилиши»), уларнинг илдизини чуқурроқ идрок этиб кўрганда, бу – бир ё бир неча гуруҳ исёнчи-инқилобчилар иши эмас, улар ижрочи-воситачилар холос. Асосий куч-қудрат – халқда, унинг азму иродасида. Агар поймона тўлиб, вазият етилса, «халқнинг қўзғолиши»да. Демак, поёнсиз Россияда зулм салтанатини қулатган ҳам моҳиятан Феврал инқилоби, қўзғолон кўтарган ҳарбий қисмлар ва бошқа гуруҳларга мансуб кучлар эмас, балки халқдир. Асримиз бошларига келиб Туркистонда империяга қарам бўлиб қолган икки хонлик «тож-тахтини йиқитган» ҳам аслида халқ, унинг иродаси, ҳаддан ошган жабр-зулмга, ишрати шаҳватпарастликка, хиёнатга нисбатан халқнинг қаҳр-ғазабидир. Бас, Чўлпон халқнинг ўзидан олган асос – омиллар, чуқурроқ идрок этганда, қанчалар тўғрилигини ҳеч ким инкор этмайди. Эҳтимол, «халқ истаги», оқибат-натижада «халқ исёни» аввалига – муайян тарихий вазият етгунига қадар асосий куч сифатида ажралиб кўринмас. Моҳиятда эса ўша азалий пинҳоний куч юзага қалқиб чиқиши ва ҳал қилувчи хизматни ўташи табиий ва муқаррар бир ҳолдир.

Кейинги – тўртинчи байтда, айниқса, 20-йиллар шароитида ғоят муҳим, журъаткор фикр-ғоя илгари сурилади:

*Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.*

Бу байт беихтиёрий равишда «Бузилган ўлкага» шеърининг очиқчасига курашга, интиқомга даъваткор мисраларини ёдга туширади: «Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган хур ўлка.



Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?» Чўлпон истеъдодининг «ҳақиқатнинг кўзларига» тик қарашни ижодий маслак даражасига кўтарган кучли жиҳати ҳақида яна-да аниқроқ тасаввур ҳосил қилмоқ учун юқорида шарҳлаб ўтилган мисра билан мазкур байтнинг биринчи мисрасини ўзаро таққослаб кўрайлик. «Халқ истади – тож ва тахтлар йиқилди... халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка». Чўлпоннинг мағрур шахсиятига, эрксевар ва ҳақпараст шеъриятига ғаразли муносабатда бўлган марксист танқидчилар, агар ким фаромуш қолмаганларида, айтиб беришнинг икки сатридан мантиқий «сакталиқ»¹ топиб, демагоглик ва захролуд сўзлар билан шундай писанда қилишлари мумкин эди.

«Хўш, Чўлпон «тож ва тахтлар йиқилган» ўлкага Октябр инқилобидан кейин яна қандай озодлик» келишини истайди? Бу ашаддий душманлик, миллатчилик чақириги эмасми?...». Ҳа, ҳурфикр шоирнинг мудҳиш ёлғону алдовларга мурасасиз қалби, исёнкор тафаккури феврал инқилоби келтирган умидбахш шамоллар билан Октябр тўнтаришидан кейин ўлка осмонида пайдо бўлган «қуюқ қора булутлар» – яна-да ёвузроқ қарамлик режалари ва усулларини дилдан сезиши, тийрак илғаб олиши қийин эмасди. Чўлпон макр-риё заминига қурилган хиёнаткорона сиёсатдан норозилигини очиқчасига айтмасдан туролмасди («Кенглик ҳаёллари учдими кўкка. Бутун умидларни ёвларми кўмди? Мангу тутқунликка кирдими ўлка. Ҳаёлда порлаган шамларми сўнди?» – «Амалнинг ўлими»). Бу – балокаш халқ номидан айтилган, унинг қонуний талаби, азалий хоҳиш-иродаси, ўз юртига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқи – миллий

¹ Сакталиқ – нотаомлик

истиқдол ғоялари ифодаси эдики, улардан мазкур шеърнинг миллий Уйғониш даври тарихида тутган муносиб ўрнини, аҳамиятини билиб олиш қийин эмас.

Кейинги – бешинчи байтда анъанавий шеърый санъатлардан мукаррар, (такрорийлик) усули орқали халқ руҳиятини ёрқин очиб берувчи янги қирралар кашф этилади.

*Бир қўзғолур, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.*

Байтда «бир» ташбеҳининг олти бор такрорланиб келиши фақатгина шеърый санъат тақозоси эмас. Бу – ўзбекона содда самимият, оғирбосиқлик, кенгфёллиқ, пурандеша, сабру сабот хислатларининг ...ўша машъум кунлар вазиятига қараб кутилмаган тарзда ўзгариши – шижоатли боболардан мерос бошқача сифат – жавонмардлик жасорати, қайтмасу тоймас саъжия касб этиши, курашчанлик, қасоскорлик аломатлари зухур этиши... Бу – миллий хулқ-атвор тарзи билан ўзига хос туркона сўзлаш тарзи уйғунлашган пурмаъно оҳанг – руҳий садо такрори...

Шу тариқа, тақрир санъати талаб қилган тақрорий бирикманинг иккинчи узви – асосий, белгиловчи ташбеҳ-тимсоллар сираси яратилди. Бу гал ҳам биринчи байтдаги манзара, фақат ҳар бири ўзича мустақил маънога эга бўлган сўз-образлар («қўзғолур», «кўпирар», «қайнар», «интилур», «ҳовлиқар», «ўйнар») уйғунлигидан халқ даҳоси, халқ тафаккури ва миллий характерининг зоҳирый қирралари – унинг сувратига хос сифат аломатлари ва ботиний-руҳий олами – сийратига хос, моҳиятда санаб адо қилиб бўлмас мўъжи-

завий маъно теранликлари, нуктадонликларини бир-бир кашф қилиш мумкин. Зотан халқ – аҳли ҳунар ва аҳли илмдан то аҳли ҳақиқатгача турфа тоифадаги комилу фозил, дақиқу зукко зотлар, пиру мураббий, раҳнамою халоскор сиймоларнинг ноёб истеъдод ва салоҳият соҳибларининг тажааллиси, кўзгуси, тимсоли... Халқ закоси ва даҳосининг бу каби беадад қирралари юқоридаги байтда тавсифи берилган олти жиҳатда умумлаштирилган.

Шоир гўёки қадимий руҳий илдизларга ҳам, айнаи чоғда 20-йиллар муҳитининг шиддаткор ритми – юрак зарбларига ҳам қулоқ тутиб ёзгандай...

Олтинчи байтда халқнинг яратувчилик салоҳияти, беминнат ҳиммат-саховати айнаи пайтда унинг она юрт қайғусида куюнчак ватанпарварлик интилишлари бадийий умумлаштирилади.

*Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар.*

Турли усулдаги адовату низолар замини, ҳаттоки қонли можаролар боиси бўлган омиллар: йўқлик-йўқчилик ва энг даҳшатлиси – очлик муаммоси. Бу фожеъ мушкilot бир мамлакат доирасидан чиқиб, бошқа халқлар, ҳудудлар тинчлигини бузиши мумкин. Фақат ижтимоий тенгсизлик, миллий қарамлик исканжасидан чиндан-да озод бўлган юртда халқнинг ҳаётида, келгуси тақдирида янгидан-янги имкониятлар уфқи очилиши мумкин. Надоматлар бўлсинки, 20-йилларда Туркистон ўз бошидан кечираётган бухрон фақат иқтисодий танқислик («йўқлик, очлик» азоби)дан иборат эмасди. Бу – «бузилган ўлка бўғзини бўғиб турган қўланка» – халқнинг асрий

дардидан, армонларидан узоқ бўлган популист раҳномолар таъсис қилган «йўқсиллар диктатура-си», улар юритган, моҳиятда халқ манфаатларига, айтиқса, унинг бобомерос миллий сарзаминига қарши ошкора зўравонлик сиёсатининг мудҳиш оқибат ва асоратлари эди. Бу – табаррук аждодлардан авлодларга ўтган муқаддас мулк – ер-сув-га, касб-кор, уста-устазода мактабларига мерос-га шаърий ва қонуний эгалик ҳуқуқига халқнинг асрлар синовидан ўтган тажрибалари ва бебаҳо анъаналарига ҳалол-пок турмуш тарзига, муборак орзу-умидларига нисбатан қилинган ваҳшиёна та-жовузлар эди...

Не ажабки, улўғ улуспарвар шоир Чўлпон ўша энг мушкул кунларда ҳам яна халқ ирода-сига ишонгани, унинг «тенгри эҳсони» бўлмиш салоҳият ва имкониятлари битмас-туганмасли-гини кўнгилдан идрок этгани учун ҳам (ўз юрти-ни) юртини ҳар нарсага тўқ этиш» дек журъаткор вазифа, олижаноб мақсаднинг қачондир рўёбга чиқиши – ҳақиқатга айланишига камоли умид билан қарайди. Зотан, у она халқининг ғайрат ва ҳимматига, саховат ва жўмарддигига ишонади: бу халқ мамлакат бошига тушган «йўқликни-да, очликни-да» бартараф этиш билан кифояла-ниб қолмайди, балки ёрдамга, мадад ва нажотга муҳтож бошқа эл-элатларни ҳам лоақал моддий муҳтожликдан халос этишга қодирлигига тарих-нинг ўзи шоҳид.

Шоир буни яхши билган ва энг оғир вазиятда ҳам халқ биринчи суянчиқ, ҳаёт таянчи бўлиб қолади, деган эътимод ва эътиқод билан яшаган, ижод этган. (Гётенинг ҳайратомиз аниқ ва мухта-сар тавсифича, лирик қаҳрамон шоир шахсияти

(ўзлиги) билан коллектив даҳонинг мўъжизакор уйғунлиги – умумлашма тимсоли сифатида шакл-шамоийил топади). Шунинг учун ҳам шоирнинг қаҳрамони халқ томон интилади, ўқувчини ҳам шунга даъват қилади.

*Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!*

Қанчалик ҳаққоний, самимий истак, не чоғлик оддию доно маслаҳат; нафи, самараси, оқибат-натижаси ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган, билъакс, куч, рағбат уйғотадиган даъват. Ҳеч қачон қадри тушмас, эскирмас, холисанилло йўриқнома, йўлдан адаштирамайдиган дастуриламал мисоли... Илло, Чўлпон, барча чўлпонлар, қодирийлар, фитратлар ҳамиша халққа суянганлар, умид ва армонларини ҳам халқнинг заковат ва саховатига, ниҳоят, унинг хотираси – боқий руҳиятига ҳавола қилганлар... Зотан, шарҳимиз аввалида қайд этилган ҳақиқат – халқнинг пок хилқатида, ижодий-бунёдкорлик даҳосида, озод руҳиятида илоҳий ибтидо мукаммал ҳолда зуҳур этганига шубҳа қилмаган Чўлпонларнинг–Хуррият, Истиқлолият фидойиларининг ўлмаслиги сири шунда.

Шубҳа йўқки, «Халқ» шеъри бир шарҳ ўлчовига сиғмас – ўз оламига, ўз оҳангига эга. Том маънодаги халқ санъаткорининг кўнғил мулкани, хаёлот дунёсини ойлар, эҳтимол, йиллар давомида банд этган ва, ниҳоят, 1921 йилнинг талотумли шароитида эркисизлар шоирининг ўзигагина маълум қийноқли изланишлар жараёнида етилган, бамисоли чилангар дастгоҳида пешланиб сайқал топган (аслида пурҳикмат халқона тафаккур манбаидан баҳравар) мисраларнинг маъно-моҳияти

нималардан далолат беради? Менинг назаримда, буюк сўз санъаткори яратган бадий мантик аниқ ва равшан: халқ дунёдаги ҳеч қандай куч ҳеч қачон инкор эта олмайдиган улуг ҳақиқатдирки, уни шоир мушоҳада этганидай, улкан бир денгизга тенглаштириш мумкин, яъни халқ – денгиздай тинимсиз ва чексиз хилқат: унинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам қудратда денгизга тенг, халқ – денгиздай азалий ва боқий («азалдан то абад» барҳаёт), у – денгиздай дахлсиз ва муқаддас... Зоҳиран олиб қараганда, «Халқ» шеърининг энг осон ва энг мухтасар шарҳи ўзи шу. Чуқурроқ разм солиб, ботиний мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, шеърнинг руҳида – ташбеҳ ва тимсоллар моҳиятида фақат Чўлпон қаламига хос фасоҳат қонунияти – ўзгача бадиият, санъат сирини бир қадар идрок этгандай бўламиз, бу ҳол бизни боз ҳайратга солади...



САБР КОСАСИДАН ҚАТРАЛАР

(«Бас энди!» шеърининг шарҳи)

Бу шеър исёнкор садою акс-садолар, руҳий нидолар кўҳна Бухорою Турон инъикоси, тугёнли туйғулар тажаллиси тарзида, бамисоли кулоллар хумдонидан чиққандай залворли оҳанг-садо бергувчи чилангарлар сандонида пешланиб, сайқаллангандай жилвакор қуйма мисралар тарзида шакл-шамойил топган. Шунинг учун бўлса керак, унда фақат шавқу рағбат, жўшқин илҳом маҳсули бўлган табиий ва самимий тавсифийлик ҳам, кутилмаган ва тутилмаган истиораю мажозлар ҳам, мумтоз шеъриятимиз бадииятига хос лафзий ва маънавий санъат усуллари – фавқулодда муқоясаю муболағалар, бетакрор тажнис – мажозлар, ишвали ўйноқи лутфлар деярлик учрамайди.

«Етар, бас, чекдан ошқондир. Бу қирғин, бу ҳақоратлар...» Аксинча, бутун шеър қурилмаси – композицияси, тимсоллар тизими эҳтиросли хитоблар, кўнгил даъватлари, иймон, диёнат ҳайқириқлари, эътиқод, маслак, матлаб чақириқлари, руҳият фарёдининг мавжлари, замзамалари заминига қурилган. Қайноқ, ёниқ эҳтирослар тўлқини остидаги кучли босим гўёки яшин шиддатию момақалдироқ ҳайқириқларининг замини денгиз ости оқимларини, вулқонлари, зилзилаларнинг оловли манбаларини эслатади. Бу табиий, азалий босим, сарзамин, теран манба халқ руҳияти: унинг иймон-эътиқоди, боқий анъаналари – бебаҳо миллий

қадриятлари, маънавий ахлоқий илдизлари билан ботиний алоқада эканини ҳассос шоир чуқур ҳис этади. Шунинг учун ҳам энди ортиқ чидаб, сукут сақлаб бўлмаслигини яхши билади, жафокаш, ба-локаш халқ номидан унинг иймону номус-диёнати ҳаққи, покдомонликда, хайру саҳоватда тенги, ни-сбати йўқ донишманд валиуллоҳ аждодлар руҳи, уларнинг ёруғ умидлари, армонлари ҳурмати, боболардан мерос тийиқлик, сабру сабот, кечи-римлилик, бағрикенглик, оқилона муроса-мадора каби яхши сўзлар, пандномалар сарҳадидан ўтиб (шоир бундан бошқа бирор умид, илинж, чора, имкон тополмайди), дил-дилдан ёниб, ўртаниб хитоб қилади:

*Етар, бас, чекдан ошқондир
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Тўлуғдир, балки тошқондир
Тубанлик ҳам сафолатлар!*

Халқимизда «қарғиш», «ҳақорат» сўзлари-нинг бир неча маъно қирраси бор. Жабрдийда-лар, хўрланганлар қарғиши ошкоралиқдан кўра кўпроқ пинҳона воқеъ бўлади. («Худого солдим, жазосини Худонинг ўзи берсин!» тарзида). Билиб ё билмасдан, ғофиллик, гумроҳлик, лоқайдлик, бедардлик, ҳасислик каби иллатлар оқибатида ёки бечоралик, ожизлик, иродасизлик, муроса-созлик каби шароит, вазият тақозоси билан со-дир этиладиган салбий хатти-ҳаракатлар ё ноҳақ, ноўрин, адолатсиз сўзлар аксари яқин киши-ларга озор етказиши мумкинки, ўзини айбдор, гуноҳкор деб билган, ҳар қалай, эртами-кечми виждон азобини кечирган одам назарида бу ҳам ўзига нисбатан «қарғиш» маъносида қараши

мумкин. Ва, ниҳоят мутлақо бегуноҳ бўлган ногиронлар, бахтсиз, омадсизлар, тақдири илоҳий нимадандир (масалан, фарзандсизлик) қисган аёллар ё эркаклар, ёлғиз-ғариб кишилар ўз аҳволи руҳиялари-нажотсизликлари сабабини қисматнинг «қарғиши» деб билсалар-да, уларнинг аксарияти шаккоклик, ношукрлик кўчасига кирмасдан, аксинча тавба-тазарруда, тоат-ибодатда бўлиб, гўё ўз «гуноҳлари»ни енгиллатувчи ҳидоят йўлини Аллоҳдан илтижо қилиб ўтадилар... «Бас энди» шеърида қаламга олинган «бу қарғиш, бу ҳақоратлар» халққа нисбатан ўтказилган ижтимоий (махаллий зулмкорлар тарафидан) ва кўпроқ миллий мустамлака зулми, айниқса, «йўқсиллар диктатураси» нинг алдамчи-риёкор, қаллоб сиёсати, сароб идеалларнинг янгича зўравонлик усуллари, янги кишанларга қаратилган аччиқ хитоб сўзларидирки, буни, шубҳасиз, халқимиз тушунган «қарғиш», «ҳақорат» каби озорли надоматангез ташбеҳларнинг янги, ўзгача маъно қирралари инкишофи деб талқин этсак тўғрироқ бўлади.

Иккинчи байтда ўзини баъзўр тийиб ё тиёлмасдан, дард-аламлар йўғрилган ғазабнок руҳдаги «тубанлик ҳам сафолатлар!» шеърий хитобининг «бу қарғиш, бу ҳақоратлар!»дан фарқли жиҳати, бунда чўлпонлар авлоди тасаввурида анчайин қарор топган сўнгги хонликлар даврининг сиёсий-иқтисодий инқироzi, маънавий таназзули, сўнгра Рус империясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида содир бўлган аянчли аҳволни бутун даҳшати билан очиқ-ошкор кўрсатиш нияти бор: халқимиз қисматига тушган миллий парокандалик, ўзаро низо ва адоват, худбинлик ва маҳдудлик иллатлари, айниқса нодонлик, жаҳолат касри

бўлган ғофиллик, бобомерос маърифат ва маданият сарзаминидан узоқлашиш ё бутунлай узилиш, ниҳоят ҳурфикрлиликдан, эрк ва ҳақиқат ғояларидан мосуволик, мутеълик ва қуллик фожеаси. Тубанлик ва сафолатнинг бундай аянчли, шармисор кўринишлари билан юзма-юз келиб, бундан нафақат аччиқ надоматлар чекиш, балки бундан миллий фожеа қисматига қарши туғёнга келиш, исёнкор туйғуларни очиқ-аён намоён этиш – мана ҳурфикр, ҳақпараст, миллатпарвар шоирга тинчлик бермаган нуқталар! Албатта, «тубанлик ҳам сафолатлар» учун халқнинг шаънига тегишли, унинг миллий саъжиясига хос баъзи ожизликлар, маҳдудликлар (масалан, кечиримлилик, ортиқ даражада бағрикенглик, сабрлилик кабилар)дан кўз юмиб бўлмайди, бу жиҳатлар миллий ғурур маъсулиятидан ҳеч кимни соқит қилмайди. Айни чоғда ҳазрат Навоийдан бағоят пурандеша бир байтни келтириш жоиз... «Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким Ҳақга деса бўлмас: Менинг учун яна бир халқ ярот». Не чоғлиқ доно, фалсафий-маънавий жиҳатдан қанчалик ўйга толдирадиган, турли хато ё маҳдуд ҳаёллардан огоҳ этадиган, ҳамишалик дастуриламал сифатида истифода этишга муносиб пурҳикмат байт! Ана шу байт руҳидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «Яна бир халқ яратиб» бўлмаганидай, бутун бир халқни, миллатни бирор жиҳатдан камситиб, айблаш ҳам ақлдан, инсоф, адолатдан эмас. Ахир тўғриси айтганда, юқорида қайд этилган сўнгги хонликлар даври ва мустамлака эркисизлиги шароитида халқимиз руҳиятида, саъжиясида, тафаккурида, маънавияти ва маърифатида содир бўлган барча кўнгилсиз, аянчли ҳоллар, жами

кўргиликлар учун халқнинг ўзи эмас, балки эл-юрт бошида турган зотлар, хориждан келган тажовузкорлар айбдор эмасми? Шунинг учун улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи муқаддимасида: «Мавзуни тарихимизнинг энг қора, кир даври – сўнгги хонликлар замонидан белгиладим», деган сўзлари асосан тўғридир (Холбуки, кейинги йилларда бу даврга оид қатор ижобий тадбирлар – меъморий, илмий ва бадиий маданиятимиз ёдгорликлари яратилгани ҳақида янги тадқиқотлар олиб борилмоқда). Шоирнинг 1921 йилда эълон қилинган «Халқ» шеърида ҳам улуғ Навоийнинг пурҳикмат байти руҳига ҳамоҳанг кучли умумлашма мисралавҳалар мавжудки, улар умуман халқ, хусусан она халқимиз шаъни дахлсиз юксакликда туришининг ёрқин далолатидир («Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир...»). Шеърнинг яна бир бандида «Бу қарғиш, бу ҳақоратлар», «Тубанлик ҳам сафолатлар» бошқача тарзда такрорланиб мудҳиш оқибатлардан огоҳ этувчи, демак бу йўлда курашмоққа даъваткор муҳим бир вазифани ўтайди:

*Бу қарғиш, бу ҳақоратлар
Кучимни тортмоқ истайлар!
Тубанлик ҳам сафолатлар
Ўзимни ютмоқ истайлар!*

Эл-улус, миллат, унинг диний эътиқоди, эрки, истиқлоли манфаатлари учун, тили, адабиёти, маърифат ва маданияти, ўлмас удум-анъаналар шаъни учун, халқнинг улуғ тарихи, аجدодлар мероси ва муқаддас хотироти ва бошқа жами эзгуликлар учун ўша халқнинг мухтор элчиси,

фидойий куйчиси сифатида унинг номидан шунчалар ёниб-ўртаниб, ортиқ аламнок сўзларни, ҳам фожеъ, ҳам аянчли ташбеҳларни боз тилга олиш билан миллатпарвар шоир яна нималар демоқчи бўлади? Нега «Кучимни тортмоқ истайлар! Ўзимни ютмоқ истайлар!» дея ғазабнок нидо қилади? Ҳа, «қарғиш», «ҳақорат» фақат нохуш кайфият туғдирмайди, «тубанлик», «сафолат» сўзлари ёлғиз таҳқирловчи, хўрловчи маъноларни англатиш билан кифояланиб қолмайди. Улар ҳақсевар, эркпарвар, софдил ва пок одамлар эътиқодига, маслак ва матлабига қарши хуруж қилади, ҳамма тажоввуз йўлига ўтади.

Улуспарвар шоир ғазабини жунбушга келтирган энг хатарли томони – бу машъум хуружлар, мудҳиш тажовузлар бутун бир миллатга, катта, улуғ бир халққа, унинг эзгу идеаллари, боболардан мерос озодлик, рўшнолик, маърифат, тараққиёт, орзу-умидларига қарши йўналтирилганидир. Коллектив даҳо фикрини олижаноб, босавоб мақсад билан ўзлаштириб, халқ ғами, улус, Ватан қайғуси, ташвишларини, одамлар дардини ўзига олиш барча замонларда ҳамма буюк шоиру сўз даҳоларининг шарафли бурчига айланган. Уларнинг улуғлиги ҳам шунда. Чўлпон «Кучимни тортмоқ (синдирмоқ маъносида) истайлар!», «Ўзимни ютмоқ истайлар!» деганида ана шундай боболардан мерос таомилни – она халқи, миллати номидан сўзлаш ҳуқуқини ўзи учун шараф, катта масъулият аломати деб билади. Ниҳоят, шеърнинг кейинги мисралари ана шу олижаноб мақсад йўлида ўзини курашга чоғламоқ, бунинг учун доимо шайланиб турмоқ – фидойилик ғоясини ёрқин, мухтасар ифодалайди:

*Кўнгилда – сўнгги интилмак...
Кучимда – сўнгги талпинмак...
Кўлимда сўнгги тош қолди,*

*Ёвимга отмоқ истаймен!
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Амалга етмак истаймен!*

Очиқ-ошкор курашга чорлаш руҳи – эрксеварлик йўлидаги исёнкорлик Чўлпонга бирдан ва осонгина келган эмас, «Интернационал»ни биринчи бўлиб ўзбекчалаштирганда, бошқа инқилобий руҳдаги шеърлар, жумладан татар инқилобчилари раҳнамоси Мулла Нур Воҳидовнинг фожеали ўлимига бағишланган марсияси, шу руҳдаги шеърый таржималарида шоир мутлақо самимий эди. У феврал инқилоби келтирган умумхуррият ғояларини катта умидлар билан қаршилаган, фақат Октябр тўнтаришидан кейинги вазиятда юз берган иштибоҳ ва изтироблар, умид ва алданишлар фожеаси улуғ шоирни не чоғлиқ виждон қийноқларига солгани ёлғиз унинг ўзига ва Аллоҳга аён.

Айниқса, Қўқон (Туркистон) мухториятидан қонли ўч олиш, бегуноҳ шаҳар аҳолисини қатлиом қилишдан бошланган «қизил террор» Чўлпоннинг инқилобий эрк ҳақидаги ҳақиқат умидларини чилпарчин қилиб юборган эди. Бунинг натижаси ўлароқ ғазабнок, исёнкор шеърлар ёзилди: «Нима учун ағдарилган, йиқилган Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?» («Бузилган ўлкага»); «Қўзғолиб кетганингни бир кўрсам, «Қутиларман!» – деган ишонч бўлса...» («Яна ўт»); «Тубанлик мангу кетмасми? Кишанлар парчаланмасми? Қиличлар энди синмасми?» («Кўн-

гил»). Ана энди бевосита юқоридаги уч байт шарҳига ўтсак бўлади. Жабрдийда халқи, «ўзидан чиққан балолар» етмагандай, ёт мафкура, зўравонлик ниятлари билан келган тажоввузкорлар, айниқса, «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», «Туркистон коммунистларига» каби алдов баённома ва хатларда бир бошқа, дилида бошқа ёвуз мақсадларни сақлаган ашаддий худосиз большевиклар(шўролар) юритган сиёсати ўзининг ҳақиқий қиёфасини ортиқ яширолмайди. (Чунончи худосизлик, зўравонлик ҳар қандай гуноҳдан, жинойтдан кўрқмаслик, содир этилган барча ёмонликлар учун жавобгарликни тан олмаслик, охир-оқибат жазо, интиқом муқаррарлигига ишонмаслик, дин-эътиқод муқаддас деб билган барча тушунчаларни, жумладан, уят, шарм-ҳаё, иффат, поклик (каби) туйғуларни таҳқирлаш, ҳақоратлашдан бошқа нарса эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатадики, унинг мудҳиш, шармандаю шармисор асорат ва оқибатларидан ҳали-бери халос бўлиш қийин).

Хуллас, ўз халқининг кўнгил кўзи, қалб қулоғи бўлган Чўлпонларга ҳақиқий аҳвол аллақачон аён бўлган эди... Бундай ички-ботиний сезги шоир тилига – унинг «фалокат бўлиши»дан огоҳ этувчи наърадор ва нолакор шеърларига кўчмасдан қолмади, албатта. Бас, «Кўнгилда – сўнгги интилмак», «Кучимда сўнгги талпинмак» сатрлари замирида нафақат ўз халқини таҳдид солаётган офатдан, юз бериши муқаррар фалокатдан огоҳ этиш, уйғотиш, балки озодлик, миллий мустақиллик учун қўзғолишга чорлашдек фавқулодда жасоратли курашчан ғоя жойланганлигини, айниқса бугун, миллий истиқлол замо-

нида ким ҳам инкор эта олади? Ахир сир эмас, Чўлпон ва Фитратларнинг муборак номи ва асарларини жуда кечикиб бўлса-да тиклаш, уларнинг бебаҳо меросини халққа қайтариш ҳаракатлари республикада атайлаб пайсалга солингани учун ҳам (ҳатто Москва матбуоти луқма ташлаган), бизнинг пешқадам олим ва адибларимиз ҳамон чўчиб, иккиланиб бир нуқтада депсиниб-тайсалланиб, турли иштибоҳли баҳо-ҳукмлар андешасида қийналаётган 1989 йилда камина ортиқ чидаб туролмай, гарчи бунга етарли маънавий ҳуқуққа эга бўлмасам-да, «Чўлпон чиндан мураккабми?» номли мақола билан чиққан эдим.

Ўшанда катта олим ва ёзувчилар билан баҳсга киришиб, чунончи: «Қўлимда сўнгги тош қолди, Ёвимга отмоқ истаймен!» каби қасоскор руҳдаги сатрлардан Чўлпон номини, шахсини гўё «ҳимоя қилмоқчи» бўлиб, бу сўзлар унинг адабий жабҳадаги мухолифларига қаратилган бўлиши керак дегандай мужмал бир фикрни билдирган эдим, бу гуноҳим учун ўзимни ҳалигача кечиролмайман. Ваҳоланки, «Қўлимда сўнгги тош қолди... Қўзимда сўнгги ёш қолди» мисралари орқали Чўлпон нафақат хурриятимиз, миллий Истиқлолимиз шоири – куйчиси, балки бу муқаддас тарихий жараённинг жасоратли жарчиси, фаол курашчиси даражасига кўтарилган эди. Миллиятимиз манфаатлари, миллий адабиёт равнақи йўлида майин, самимий овози билан гўё «сокин бир қўнғироқ чалиб ўтган» (А.Орипов) бениҳоя ҳақир, заҳматкаш шоир Миртемир сўнгги шеърларидан бири «Мажнунтол»да: «Мен учун сен йиғла, мен йиғлаб бўлдим»деган эди Худо раҳмати.

Чўлпон кўзидаги сўнги ёш нималар учун, кимлар учун тўкилган эди? Эрк, ҳақиқат, истиқлол йўлида жонини, аксарият ёш, йигит умрини бахшида қилган шерюрак, оташқалб, иймони бутун, ёлғондан, қаллоблиқдан, ҳаромдан, хиёнатдан ҳазар қилган, миллатнинг асл ўғлонлари, барча фидойи улуғ, азиз зотларни деб шоир кўзларига қалқиб чиқмаганмиди ўша «сўнги ёш»лар! Биз ҳам барча ҳурфикр, ҳақсевар фидойи аждодларимизни, алалхусус барча чўлпонларни бу гал муборак хотира ёшлари билан ёд этсак, руҳи шарифларини шод этсак минг бора арзийди. Шундай эмасми?..

САМОВИЙ ОРЗУ МАЛАГИ

(«Гўзал» шеърининг таҳлили)



Шоирнинг ёруғ юлдузи



Алексадр Пушкин муҳаббатни мусиқага муқояса этган эди. Зеро, мусиқа – инсон қалбига, унинг руҳий дунёсига кўрсатган таъсири билан шеъриятга энг яқин, ҳамжинс, санъат тури. Шеърият сўз санъатининг асрлар давомида сайқалланган поэтика қонунлари, мезонлари билан ҳамсоз соҳа сифатида муҳаббат мулкининг назаргоҳдан ташқари, ажаб бир сирли парда ортидаги пинҳоний маъноларини тадқиқ ва таҳлил қилишга даъват этилган. Тўғри, шеъриятда сувратга хос – жисмоний-вужудий гўзаллик аломатларининг ўз ўрни, маълум қиммати бор. Бироқ бадиий зийнатланган, санъаткорона тарашланган суврат сийратни – ботиний маъноларни очиб беришга, инсон руҳиятини, умуман, оламнинг моҳият ва сабабиятини бир қадар идрок этишга хизмат қилсагина ўзини оқлайди.

Абдулҳамид Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида тенги йўқ бир соҳибжамол – «ер қизи»нинг қиёфаси – портретига оид чизгилар ажралиб кўринмайди (фақат бир бандда: «оққа кўмилган,.. қизил яноқ» – ташбеҳи мусалсал – силсилали ўхшатиш намунаси мавжуд). Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ йигит ё унинг ҳаёлида жонланган сайёр-йўлдош тимсоллари: ёруғ юлдуз, ой, тонг насими ва кун тасвирида ҳам бирор сифатловчи чизги-ташбеҳ кўзга ташланмайди, балки «шунчалар гўзал» бир қиз кўрсатган таъсир, унинг оқибатида содир бўлган ҳолат ифодаси фақат Чўлпон қаламига хос халқона оҳанглар усулида мухтасар шаклда зуҳр этади. Тамсил сифатида шеърнинг биринчи банди – олтиликдан икки байт кўчирамиз:

*Қоронғи кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: мен уни тушда кўраман.*

Во ажаб: бир қарасангиз, ой чиқмаган (халқимизда нақл борки, «ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши – ёруғ»), юлдузлар чарақлаган сим-сиё кеча қўйнида уйқусиз ошиқ йигит ўзининг маъсуд хаёллари оғушида олам кезади ва биз ҳам беихтиёр равишда унинг мажнунвор хаёллар асирга айланамиз.

Шайдо кўнгилнинг тун хилқати ичра бирон-бир нажот илинжи, умидида олис самоват ҳодисалари билан розлашуви замин фарзанди – ошиқ йигит ҳаётида содир бўлиши мумкинлигига таажублана туриб, ҳар қалай, ишонгимиз келади. Лекин, яна бир қарасангиз, шоир қаҳрамони ажабтовур бир ҳолатда намоён бўлади: бу – бизнинг одатий тасаввуримиздан тамомла ўзга олам: осмоний буржларнинг қай биригадир мансуб, эҳтимол, руҳлар, малоиклар, фаришталар макон тутган, назаргоҳдан пинҳон оламга ёки улар билан қўшни-ҳамсоя бир ҳудудга беркинган, эҳтимол, энди ишқи илоҳий тимсолига айланган, дунёвий ташвишу зиддиятлардан, нафсу ҳирс эҳтиёжларидан озод бўлиб, Чўлпоннинг ўзи лутф этганидай, «кўк қизи» ёди-ла яшайди ва биз ҳам ғайритабиий туйғулар, ғайришуурий руҳий лаҳзалар даргоҳига бориб қолгандай, ўзгача кайфиятни кечирамиз. Лекин не ажабки, фақат бани одам – башар авлодига аён бўладиган туш ҳодисаси «энг ёруғ юлдуз» ҳолатига кўчирилади: «Тушимда кўраман: шунчалар гўзал, Биздан-да гў-



залдир, ойдан-да гўзал» – дейди юлдуз тилга кириб тунги мулоқот асносида.

Чўлпон хаёлхонасининг сеҳр-жозибаси шунчаларки, асли совуқ самовий жисм инсонийлаштирилиб, самимийлик, илиқлик, маъсумлик касб этади:

«Айтадир... ул юлдуз уялиб, бошини букиб». «Энг ёруғ юлдуз»нинг қизлардай иболи кўриниши, ҳайратли сўзлари бизни янада зиёдроқ ўзига жалб этади. Бу – чиндан-да халқона лутф мисоли бўлган нақл (бизнинг шоиртабиат фозилаю зарифа аёлларимиз – шинаванда аяжонлар ҳазил-мутоиба билан: «бу қиз шунчалар гўзалки, агар бир кўрсангиз ўзингиз ҳам шайдо бўлиб қоласиз!» дейишлари мумкин). Албатта, бундайин офуштаҳол муносабат ўз маъсумлиги, бокиралиги: «пок кўзнинг пок юзга пок кўнгил билан» (Навоий) назар солиши эътибори билан эъзозлидир. Демак, гўзаллар ичра гўзал ер қизига осмондаги «энг ёруғ юлдуз»нинг ғойибдан (тушда кўриб) ошиқи беқарор бўлиши, ўз таассуроти: «Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал» каби мастонавор-ўйноқи оҳангларда ифодаланиши маълум мантиқдан ҳоли эмас (ошиқона мулоқот тушда аён бўлиши шуни тасдиқлайди). Аниқроғи, осмондаги юлдузни тилга киритган ошиқ йигит хаёлида жилаланган муҳаббат дунёсини фақат шеъриятга хос бадиий мантиқ меъёрлари билан идрок этиш мумкин...

Ҳолбуки, жафокаш, ҳурриятпарвар шоир ўта зиддиятли, пурталотум муҳитда, адабиётимиз, маданиятимиз, алаал-хусус, миллий руҳиятимиз қайғусида, даҳрий-зўравон мафкуранинг бедодликлари билан зоҳиран юзма-юз қолиб, ботинида виждон азобини кечириб, аччиқ таассуротлар – изти-

роблар исканжасида ёзиш ва яшашга маҳкум этилган эди. Ана шундай маҳрумликларга тўла эрк-сиз муҳитда «Гўзал»дек маъсуд севги қўшиғининг яратилиши шоирнинг, балким, маълум фурсат давомида кайфиятини бир қадар кўтарган, ҳақир руҳиятига таскин берган бўлса ажаб эмас...

Иккинчи банддан яна икки байт олиб шарҳлашда давом этамиз:

*Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
Ул-да айтадир: бир қизил яноққа –
Учрадим тушимда, кўмилган оққа...*

Фақат Чўлпон қаламига хос ҳолат тасвирини кўринг: бизга таниш замин гўзали билан ғаройиб мулоқат бу гал ҳам тун қўйнида, фақат энди ой чиқиб, сирли хилқатга сутдек шуъласила руҳафзо ойдинлик баҳишлаган фурсат асосида, яна туш салтанатида кечади. Бу шеърини ҳолатни истанг – табиий, ҳаётий деб билинг, истанг – афсонавор ҳаёл деб атанг, ҳар қалай, бадийи мантиқ эътибори-ла қанчалар ҳаққоний ҳариру зариф бир лавҳа, том маънода руҳият манзараси! Шоирнинг қаҳрамони —« қаландардек юриб дунё кезса»да орзу малагини излаб топмаган ошиқи вола йигит юлдузлар чарақлаган қоронғу кечалардан сўнг, ўз назарини «ой чиққан ёққа» ташлайди ва бу гал жуда олисдаги юлдузлар буржидан анчагина қуйироқ ҳудудда «тўлин ой.. оқ уйи» (Навоий) – ипак чодирини тиккан қамарий буржга нигоҳини қаратди. Бу сафарги мулоқотда, табиийки, янада гўзалроқ, янада сеҳрлироқ манзара пайдо бўлади, яъни «энг ёруғ юлдуз»нинг тушида аён бўлган



гўзалга нисбатан энди ойнинг тушига кирган ўша малаксиймо қиз бошқача жилвалари билан тажаллий этади:»оққа кўмилган... бир қизил яноқ» гулрў қиёфасига киради.

Бу қандай ранг бўлди: ойдин кечанинг ғаройиб кўзгусида (боз устига ойнинг «тушида»!) инъикос этган ўша гўзал қизнинг юзини табиатнинг қайси рангига нисбат бериш мумкин? Не ажабки, Чўлпон билан ҳаммаслак санъаткор Абдулла Қодирий ҳам Раъно тимсолини чизишда айнан ҳамранглик усулидан фойдаланган эди (тўғри, бу гули раънонинг қизил-сарғиш ё заррин ранглар йўғурмаси бўлган, аксари водий қизлари тусига хос ёруғ офтобсимон рангинлик эди...) Лекин Раънонинг суврати ойдин кеча ёки туш фонида яратилмаган. Билъакс, Чўлпоннинг малаксиймо гўзали сирли бир вазият, рухий ҳолат – тамом ўзгача жараёнда намоён бўлади. Унинг рухсори на шоирнинг бошқа бир шеъри учун муқояса қилиб олинган «қизил тусли» шафтолининг, на чаманзор маликаси – қизил гулнинг, на соҳибкор боғбон етиштирган нопормон-қизғиш нақш олманинг тусига ўхшайди... Бу – ой шуъласига чайилгани учун ҳам ўзгача чирой касб этган нурафшон бир кўринишдирки, уни «ойнинг туши» ходисаси билан қиёсий таҳлил қилганимизда, эҳтимол, хурлиқоларгагина мансуб илоҳий нафосат мисолини кузатамиз. Қолаверса, бу фақат Чўлпон қаламига хос бетакрор рангинлик намунасидир. Хуллас, туркистонлик замин қизининг хусни-жамолидан осмондаги ой ҳам ўз ҳайратини яшира олмайди (иккинчи банднинг мисралари): «Оққа кўмилганда шунчалар гўзал, Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал». Хусусан, шоир халқона

оҳанглардан ижодий истифода этган: «Мендан-да гўзал.. » қиёсий тимсоли ҳазил-мутоибага мойил соҳибжамол аёлларимизнинг шўх-пурзавқ лутфини эслатмайдими?..

Шеър қаҳрамони – ошиқ йигит хаёлан оидин кечанинг рўёдагидай ғаройибот мулкини сайр эта-эта, тонг олдида яна заминга – таниш масканига қайтади ва қизиғи шундаки, муроди ҳосил бўлмаса-да умидсизланмайди, негаки, орзу гўзали унга мудом шавқу рағбат бағишлаётгандай... Асли гўзаллик шайдолари – чин ошиқлар табиати шундай: севганини излаб, тополмаса, васлига етолмаса-да, муҳаббати сўниш билмайди, билъакс, зиёда бўлади. Шунинг учун тунни беҳоб ўтказган шоиртабиат йигит энди субҳидам насимига пешвоз чиқиб, уни сўроққа тутди.

*Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.*

*Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!*

Эсланг: «энг ёруғ юлдуз» ва ой билан розлашув тунги хилқатнинг сеҳргар қўйнида юз берганидан туш лавҳа-эпизоди шеърини мантиқ қонунига мувофиқ келган бўлса, бу сафарги мулоқот саҳар эпкини билан, сўнгра, тонг отгач, қуёш билан кечгани учун, гарчи шеър аввалидаги хаёлий-романтик руҳ ўзгармаса-да, энди воқеа зоҳиран ўнгда, юзма-юз ҳолатларда содир бўлади. Гўзалликнинг мужассам тимсоли – ер қизи ҳайратидан «тонг шамоли» ҳам ўзининг азалий табиатида алланечук ўзгариш сезгандай бўлади: малаксиймо қизни бир кўришдаёқ оромини йўқотади, йўлидан адашади.

Бунинг боиси нимада экан? Ё ўша гўзал афсунсоз парилар зотиданми? Хуллас, тонг шамоли ҳам бу орзу малагини одамзод авлодидан эканлигига иштибоҳ билдиради, бироқ, барибир ундан кўнгил узолмайди: «Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал. Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!» Ҳар бир банднинг сўнгида бамисоли кўшиқ нақоратидай такрорланадиган мусикий равон мисралар моҳиятида: гўзалликни муҳаббатсиз тасаввур қилиб бўладими? – деган азалий ақиданинг Чўлпон дастхатига хос ёрқин далолатига шоҳид бўламиз. Илло, том маънода комил ва солим гўзаллик ҳақидаги эзгу ҳаёл – бу муҳаббат боқийдир, деган эътиқод ифодаси эмасми? Қисмат амри, тақозоси-ла орзуга эришиш бўлмаса, у кўнгилнинг муборак армони бўлиб қолади – муқаддас хотиротга айланади. Тўғриси, фақат иймони бут, сабот-иродали кишилардагина шундай бўлиши мумкин (чин инсоний гўзаллик – комил нафосат бўлиши мумкинлигига ишонмаганлар ҳақиқий муҳаббатга ҳам ишонмайдилар, унинг қадрини билмайдилар).

Майли, орзудами, ҳаёлдами – муҳаббат яшар экан, бундан инсон қалби гўзаллашади, руҳи покланади. Айни шундай хилқати пок, кўнгли гўзалликка мойил, нафосат туйғуси кучли одамларда муҳаббат алал-оқибат муқаддас армон бўлиб яшайди (гарчанд бундай эътиқодли, покдомон одамлар камдан-кам бўлса-да, уларни ҳаётда учратиш қийин эмас).

Чўлпон тасаввур этган сафобахш «эрта тонг шамоли»дан кейин, ўша ҳаёлдаги муҳаббат маликасини энди уфқдан кўтарилиб келаётган куёш қаршилайди:

Ул кетгач кун чиқар ёруғлик сочиб,
 Ундан-да сўрайман сенинг тўғрингда.
 Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб
 Айтадир: бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.

Маълумки, коинотда балким, қурраи замин учун ҳаёт отлиғ буюк неъмат, турфа мўъжизот манбаи саналмиш Қуёшдан хоҳ халқ оғзаки ижодиётида, хоҳ мумтоз адабиёт ва санъат турларида ташбехлар, рамзу мажозлар, истиоралар оламида пурвиқор тимсол сифатида фойдаланиш анъанага айланган. Чўлпон қадимий муҳаббат қўшиғининг янги бир намунаси бўлган «Гўзал» шеърида, биринчи навбатда, мумтоз поэтика мактаби тажрибасини ижодий ўзлаштиради, яъни қуёш («кун») мажозини жонлантиради, аниқроғи, инсонийлаштиради. Энг муҳими, шеър турли касб, турли тоифага мансуб ғасоҳат мухлислари дидига мўлжаллаб ёзилганини унинг халқона қўшиқалёрларга хос ўйноқи-равон оҳангидан билса бўлади.

«Гўзаллик – соддаликда», ёинки «гўзаллиكنинг ўзи соддаликдир» деган халқона мантиққа биноан, ёруғ юлдуз билан ой сингари қуёш ҳам замин гўзалининг шайдосига айланади: «Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал, Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал». Бундай шўх, пурзавқ услуби билан Чўлпон ўз шаънига қасддан маломат сўзлари ёғдиришни касб қилиб олган ашаддий шаккок танқидчиларнинг: «Чўлпон – символист, у атайлаб сирли рамзлар, мажозлар тилида ёзиб, асл муддаосини парда ортига яширмак ниятидадир» қабилидаги ғаразли – уйдирма гап-сўзларига зимдан жавоб қилган бўлса ажаб эмас...



Ва ниҳоят, шеърнинг асосий банди – энг кучли,
энг жозиб мисраларини шарҳлашга ўтамиз:

*Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб куйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб, мен суйиб... кимни суйибмен?*

Асли халқ тафаккури ва бадиий тилининг неча-неча авлод изланишлари тажрибасида тарашланган, сайқалланган, қуйма соддалик намунаси бўлган, болокаш ушшоқ аҳли кечирган, кенг маънода, ҳаётнинг ўзидагидай жозиб зиддиятли (ҳажр изтироблари, васл ҳаёли қувончлари), гоҳ мастона, гоҳи қаландарона ҳаёлларнинг самимий ифодаси тарзида шаклланган ёниқ мисралар... Бу – дард аҳли ўзи биладиган, ўзлигига сиғмаган, ошиқона шавқу изтироблар йўғрилган сўзона туйғулар, рухий ҳолатларнинг ҳайратомиз аниқ, мухтасар суврати. Шоир қаҳрамоннинг муҳаббатдек буюк рухий хилқат, ёруғ дарднинг ҳайратиданми, чексиз нашъаси – сурури ва иштибоҳли жиҳатлари туфайлими – шунчалар тўлиб-тошиб қилган хитоблари, такроран зикр этилган нола-ҳасратлари, аслида жавоби мушкул саволлар замиридаги туйғулар, ҳаёллар замзамаси бизни ҳам ҳайратга солади, ўйга толдиради.

Кўчирилган шеъринг парчанинг ҳар бир сатрини ўзга бир шавқу дард билан такрорлагимиз келади. Бунинг боиси нимада экан? Мана аввалги икки мисра: «Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен, Унинг-чун ёнибмен, ёниб куйибмен?» Зоҳиран оддийгина сўзлар бирикмасининг шунчалар кучли жозоба касб этиши... Балким, шоир ташбеҳлари такрори ҳосил қилган хос интонация – мусиқийлик замирида бир сир бордир...

Очиғини айтганда, юқоридаги сатрда тажассум қилган, қадим-қадимлардан ишқ аҳлини лолу ҳайрон этган асру зиддиятли дунёни... бу ёруғ умидворлик ва тўзимсиз ҳасрат туйғуларини, лоақал умумий (биз чандон уринганимиз қадар), майли, зоҳирий аломатлари билан шарҳлаб бериш кифоя қилмайди. Алалхусус бу нолавор сўзлар замиридаги соҳир-мўъжизакор оҳанг – гўёки ташбеҳларнинг анъанавий такрори, ундан ҳосил бўлган шўх-равон ритмика, мелодика (хўп, бу ҳам қадимона бир усул-ку, халқ ўланларида, алёрларида бундай ғамзали такрорий оҳанглار озми? – дерсиз) – мусикий-лирик лавҳа пардасига яширинган нуктадон, пурдлард маъноларни, уларнинг бадий жозибасини, мисралар руҳидаги санъат, фасоҳат қонунлари сирини, хуллас, улуг шоиригимиз кузатган чин муддаони маълум даражада қониқиш ҳисси билан тадқиқ қилиш, таҳлил этиш анчайин мушкулотдир. Зотан, уларда мўъжизий олам: Гўзаллик ва Муҳаббат ҳайратомуз ёрқин, мухтасар ифодасини топганки, «Гўзал» шеърини имкон даражасида шарҳлаб ўтиш билан Абдулҳамид Чўлпоннинг рубобий-лирик олами ҳақидаги тасаввуримиз бир қадар ойдинлашса, тиниқлашса ажаб эмас. Аслида-чи? Ҳассос санъаткор орзу қилган, шоир «санъатхонаси» (Шайхзода) меҳварида, эҳтимолки, ойлар, йиллар давомида айланиб, чарх уриб юрган Нафосат малоиклари, ишқ фаришталари дунёсини биз қай даражада инкишоф этмайлик, бу маълум сувратлар тарзида содир бўлади холос.

Бу сирли оламлар сийрати, моҳияти-чи? Буёғи фақат шоирнинг ўзига аён руҳий хилқатдир...



МАЖОЗ РУҲИДАГИ НОЛА

(«Бинафша» шеърининг шарҳи)

*Йиглагон сойи хаёлинг
Дийдаи гирёнда нақш...*

Навоий

«Бинафша»дек ажаб сирли-сехрли шеър, том маънода фасоҳат тимсоли – жозиб, дурдона Сўз таҳлили ва таҳқиқига бағишланган шарҳимиз аввалида, ҳазрат Навоийнинг «маънилар хазинаси»дан ушбу мавзуга дахлдор бир иқғибос келтирамиз: «...Шабоб (йигитлик) гулзори назоҳати (тоза-шаффофлиги) фаслида... бинафшадек тоат (ибодат)қа ва меҳнатқа қад нигун қилмоқ...» («Садди Искандарий» достони 40-бобининг унво-ни – насрий сарлавҳа-мундарижадан), бу – моҳият эътибори-ла иймонга, ҳусни ахлоққа ва луқмаи ҳалолнинг биринчи омили – меҳнатга, ғайрату ҳимматга даъваткор («Тухм ерга кириб – чечак бўлди, Қурт жондин кечиб – ипак бўлди; Лола тухмича ғайратинг йўқму, Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?» – «Дебоча», «Бадоеъ-ул бидоя»), санъат, бадиият эътибори-ла нафису бетакрор бир лавҳа. Ҳа, мўъжаз лола – бинафшанинг, барвақт, илк баҳордан, ҳали тупроққа наврўзий илиқлик югуриб улгурмасдан, қатқалоқ ер қаъридан чиқиб, аёз бағрида ниш уриб, куртак отиб, япроқ ёзиб. ҳатто ғунча тутиб, очилмоққа интилиши, боз устига, «Алишерий» нигоҳ ила кузатганда, «қад нигун» қиёфага кириб, эгилиб-букилиб ўсиши, бу – бизнинг табиатан зироатпарвар, ер заршуноси, нас-ли-насаби набототсевар-боғбон халқимиз хилқати ва руҳияти учун фавқулудда ҳодиса бўлмаса-да,

ҳар қалай, ҳайратбахш ҳолатдардан... Бу – ҳаёт, тириклик отлиқ илоҳий неъматнинг илк даракчиларидан бири, оламнинг янгилиниш фасли – Қуёшнинг Ҳамал буржиги кириш олди тараддуди арафасида барча яхши ниятли кишиларга умидбахш туйғулар инъом этувчи муборак мужда... Бинафшанинг бошқа бирор гул-чечакка ўхшамас нозик-ҳарир, айнаи чоғда саботли жуссаси, шикастаҳол (эгилиб-букилиб ўсувчи) шакл-шамойили... баайни «белни букиб, бўйин эгиб» меҳнатга, тоат-ибодатга, одамлар, эл-юрт хизматиға ҳозир нозир, камарбаста-фидойи, ҳалим-синиқ йигитларга нисбат берилиши... бу соф миллий қиёфа, миллий саъжия (характер) аломатлари эмасми? Бас, ўз халқининг аҳволи руҳиятини «ўз вужуди-ла тафаккур айлаган» (Навоий) Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон Навоийнинг сўз даҳосини, тимсоллар дунёсини яхши билишига ким шубҳа қила олади?... (демак, «Бинафша»нинг ҳазин мазмуни ҳам қутилмаган ҳодиса деб бўлмаса керак).

Хуллас, «Бинафша», айниқса, ҳурфикр зиёлилар учун даҳшатли алданиш – эзгу умидлар, эрк орзулари саробга айланган ўша намвидлик йиллари маҳсули сифатида, табиийки, ортиқ ҳазин оҳанги (алал-оқибат фожеъ қисматли шоир дунёсига, балким, унинг шунчалар таҳқирланган инсонлик шаъни, мағрур шахсиятига дахлдорлиги) билан кучли, қадрли шеърлардан бири...

Шеърнинг биринчи мисралариданоқ анъанавий удумларимиз, миллий ҳаёт тарзимиз, маънавий-ахлоқий меъёрларимизга зид, номуносиб бир манзара чизиладики, бу, очиги, биз учун бутунлай бегона ҳолатнинг аламли тасвиридир:

*Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми –
Кўчада... ақчага сотилган?...*

«Қанчалик аёвсиз сўзлар бу! – деймиз беихтиёр равишда, – қани уят, инсоф, андиша?.. » (Эҳтимол, бу Андижоннинг «янги кўча»ларидан бирида ёхуд Тошкентнинг Ўрда кўпригидан нари – мустамлакачи-киборлар сайргоҳи – оврўпоча «кўча» ва хиёбонларда) пайдо бўлган гулчи-жаллоблар қатор-растасидан олинган аччиқ-аламли таассуротдир...). Аммо аста аён бўладики, бутун вужуди, маслак-матлаби билан миллий шоиримиз бўлмиш Чўлпон мустабид империя замониғача собиқ Туркистоннинг шаҳар-қишлоқлари, даҳа, маҳаллот, бозору гузарлари, сайлгоху хиёбонлари учун чинданам ғалат-бегона маломат сўзларини, биринчи қарашда хижолатли-узрхоҳлик туйғуси, азобли хаёллар билан (йўқ, кейин яхшироқ ўйлаб, чуқурроқ идрок этиб кўрилса) ноҳакдан-ноҳак, айбсиз айбдорлик қийноғи билан, ички қаҳр-ғазаб, яширин исёнкор кайфиятда, киноя оҳангида қаламга олинганини тасаввур этиш мумкин.

Биринчи мисранинг мумтоз поэтикамиз такрир санъати андозасига солинган («Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми?») ортиқ надоматли сўроклар замиридаги ошкор ҳақиқат иккинчи мисрага келиб: «кўчада», «ақчага», «сотилган» каби, шартли равишда ажратиб олинган тақдирда ҳам, ҳар бир ташбих – ўзича маломатли маъно юкига эга бўлган, бутун – яхлитлиги билан олганимизда умумлашма-драматик лавҳа, шеърый айбнома – фақат Чўлпон қаламига хос кескин ҳукм-хулосани беради. Қисқаси, биринчи байтдаёқ «Бинафша»нинг маънавий қиммати, ғоявий йўналиши, трагик руҳи – характери баралла аён бўлади.

Қиш охирламай, кўклам олди – навбаҳордаёқ

ҳар тупи асраб-авайлаб, агар уруғи бўлса – сара-
лаб, то тупроққа илк ҳарорат – жонланиш бошлан-
гунича махсус муҳофаза муҳитида сақланадиган,
иқдимга мосланган, мосланмаган, кўп йиллик ё
мавсумий гуллар деярли ҳар бир ўзбек хонадони-
да ўстирилиши одатий ҳоллардан. Бойчечак би-
лан бир вақтда ё кетма-кет биринчи бинафшани
табаррук ёшдаги кишилардан кимдир илк яхши-
лик – хайрли, босавоб, «шукронаи неъмат» рамзи
сифатида уйга олиб келиши ўзига хос байрамга
айланган. Бу ғаройиб сафсарранг чечак... райҳону
жамбил ё атиргулдай хушбўй бўлмаса-да, мақтаб-
мақтаб, энтика-энтика, айниқса, қариялардан ал-
лаким кўзлари намланиб ҳидлаганлар, қўлма-қўл
килиб, кўзларига суртганлар, ниҳоят, давра аҳли
дуога қўл очиб, «келар шу айёмлар» шаънига ти-
лаклар тилагандар...

Ана шундай хайрли-шодмон миллий муҳит,
ўзгача сирли, илоҳий ҳолат оғушида экансиз (би-
нафша дафъатан ана шундай хуш кайфият бахш
этади), қаёқдандир ногаҳоний офат, ваҳшатли-ёвуз
куч тажовуз килгандай... «кўчада ақчага сотилган»
каби ўта совуқ-мудҳиш сўзларни ўқиш, таъкид-
лаш зарурати-ла такрор тилга олиш қанчалар
азобли... Ўша ҳақсиз-асоссиз қадрсизланган, бе-
айб хўрланган ва билъакс, қанчалик тез жазб этган
бўлса, шунчалик тез унутиладиган (начора, инсон
табиатан ўзгарувчан, беқарор) бу бечора гулнинг
муҳофазасиз аҳволи... эҳ, армонли шоиримиз-
нинг умумлашма қаҳрамони аҳволи руҳияси би-
лан дарддош ва қисматдош бўлиб чиқади. Бас,
бинафша мажози фақат анъанавий гул тимсоли-
гина эмас, балки истиоравий маънода, қайсидир
эрксиз-«асира» қиз рамзи, кенг маънода, барча

махкума-мазлумаларнинг тимсоли мужассами
ҳамдир.

*Бинафша, менманми, бинафша, менми –
Севгингга, қайғунгга тутилган?...*

Бу байтдан англашилиб турибдики, шу аснода шоирнинг «мени» ошиқ кифасига киради, «бинафша» эса муҳаббати, алам- андуҳи билан ўзига банд этган маҳбуба тимсолига айланади, яъни: хусусан, шеърият санъатида ҳаётда кузатилмаган ҳол, аниқроғи, мантикий тафаккур меъёрларига тўғри келмайдиган, ўзаро зиддиятли, номувофиқ тушунча-қадриятлар ҳам кутилмаган тарзда уйғунлик, бутунлик касб этиши ажабланарли ҳол эмас. Бу – бадиият, фасоҳат қонунлари тақозоси... Чунончи, Чўлпоннинг лирик қаҳрамони («мени») – ошиқ мажозий маънода қайсидир асира қиз «қайғуси»да қийналиб, не ажабки. ўзининг бундай аҳволидан ҳайратда лолу ҳайрон – гоҳ умидли, гоҳи иштибоҳли ўйлар билан курашиб, ўша чорасиз-нажотсиз гулга, (моҳиятда қайсидир эрксиз-тутқун қизга) илтижо қилиши, бир қарашда, ажабланарли ҳол бўла туриб, бу шоир зоти, айниқса, ижодий ва инсоний қисмати зиддиятли Чўлпон шахсияти учун даҳадор, биз учун анчайин сирли, нимагадир даъваткор, эҳтимол, ғойиб олам – руҳиятгами, валиёна муножот сўзларини эслатади... «Сен, эй бу фоний дунёнинг шунчалар маъсума-бокира, айни чоғда қисмати тутқунлик бўлган гўзалларидан бири – шоир ҳаёли яратган тирик мажоз сувратидаги Бинафша!.. Аслида сен васлсиз муҳаббат, сурурсиз ёшлиқ, умидсиз-эртасиз тақдирнинг тимсоли эмасмисан? Не ҳасратки, менинг қисматим ҳам се-

ники каби: сенинг жавобсиз севгинга, қувончсиз қайғунга шерикдирман!..» Чиндан ҳам кутилмаган, ғайришуурий зиддият ифодаси. Балким, бу – Ишқ отлиғ зоҳиран инсоний (дунёвий-мажозий) алдамчи тасаввурлар, ўткинчи умидлар, нажотсиз армонлар зиддига... асли, моҳияти-ла дахлсиз юсак, боқий илоҳий ишқнинг сеҳри-домига беихтиёр равишда «тутилмоқ»дир! На хушки, чин ошиқлар – «ишқи хавос» аҳлининг муддаоси, асл муроди шу. Зотан: «Ошиқки, муроди ком ўлғай (зоҳиран, албатта), ошиқлик анга ҳаром ўлғай» (Навоий) Чўлпоннинг лирик қаҳрамон – ошиқ тилидан: «Менми севгинга, қайғунга тутилган?» каби сўнгсиз изтироб, ҳасрат тўла сўроқ сўзлари замирида мажозий (дунёвий) маънода бахтсиз қисмат – васлсиз муҳаббатнинг илоҳий моҳияти – таҳқиқ этиб, поёнига етиб бўлмас теран маъно сирлари шунчалар аниқ, мухтасар тажассумини топган, десак муболаға бўлмас...

Шеърнинг кейинги бандида нолавор-хазин оҳанг ўзгаради, энди нажотсиз, ҳимоясиз гул (моҳиятда эркисиз-тутқун бир қиз) заволига сабабкор омилларни омонсиз фош этишга даъваткор шеърый нисбатларни кузатамиз:

*Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?*

Эркисизлик асорати нималигини, тобеъқарамлик қисмати маҳрумликларининг таърифлаб бўлмас даҳшатларини шунчалар табиий, аниқ ва мухтасар ифодалаган: «Бинафша, нимага бир озроқ очилмай, бир эркин кулмасдан узил-

динг?» каби жавоби мушкулдан мушкул, гўё, (зоҳиран) гулга қаратилган сўроқ-мажозий илтижолар замиридаги изтироб, исён, қаҳр-ғазаб туйғулари маъно-моҳиятига етиб бўлмас ҳақиқат сирини Абдулҳамид Чўлпон билан маслақдош ва қисматдош, қалбан шоир, улуғ сўз санъаткори Абдулла Қодирий 1926 йили «Тонг сирлари» китобига ёзган сўзбошида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас: «Чўлпонни йиғлоқ деб айбситадидар. Балки ҳақлари ҳам бордир, чунки унинг: «Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан, Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан...» деб ҳасратланиши кўз ўнгимизда йиғлоқ бир шоирни гавдалантиради». Табиий ҳол: Қодирий ҳали ваҳшатли қатағонлар «қатлиом» тусига кирмаган бўлса-да, миллий зиёлиларнинг олдинги сафини ўз комига торта бошлаган ҳақсиз таъна-маломатлар шароитида эрксевар шоирнинг «йиғлоқ» шеърлар ёзишининг туб сабаби бошқа ёқда эканлигини очиқ-ошкор айтолмас эди.

Холбуки, Чўлпоннинг қайғуси фақат шахсий ранж-аламлар, ҳатто дунёвий ишқ мижролари ифодаси бўлиб қололмасди. Айниқса, қадрдон миллий, кенг маънода исломий қадриятларни назар-писанд қилмасдан, аёвсиз равишда «душман» деб билган зўравон-дахрийлик салтанати муҳитида шахсий «қайғу»лар улуғ шоир учун бамисли денгиздан томчи эди, деса бўлади («Кўнгил», «Бузилган ўлкага», «Халқ», «Ёр асиралари», «Кишан», «Яна ўт» каби исёнкор шеърларни эслаш кифоя). Бас, «Бинафша»дан кузатилган асосий мақсад шуки, тимсолларининг ғоят ҳазинмунгли оҳанг, ошкор драматик саъжия, ҳатто трагик руҳ касб этишининг сабаби ва асосий сабабчиси ҳаётнинг азалий зиддиятлари эмас, балки

ўша мажоз замирида яширинган эрк ғояси, миллат қайғуси, Ватан озодлиги орзу-идеали эди. Шу маънода аксарият чўлпоншунос олимларнинг камоли таассуф оҳангида, кимлардандир, нималар учундир (наҳотки устма-уст маломатлар тазйиқи остида, чорасизлик азоби, тору танглиги оқибати ўлароқ, ёзилган «Яна олдим созимни», «Ленинсиз ўн йил» сингари иложсиз-«буюртма» мавзудаги, ҳукмфармо сиёсат зуғуми билан, қалтис вазият маҳсули бўлган, шиорнамо-декларатив шеърлар – улар Чўлпоннинг «зодаи таъби» (Навоий) туғма истеъдодига, мағрур ижодий ақидаларига зид эди – асос бўлолса?...) қандайдир узрхоҳлик оҳангида билдирилган, шубҳасиз, беғараз-дўстона «танқид»дай туюладиган «замонасозлик» (?) даъвосига зинҳор-базинҳор кўшилиб бўлмайди.

Мана уларга Чўлпоннинг аниқ ва лўнда жавоби: «Зулм олдида ҳар бир нарсa, эҳтимолки, бўйин эгар, Агар зулм авжга келса, Кўк боши-да ерга тегар...» («Виждон эрки» шеъридан). Демак, «бинафша» шеърий мажозидa «бир озроқ очилмай», «бир эркин кулмасдан» сўлган илк баҳорий-наврўзий мужда, маъсум шикасталик рамзи бўлмиш «қадди нигун», «бўйни эгик» гул аҳволига қайғудошлик... буюк Ҳуррият шоирининг ижодий матлаби мақомига кўтарилган эдики, бунга салгина иштибоҳ билдириш шеърий санъатнинг хос бадииятини, рамзии-мажозий, истиоравий ифода тарзига қурилган фасоҳат мулки – Сўзнинг ҳам дунёвий, ҳам илоҳий қудратини билиб-билмай инкор этиш билан тенг, янглиш нуқтаи назардир.

Ана энди Чўлпоннинг том маънода улуғ шоир ва инсон сифатида комил эътиқодини, собит ҳақиқат туйғусини рўй-рост намоён этувчи банд-

ни олиб, маъно-моҳиятига чуқурроқ разм солиб кўрайлик:

*Бинафша, айт менга,
Кимлардир уларким.
Игнани бағрингга санчалар?
Бинафша, бир сўйла,
У қандай қўлларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчарлар?*

Шоирнинг ёруғ юлдузи

Кўчирилган банддаги «игна», «қўллар», «санчалар, узалар. ҳидлайлар, янчарлар» ташбеҳлари ўша нозик жуссали чечак мантиқи тақозо этадиган, муайян маънода шартли ифода воситалари. Соф бадиият эътибори-ла «бинафша» мажози суврат бўлса, унинг сийрати-маъносидан ҳаёт деб аталмиш улуғ илоҳий неъмат, ғоятда зиддиятли, теран ҳақиқатнинг биз кўра-била туриб, гўё билмасликка оладиган (анъанавий тажохул-тағофул кайфиятини кечирадиган), ҳам умри қисқа, ҳам бахти нигун, халқ нақли билан: «ўн гулидан бир гули очилмай» туриб сўлган мазлума, айбсиз маҳкумалар – «ер асиралари»дан бирининг бахтсиз қисмати, охир-оқибат фожеъ интиҳо топгучи аччиқ насибасини бир қадар англагандай бўламиз.

Зотан, шеърят, бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ, оламнинг зоти ва сифотига мансуб теранликлардан, одамнинг моҳият – синоатларидан ҳар гал янги, бетакрор тимсол-образлар яратади. Чунончи, «игна» оддий ижтимоий турмуш, кундалик муносабатлар жараёнида бўлганидай, шунчаки восита – бир тўғноғич вазифасини ўтамайди (яъни ўзининг нозик тигчаси билан

бинафшанинг бир узвини – шохи ё япроғини те-
шиб ўтиб, қайсидир гул шайдосининг кўксини
бир неча муддат безаш, димоғини чоғ этиш, ким-
ларгадир завқу шавқ улашиш эҳтиёжига хизмат
қилиш билан кифояланмас экан), аксинча, шоир
қахрамони, бу гал мажозга кўчган гўзаллик шай-
доси – ошиқ дилдан кечирган, унинг қаттиқ изти-
робига, ҳатто қаҳр-ғазабига сабабкор «рақиби»
– бадмехр, худписанд бир зотнинг («кимлардир
уларким?») мутлақо парвосиз-лоқайд муноса-
батини ифодалайди, тўғрироғи, фош этади. Шу
тариқа, шоир анъанавий мажоз усулидан фой-
даланиб, гўзалликка шафқатсиз, ғайриинсоний
ёндoshiшдек маккорона ниқобланган тубанлик
иллатини, чуқурроқ идрок қилганда, бинафша
мажози орқали барча ҳимоясиз, жабрдийда, эрк-
сиз маъсума аёлларга ҳамдардлик туйғуларини
санъаткорона ёник, ларзакор лавҳада кўрсатади.

Том маънодаги бадиий асар, бетакрор сўз-тим-
солнинг жазб этувчи сири шундаки, энг мунгли-
ҳазин, ҳатто фожеъ лавҳалари билан баробар,
яна қайсидир нурли, умидбахш жиҳатлари, май-
ли. зарра ё қатра қадар бўлсин, ёруғ дарди, ши-
рин изтироблари – таскинли оҳанглари билан
(эҳтимол, кимларнингдир хиёнат ва жинойтлари
– аччиқ хато-гуноҳлари учун «тавбаи комил» (На-
войй) туйғуларини... илоҳий шафқату марҳамат
ила кечириш – мағфират тилаш маъноси билан)
нажоткор руҳда интиҳо топса не ажаб:

*Бинафша, йиглама, бинафша, кел бери,
Қайғунгни қайғумга қўшгил.
Бинафша, сенинг-чун кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил..*

Аввало: «қайғунгни қайғумга қўшгил» шеърий

сатри замиридаги ортиқ пурдард-мавжвор туйғулар қудратини яхшироқ, теранроқ идрок этиш эҳтиёжи эътиборни тортади.. Фақат шоир зотигина мажоз лавҳасига, сўз-тимсол қатламига фавқулодда нисбатлар маъносини санъаткорона мужассам ва мухтасар ифодалай олади, ўз қаҳрамонининг гўё умидсиз ва нажотсиздай кўринган аҳволини шунчалар нозик, муҳофазага муҳтож гулнинг «қайғуси»га ҳамоҳанг, ҳамрозу ҳамдард мақомга кўтара олади. Қолаверса, энг муҳими, шунчалар мунгли оҳангдаги мажозий шеър интиҳосида гўёки ғойибдан пайдо бўлгану бир мўъжиза юз берганидай, шоир қаҳрамони (юксак комил эътиқодли ошиқнинг тимсоли мужассами)нинг «кўкраги» ўша... жабрдийда бинафша учун, Ҳақ марҳамати-ла шоядки, «эрк ери»га айланса, деган нафақат умидбахш руҳ, нажоткор бир тилак ифодасига айланади. «Эрк ери» неча неча асрлик, умумбашарий муқаддас Орзулар, олий мақсадлар билан муштарак маъноларни англатмайдими?

Айниқса, бу машҳур шеърнинг шоҳбайт-даридан: «Бинафша, сенинг-чун кўкрагим эрк ери, Бу ердан кўкларга учгил» янглиғ оятмонанд сўз-тимсоллар гўёким матндан ғайришуурий тарзда – ғаройиб бир ҳолатда ажралиб, улуг армонли шоир ҳаётининг парвози каби «кўкларга учиб» чиқиб, Чўлпон шеърияти (кенг маънода ўзбек шеърияти) осмонида унинг номи билан муштарак маънода чорлаб турувчи Тонг Юлдузи билан аста-оҳиста «шивирлаб» сирли суҳбат қураётган нур парчаси – мажозий ёғду (моддий олов унсури)... мўъжиза юз бериб, илоҳий (демак, боқий) маъно ва баҳо топгандай таассурот қолдиради...

«МУҲАББАТ ОСМОНИ»НИНГ ЁРУҒ ЮЛДУЗИ

(«Қаландар ишқи» шеърининг таҳлили)

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

Ибтидо, бу матлаъ-байтнинг хос ташбеҳлари – тўрт бадий бирикмали қурилмаси ўзига тортади: «муҳаббатнинг саройи кенг»; «йўлни йўқотдим», «асрлик тоши»; «бу хатарли йўлда қотдим» каби жозиб ифода лавҳалари, шунингдек, «экан-ку» каби восита унсурлари (улар ажиб бир сирли оҳанг яратиш хизматини ўтайди) беихтиёр равишда эътиборимизни жазб этади... Чунончи, «муҳаббатнинг саройи». Аниқроғи, «сарой» сўзининг муҳаббат тимсолига нисбатини олайлик (ҳар ҳолда, бу – шеъриятда кам учрайдиган ҳодиса).

Эҳтимол, қачондир, қай бир шоир бундай нисбатлаш усулидан фойдалангандир ё кимдир: «муҳаббат йўли – хатарли йўл» дегандир. Бироқ бу саройнинг шунчалар «кенг»лиги-ю, шоирнинг ошиқ-қаландар қаҳрамони ўз йўлини йўқотмоғи», айниқса, «асрлик тоши янглиғ... йўлда қотмоғи» – бу фақат Чўлпон хаёлидаги ошиқ-қаландар (волаи шайдо йўлчи) кечирган, долу ҳайронлик асирлигида тик қотган – ортиқ умидсиз аҳволи руҳияси... шунчалар бетакрорлиги билан жозибали, том маънода лирик-драматик лавҳа... Менимча, шоҳбайтнинг иккинчи сатрини кенгроқ шарҳлаш эҳтиёжи бор. Асли, халқимизнинг бадий тафаккури тарошлаган

«йўлни йўқотдим» ибораси билан шоир инкишоф этган «йўлда (тошдек) қотдим» бирикмаси уйғунлигидан фақат Чўлпон қаламига хос «ярқ» этиб турувчи ҳаётий манзара яратиладики, биз дардли-ҳазин, айни чоғда, ўйга толдирувчи бу бетакрор лавҳадан ҳайрону «овораи жаҳон» йўлчининг суврату сийрати ҳақида анчайин жонли ва тиниқ тасаввурга эга бўламиз. Сўнгра, шу матлаъ-байтдан ғазалнинг фожеъ-трагик йўналишини – асл маъносини англаб оламиз. Беихтиёр равишда Чўлпоннинг ғаразгўй мунаққидлари маломатига жавобан: «Ҳа, мен Ҳофизни ўқийман. Агар Ҳофизни ўқиш айб бўлса, бу айбимни бўйнимга оламан...» деган ортиқ аламноқ сўзлари ёдга тушади. (Моҳиятан, бу – шоирнинг дил-дилдан жой олган сўнгсиз ғам-ғусса, нола, қаҳр, исён туйғулари-ла йўғрилган пинҳоний раддиянинг ўзига хос киноявий ифодаси, яна аниқроғи, чорасиз шоирнинг ўзгача муҳофаза-ҳимоя усули эди...).

Зотан, ҳазрат Навоий талқинича, Ҳофиз Шерозий «ҳақиқат асрориға мажоз тариқин маҳлут (омухта) қилган» – бир йўла «икки жаҳон» ишқини ўзида тажалли этган буюклардан буюк шоирлар табақотига мансубдир (шубҳасиз, Чўлпон ана шу тоифадаги мумтоз сўз санъаткорларининг сўнги, ёрқин издош – ҳалафларидан бири эди). Бу табақага мансуб (ҳам дунёвий, ҳам илоҳий муҳаббат куйчилари) бўлмиш ҳассос ҳурфиқр шоирларда ҳар бир сўз-тимсол нуктадон, теран, кўпқиррали маънога эга. Чунончи, «асрлик тоши» зоҳиран қадимий карвон йўллари ё тириклик сўқмоқларининг бирида мангуликка ўрнашиб қолгани (балким, унинг ости – бизга кўрин-

мас қисми замин қаъри билан туташгани) боис, қанчадан-қанча азалий ва ногихоний ҳодисалару не-не сойир – дунё кезувчи муҳожирларнинг тилсиз гувоҳидир. Эҳтимолки, кимгадир бир неча лаҳзали қўналға – «нафас ростлаш» воситаси бўлган бир маъдан парчаси, аслида, шоҳбайт контекстида: поёнсиз қисмат йўлининг қайсидир манзилига, қай томондан, не сабабдан келиб қолгану қаерга борарини билолмай боши «қотган» мусофир-йўлчи тимсоли орқали, ниҳоят, шоирнинг қаҳрамони – нажотсиз ошиқ-қаландар аҳволига муқояса-пайрав сифатида келишида (бунда силсилали ўхшатиш – ташбеҳи мусалсал санъати мавжуд) қанчалик ҳаётӣй ва бадӣй мантиқ, дунёвӣй ва илоҳӣй маънолар уйғунлашиб кетган!..

Иккинчи байтда Чўлпоннинг дунё ошиқлари, барча «дард аҳли» ичида яктоси, беназири – шайдо қаландар энди замин – қуруқлик йўл-манзилларидан... қиёслаб бўлмайдиган даражада «хатарлик»роқ, яъни: на орқа- олди, на сўли-соғи, на адоғу қирғоғи маълум бўлмаган, бирор таянч нуқтасиз, аниқ қароргоҳ – манзилгоҳсиз муаллақ макону замон мужассами – «денгиз» тимсоли билан алмашадики, бу муҳаббат олами учун ажабдан булғажаброқ ҳол эмасми:

*Карашма денгизин кўрдим, на нозлик
тўлқини бордур,
Ҳалокат бўлгусин билмай, қулочни
катта отдим-ку.*

Даставвал, биринчи мисра замиридаги ғаройиб зиддият – ҳам бевосита муҳаббат туйғуларига, ҳам билвосита Чўлпоннинг бадӣй тафаккурига хос



ажиб тафовутли ҳол эътибори-ла, «карашма», «нозлик» ташбеҳлари ўзаро мувофиқ-ҳамжинс маъно англатгани ҳолда, айнаи ўша, аён сезилиб турган ҳамоҳанглик руҳида, кутилмаган тарзда, тазод санъати яширинганини илғаб олиш қийин эмас (юқорида қайд этганимиздек, бу мумтоз шеъриятимизга хос аломатлар сирасидан бўлиб, сўз-тимсолнинг рангин қирраларда жилоланиши мисолидир)... Муҳаббатнинг «карашма денгизи» шунчалар сирли, алдамчи-афсунлидирки, унинг тўлқинларида на ўзига ром этувчи жозиба – нозу истиғно, на эҳтимол тутилган бирор хавф-хатар, қўрқув-ваҳм бор; у хушёрлик, эҳтиёткорлик туйғусидан мосуво бўлиб, ўзини авайлаш, маҳфуз этиш ҳақида асло қайғурмайди.

Бундай ҳол ҳақиру шикаста табиат ошиқни иложсиз ғофиллик домига солади, гўёки денгизни, унинг баногоҳи шиддат билан бостириб келувчи асов тўлқинларини унутади... Шу тариқа, иккинчи мисра мазмунига бадийий-мантиқий замин ҳозирланади: «Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку...» Бу – фақат денгиз табиатининг хос қонуни, фақат денгиз ҳудуди тақозо этадиган ички, зиддиятли маънолар ҳақиқати...

Ҳолбуки, Чўлпоннинг лирик қаҳрамони – сойир-ошиқ дунёни кезиб (шубҳасизки, нафақат муҳаббат дунёсини!..), ўз маҳбубини, эҳтимол, ўша маъсум болалик чоғларидан ўз тасаввурида гавдалантирган, бора-бора бор вужуди, дили, жони куйиб-ўртаниб орзу-хаёл қилган Ишқ маъбудини, бахт юлдузи, ҳақиқат қуёшини ахтарган мажнунвор қаландарнинг қуруқлик ҳудудидаги тошли-тиконли, пасту баланд йўлларда, унинг иссиқ-совуқ, сувли-сувсиз манзилларида тинка-мадори қуриган нотаवону

бесомон аҳволига... кутилмаганда, энди чексиз ва шафқатсиз денгиз стихияси – талоуми билан юзма-юз қолган танҳо йўлчи ҳолини қиёслаб бўлмайди (фақат денгиз қонунларини яхши билган, унинг синовларида тобланган балиқчилар ё ғаввосларгина ўз имкониятларини эҳтиётлаб-тежаб ҳаракат қилиши, тўлқинларнинг ноғихонии мавжи – ҳамласидан фавқулодда жасорат ва чапдастлик билан сақланиши мумкин. Хуллас, «қулочни катта отдим-ку» халқона, миллий мушоҳада заминидаги шеърий бирикма фақат Чўлпон қаламига хос бадий тафаккур маҳсули бўлса-да, уни, масалан, Навоий орзу қилган комил инсоннинг тимсоли мужассами – Фарҳоднинг денгиз тўфони чоғида кўрсатган мислсиз жасорати – жавонмардлик рамзи билан қиёслаб бўлмайди... Билъакс, шижоатда тенгсиз забардаст зотлар ҳам «фалокат бўлғуси» муқаррарлигини била туриб, муҳаббат «денгизи» гирдобларида ҳалок бўлишлари, жон фидо қилишлари мумкин. Шу маънода, шоир яратган, ўз зиддияти билан кучли бадий кашфиёт, шеърий мантиқ бизни боз ҳайратга солади...

Учинчи байт улғу армонли шоиримиз ҳали ҳаётлик йилларида ҳам, ҳатто «ёмондан ёмон» (Навоий) қатағонлар замонида турли аксари азобли-нохуш мулоқот жабҳаларида қувғин, таъқиб, маломат ғовларини баъзур енгиб ўтган қанотлиҳикматли ибора (шубҳасизки, пинҳоний исён!) – «ажаб дунё» тимсоли билан бошланади:

*Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.*

Бу байтда, аввал қайд этганимиздай, ички зиддият ўта қалтис, айтиш мумкинки, исёнкорона

тус олган муқобил маънолар – «икки жаҳон» фалсафаси... кутилмаганда ғоят тафовутли ҳақиқат талқинига айланади. Чунончи, «дунё» ташбеҳи тўрт марта такроран келиб, ҳар гал ўзгача маъно англатиши бежиз эмас. Байтнинг биринчи сатри нисбатан аниқ-равшан: у – «ишқ дунёси»нинг ҳайрати ҳақида. Бутун аламноқ руҳ, аёвсиз, аччиқ ҳаёт ҳақиқати иккинчи мисрага жойланган: «Бу дунё деб у дунёни...» Аввалги фалсафий бирикма-ибора («бу дунё деб...»)дан икки маъно англашилади: бунда ҳам объектив борлиқ – бизга ҳар қалай, болалик йилларидан аён назаргоҳ, ҳам субъектив ҳақиқат – «ишқ дунёси» умумлашма тарзида келадики, бунда мумтоз ийҳоми тазод санъати яширинган.

Лекин иккинчи сатрни чуқурроқ идрок этиб кўрганимизда, бори сир аён бўлади; бунда шуур, ақл, қалб, тафаккур, ҳаёл, хотирот – бутун инсоний хилқат-вужудимиз ларзага келади! «Ҳайҳот, ўзинг асра!» деб юборамиз ихтиёр-беихтиёр ҳолатда. «Ўзи нима гап?» дея сиз ҳам ҳайрону таажжуб билан савол берарсиз...

«Ишқ дунёси» қаршисида нафақат бизнинг ўткинчи-фоний дунёмиз, ҳатто «у дунё» ҳам, боқий ҳақиқатлар, жамики муқаддас, дахлсиз қадриятлар мутлақо қадрсизланса, «баҳосиз пулга сотилса» – бундай даҳшатли муждани қай йўсинда қабул қилиш мумкин?!.. Лекин боқий бир таскин: албатта, табиатан ҳурфикр, исёнкор шоир Чўлпоннинг бундай аёвсиз ҳукм-хулосага келиши асоссиз ва заминсиз эмас. Не ажабки, бунинг руҳий-илоҳий ва тарихий илдизлари, фалсафий, ижтимоий, бадиий-мантиқий асослари йўқ эмас; бу – моҳият ва сабабият қонунлари билан, балким, бошқа жиҳатлар билан боғлиқдир... Яна

«мутафаккирлар мутафаккири, валилар валиси» ҳазрат Навоийга, унинг сўз даҳосига мурожаат қиламиз: «Сўз келиб аввал, жаҳон – сўнгра, не жаҳон, кавн (замон) ила макон – сўнгра». Ўша, илоҳий ибтидо – «сўз» сирасида «Ишқ» калимаси ҳам борлиги хабар берилади абадиёт китоби «Лавҳул-маҳфуз»да!.. Бу «нури Муҳаммад» румузи – Холиқул-зулжалол амри-ла Арши Аълода битилган дастлабки муқаддас сўзлардан... Сўнгра, Навоий ёзади: «Ошиқ ўлғон кечти нангу номдин, Миллату иймону дини исломдин». Бас, бул «ажаб дунё»нинг, лоақал зоҳирий, суврат эътибори-ла бор жозибаси, шавқи-ҳайрати олдида... тириклик деб аталган бутун моддий хилқат, ҳатто унинг мўъжиз, сирли-сехрли жиҳатлари ўз мазмуни, қиммати ва аҳамиятини йўқотиши ҳеч гап эмас!..

Унинг сийрати – моҳияти, шубҳасиз, боқий ҳақиқат – илоҳий қудрат билан пинҳоний алоқада яшайди... Миллий Уйғониш даврининг «ори-фул-адиб» санъаткорларидан бири Абдулҳамид Чўлпон биз баҳоли имкон қайд этиб ўтган дунёвий ва илоҳий маърифатдан баҳраварлиги билан ажралиб турувчи, забардаст заковат соҳиби эди. Чўлпоннинг улуғ маслакдоши Абдулла Қодирий ҳам комил илоҳий ишқнинг фидойилик ғоясини Анвар ва Раънолар учун ягона умид, илинж, улуғ таскин сифатида талқин этмаганмиди?.. (Анварнинг Солиҳ Маҳдум боғчасидаги видолашув оқшомида мажозий ва илоҳий ишқнинг чин маъносига оид сўзларини эсланг...)

Тўртинчи байтда бадий нисбатлашнинг мумтоз усули – булбул тимсоли ҳам шоирнинг фожеъ қисматли қаҳрамони – ошиқ-йўлчининг ўша маҳзун, нолавор аҳволи руҳияси «бағр қони», «кўз ёши» тимсоллари орқали, аввалгидан фузунроқ

алам-андух билан ифодаланади – анъанавий тим-соллардан бўлмиш – «маломат булбули»га айланади:

*Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдин ёшни жў айлаб аламлар ичра
ботдим-ку.*

Васлсиз муҳаббат қисматининг мумтоз шеъриятимиздан мерос зиддиятлар фалсафаси: гул шайдоси, гулистон воласи бўлмиш хушилхон булбулнинг, зоҳиран мушоҳада этганимизда, шавққа тўлиб, гўё ўзига сиғмай, мастона кайфиятда жўшиб-тошиб «чаҳ-чаҳлаши» бечора ошиқ дардига бироз малҳам, соғинган, интизор кўнглига бир қадар таскин-юпанч, тушкун руҳига салгина қувват-мадор бўлиш ўрнига... аксинча, уни қон-қон йиғлатади. Нега?.. Бунда қандай сир-синоат борки, булбулнинг гўё дунёда энг ғамсиз-қайғусиз жонзот рамзи сифатида фақат хушнуд-қувноқ кайфият билан хошия қилиши... моҳиятда беҳуда-абас амаллардан эканини на гул, на чаман билолмаслиги – зинҳор-базинҳор парво қилмаслигини булбулнинг ўзи англамайди.

Чор атроф – муҳитнинг бундайин лоқайд ва беписандлиги, «бемехр ва бевафо»лиги ушшоқ аҳли учун, хусусан, Чўлпоннинг жаҳонгашта қаҳрамони наздида нохуш, ҳатто таҳқирли бир ҳолдирки, на унинг шайтони лаъин фириби ва хуружидан фориғ «зодаи табъ»и (Навоий) – нозик саъжияси, эзгу умид, комрон орзулар маскани – кўнгил мулки чархнинг адолатсиз муносабати билан асло келиша олмайди... Ошиқ-қаландар бундай «шафқатсиз ҳақиқат»ни дил-дилидан англаб етгани учун ҳам «булбул ўқиган» китоб – рамзий-ма-

жозий муҳаббатнома бунчалар кучли, «аламлар ичра» ғарқ этгувчи таассурот қолдира олмас эди... Бас, бу кўҳна дунёнинг «дард аҳли» учун муҳаббат «гулзори» зоҳиран гўзал, мафтункору жозибадор назаргоҳ, жаннат қушлари ватанидай туюлса-да, аслида бу – Чўлпон англаб етган, буюк шоирлардан мерос муҳаббат қисматида фақат мажозий ибтидо (гўё бахтиёр висол хаёлидаги, аслида алдамчи-фоний умр)дан иборат бўлиб, моҳиятда ҳажр отлиғ ададсиз ҳасратлар оламининг бу ёруғ дунёга сиғмас, сиғдириб бўлмас фиғонлари замирида илоҳий интиҳо («ишқи ҳақиқат») асрори яширинган эмасми?!..

Алқисса, мумтоз шуаро аҳлининг муқаддас армони: хаёл фариштаси, орзу малаги – фақат кўнгил мулкига султонлик қилган, фазлу камолда тенгсиз маҳбуби, уни не чоғлиқ интиқлик билан, оворайи жаҳон моҳиятда, халқона «икки жаҳон овораси» бўлиб изламасинлар, барибир, топилмаслиги айни ҳақиқатдир («Бир шўҳки, ул (кўнгул) тилар, топилмас, нетайин?...»(Навоий). Яна ўзгачароқ талқин: тенги, нисбати йўқ армонли шоирнинг сеҳр-жозибаси сира камимас рубобий (лирик) қаҳрамони, балким, бу алдамчи (маҳбуб)нинг ақл-хушни оладиган афсунли ўйинларидан ортиқ куйиб-ўртанганининг сабаби, кенг маънода, бу вафосиз дунёнинг адолатсиз тизим-тартиботи, шафқатсиз, андишасиз тамойилларига мослашмаганлиги, мослаша олмаслиги сири шунда эмасмикин?..

Бу машҳур ғазалнинг бешинчи байтида сойир-ошиқ (йўлчи), асли бу дунёда бор ё йўқлигини ҳар қачонгидан яхшироқ ҳис қилиб, идрок этиб, қанча манзилларини босиб ўтган муҳаббат йўлининг яна бошига – аввалги нуқтасига қайтиб келувчи

дарбадар дарвеш (бундай қисмат фақат чинакам фидойи ушшоқ аҳлига раводир) сувратида намоён бўлади:

*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла
қайтдим-ку.*

Қанчалар мунгли-қайғули бўлмасин, шунчалар ҳаққоний бир қисмат эгасининг «хасби ҳоли» мухтасар ифодаланган сўзлар: хаёлдаги танҳою якто ёри – ғамгусорини излай-излай топмай, яна ўша ғариблик уйига – «кулбаси»га қайтиш насибаси, ҳасрати, арзи-ниёзи!.. Бироқ беихтиёр равишда шундай савол туғилиши табиий: «Қаландардек... дунёни кезиш»дан чин мурод нима? Наҳотки, бу – ўша хаёлдаги маъсума ва бокира, нодира ва комила (идеал) маҳбуба – том маънодаги ёру ҳабибни, ҳар қандай мушкул кунда дарддошу маслакдош матлубани излаб ўтишдангина иборат бўлса?..

Бундай эзгу орзу, фақат ширин хаёл ҳаёт ҳақиқатидан узоқ эмасми? Ҳа, бу мутлақо самимий, «дили поку, кўзи поку ўзи пок» (Навоий), чин фидойи зот – ҳақиқий ушшоқ аҳли назарида нафақат сўнмас умид юлдузи, барча улуг шoirларнинг муқаддас армони-ку!.. Ва эҳтимолдан узоқ эмаски, бу – Чўлпон тасавури, таҳайюли, борингки, ижодкорлик таҳайюри – ҳайрати яратган қаҳрамоннинг сувратда вали (Аллоҳнинг дўсти), ҳақиру фақир; сийратда покдоманлар покрўйи ва фидойи зотнинг мажозий (дунёвий) ишқдан топган ҳузур-ҳаловати, эришган, етишган давлати – нақдина неъматиди... Ана шундай теран маъноли мажоз, анчайин кинояомиз талқин орқалигина иккинчи мисра («Яна кулбамга қайғулар, аламлар

бирла қайтдим...») замиридаги зоҳиран (ҳақиқат «тажалли»си) навмид-фожеъ ҳақиқат аён бўлади. Аммо, не ажабки, унинг кучли истехзоли-кинояли оҳангидан ошиқ ҳасратларида тақдирдан шикоят, айнаи чоғда, ўзи кўнгил боғлаган, бори-будини баҳшида этган муҳаббат ҳаққи, алам-андуҳлари қанчалик пурзиёд бўлмасин, бу дарднинг қийноқ ва изтиробларида ёлғиз дард аҳлигина биладиган, ажиб бир руҳий қаноат, самовий хурлик, умид-орзулар эркинлиги яширинганлигини, бундайин нурли-ёруғ дарднинг ҳақиқий маъносини, лаззати ва баҳосини ҳеч қачон тушуна олмайдиган дардсиз зотларга нисбатан ҳайфли-таассуфли, ботиний исён оҳанги – кўнгил нидоси зухур этади...

Ва ниҳоят, ғазалнинг сўнгги байти. Бу – Чўлпон шеърияти, шоир қисмати, шоир дунёсининг умумлашмаси – тимсоли мужассами. Хуррият ғоялари муҳибларининг дилида ўчмас хотирага айланган, 20-30 йиллар авлоди тилидан тушмаган, ҳатто кейинроқ, 60-80 йилларнинг дам журъатсиз, дам иккиланувчи-иштибоҳди, очиғи, анчайин риёкорона муҳитида улуғ ҳурфикр шоир номи ошкор айтилмаган кезларда ҳам, ҳуфёна-пинҳоний мулоқотларда, аҳён-аҳёнда бўлса-да, қалб шивири ила такрорланиб турган муборак шоҳсатрлар:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қўёшнинг нурига тоқат қилолмай
ерга ботдим-ку.*

Бу руҳий фарёд сўзларими ёки «айби» бўлган ва бўлмаган XX аср авлодларигами, келгуси наслларгами дахлдор ва даъваткор, бамисли «ишқ ояти» (Навоий) янглиғ, ҳадис монанд муборак шеърӣй калималарми, улар неча-неча бор такроран айтилмасин, сокин-осойишта ҳолатда, армонли ва

аламнок кўнгил ларзаларисиз ўқиш осон эмас, албатта. Улар, муқаддас қасам сўзларидай кўнгил, руҳ туғени ларзаси билан, ҳаттоки, илоҳий даъват билан янграса, жарангласа не ажаб?! Билъакс, не ҳасратки, мумтоз ғазалиётимиз ва рубоиётимиз (айтайлик, Бобур мисолида) шоҳбайтлари билан бемалол беллаша оладиган бу ўтли-сўзонли сатрлар замиридаги пурдardлик маъносини ибтидо-сидан – интиҳосигача таҳқиқ ва таҳлил қилиб бериш имконсиз эмасми?..

Менинг назаримда, Чўлпон талқинида муҳаббат мавзуи, борингки, нисбий маънода олганда ҳам, катта, кенг миқёсли, мумкиноти чексиз уфққа, ададсиз имкониятга эга: бу – инсон дунёсини, инсон тақдирини, унинг ўзлигини, миллатни, миллиятимизни, унинг ҳурлиги – том маънодаги ҳурфикрлигини, шахсий ва жаҳоний дардларини ифодалаш йўли, усули, тарзи, йўсуни, оҳанг ва ранглари мақомидаги энг сара, энг кучли, энг ёрқин ифода воситаларидан!...

Бас, шу биргина мақтаъ-хулосавий байтда, анъанага биноан, шоир таҳаллуси қайд этилишининг ўзида шакл-шамойилига нисбатан кенг миқёс бор, теран, юксак-сарбаланд, кўп-қиррали маънолар мужассам! Лоақал, назари йўқ шоирнинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий фожеаси: бу – бир неча асрда, Ҳақ Таоло инояти, эҳсони сифатида туғилиши мумкин бўлган ноёб истеъдод соҳибининг айна йигит ёшига тўлганда нобуд бўлишигина эмас, балки ҳали тирик чоғида ҳам «ҳақорат ва сафолатлар» – чидаб бўлмас тазйиқу маломатлардан, муттассил камситиш ва чеклашлардан келган, ёлғиз шоирнинг ўзига ва Аллоҳагина аён бўлган қайғу-аламлар, виждон ва иймон қийноқдари; бу – дилдан изҳор этолмаган

осий бандалик тавбалари («Алишерий» тавбаи комил), ҳатто ўз жонкуяр яқинларига ҳам ёрилиб айтолмаган кўнгил сирлари, дарду ҳасратлари, муқаддас умид, орзу-армонлари!... Сўнгра. Бу – Истиқлолиятимиз, ҳурриятимиз, хусусан, миллий адабиётимиз, миллий тилимиз, жумладан, назм ва насримиз, сахна санъатимиз истиқболи йўлида, умуман миллий маданиятимиз, маърифат ва бадииятимиз учун ўрнини ҳеч қачон тўлдириб бўлмас, қадри-баҳосини қайта тиклаб бўлмас мислсиз йўқотиш – «жафокаш ва балокаш» (Навоий) халқимиз тарихининг энг дардди, энг маломатли ҳақиқатларидан бири тўғрисида гўё шоирнинг ўзи олдиндан билгандай, ўтган ортиқ суронли, ортиқ шафқатсиз аср фожеаларидан...

Алқисса, Чўлпон адабий тахаллусининг луғавий маъносига қайтадиган бўлсак, кўҳна Машриқ уфқидан ҳали анча олисдаги кўёш (Навоийда «меҳри ҳоварий» тимсоли) тун зулмати қаърини аста-аста ёра бориб, уфқ чизиғи ортидан самовот тоқи – гумбази узра аввалига билинар-билинмас тарзда илк ёғдуларини (аниқроғи, ёғдуларнинг акси – зарравор жиоларини) тарата бошлаган илк саҳаргоҳ асносида гоҳо ёниб-порлаб, гоҳо паришон титраб-ўчиб, кўздан оҳиста-оҳиста яшириниб, ниҳоят, сирли суврат ила ғойиб бўладиган Тонг Юлдузи каби (на хушки, очик ҳаволик кунларда, ҳар субҳидам олдидан бундай ғаройиб-сафобахш нурафшон манзара такрорланади) Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг эндиликда боқий шеърият осмонига кўчган Юлдузи, иншоаллоҳ, бири-биридан улўғ сиймолар, пири комил-муршидлар, номи ўчмас поку порсо аждодлар қаҳқашонида... майли, армонли, лекин қутлуғ-муборақ хотирот рамзи бўлиб қолгувсидир...

БУ — ЧЎЛПОННИНГ АЗОБЛИ ИШТИБОҲИ!

*Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо —
Агар бу даҳри дун хор айласа, гар эътибор этса...*

Бобур Мирзо.

Миллий Уйғониш даври маданиятининг бугун бизга аён бўлган ва ҳали туб илдизигача очилмаган (даҳрий-шаккок мафкура асоратидан батамом қутула олмаётган) рухий, фалсафий маърифий, маънавий, бадий қадриятлари, жабрдийда мероси — хурфиқр адабиёти, санъати манфаатлари ҳаққи, баъзи мақола ва рисоаларни ўқиш жараёнида туғилган мулоҳаза-андешалар борасида индамай ўтишга сабр чидамайди. Зотан, Чўлпон каби ҳаёт ва ижодий қисмат йўли шунчалар драматизм билан чирмалган, инсонлик, фуқаролик, ижодкорлик ҳақ-ҳуқуқи, шаъни, ғурури топталиб, ўз юртида сазойи қилинган, покиза сиймолари шаҳид қонига беланган, муборак номлари «ҳақорат ва сафолат» ўқларига нишон бўлиб келган ноёб истеъдодлар, минг афсуски, жуда кечикиб қадрини топа бошлаган бир шароитда уларга бошқача меҳр, эҳтиёткорлик даркор (биринчи навбатда, адабиётимизнинг ёш мухлислари маърифати, хусусан, сўз санъатининг асл моҳиятини англай бошлаган иқтидорли талаба ва ўқувчилар қайғуси шуни тақозо этади).

Забардаст ва пешқадам адабиётчилардан Озод Шарафиддиновнинг «Адабиёт яшаса — миллат яшар» сарлавҳали янги тадқиқотида («Истиқлол фидойилари» серияси) Чўлпоннинг «Адабиёт на-

дур?», «Улуғ ҳинди» каби мақолалари, шубҳасиз, олимнинг таниш дастхати савиясида – профессионал мушоҳадакорлик, илмий холислик, таъби ра-
вонлик билан таҳлил қилинган. Аммо, не тонгки, унда Шўролар салтанатининг адабий-танқидий жабҳадаги асоратларидан ҳамон қутулиб кетолмас-
лик тамойили (чунончи, Чўлпонни «идеаллаш-
тириш» хавфидан беҳуда безовталаниш, шахсия-
ти, ижодий қисмати турлича бўлган ёзувчиларни эскича қолипга солиб баҳолаш) сезилиб туради. Яхшиси, далилларни кузатайлик. «Айниқса, боль-
шевиклар тузуми мурватларни қаттиқроқ бура-
ганда, тизгинлар қаттиқ тортилганда Чўлпонлар омон қолмоқ учун (таъкидлар меники – Б.А.) за-
мона зайлига қараб иш тутишга мажбур бўлган...
Ҳукмрон мафкура ўз ақидаларини зўрлик билан, қурол кучи билан ўтказишга киришди. Бун-
дай шароитда ҳар қандай ижодкор ҳам табиий ра-
вишда жонини сақлаб қолиш йўлларини қидира бошлайди. Баъзилар кўпроқ, баъзилар камроқ даражада замонасозлик йўлига ўтади. Шўлар қаторида Чўлпон ҳам бор эди».

Ажабо, ситамдийда ва балокаш халқимизнинг асл, фидойи фарзандлари орасида... лоақал журъаткор, мағрур шахсияти, мустасно қисмати билан ажралиб турган хос шоиру адиблари то-
пилмаса! Кейинги жумлалардан аён бўлади-
ки, таниқли мунаққид ўз қарашларида ҳеч бир иштибоҳга бормайди: «Чунки ўз-ўзини сақлаш туйғуси инсоният табиатида, қонида, шуурининг аллақайси пинҳоний пучмоқларида. Ҳар қандай одам хатарга, ўлим хавфига дуч келганда, ҳатто истамаса ҳам, ҳимояланиш, ўзини асраш йўлига ўтади. Ижодкор одам ҳам бундан мустасно эмас».

Биринчи қарашда, зоҳиран (ҳа, фақат зоҳиран!) гўёки ҳақ гапдай туюладиган бу ақида, айниқса, шоир зотига (адабиётимиз тарихи шаҳодат берадикки, не-не мустабидлар ё истилочиларнинг ваҳшат қатлгоҳлари ҳам хоҳ валиуллоҳ, хоҳ дунёвий шоирлар – қўрқув билмас исёнкорлар иродасини буколган эмас!..), аниқроғи, шахсий ҳаёти ва ижодиёти билан мислсиз трагик қисматга эга бўлган Чўлпонлар дунёсига қанчалик тўғри келаркин? Алҳазар, ўша ваҳшатли йилларда ҳатто улўғ, хурфикр шоирлари «ўз-ўзини сақлаш туйғуси»дан фориғ бўлмаган миллатнинг аҳволи не кечади? Ахир Чўлпонлар ўлим билан юзма-юз туриб, сўнгги нафасигача покиза иймон билан кетдилар-ку!

Чунончи, шоир билан миллатдошу касбдош «ҳакам»ларнинг мудҳиш жазога фатво берган, тарих кечирмас жинойи машваратида Чўлпоннинг сўзлаган сўнгги «Нутқ»идаги (уни топқирликда тенги кам, заҳматкаш тадқиқотчи Шерали Турдиев адабий ҳафталигимизда эълон қилган): «Мен араб эмасман! Қуриб кетмайдими ўша араб сўзлари!.. Мен миллатчи эмасман!!..» каби ниҳоясиз ранжу алам билан, ортиқ таҳқиру ҳақоратдан куйиб, тўлғониб айтган, эҳтимол, сўнгги фарёд нидоларида зинҳор-базинҳор «ўзини сақлаш туйғуси» эмас, балки мислсиз миллий алданиш фожеасига, тақдирнинг шунчалар қаттол ҳукмига қарши исён, руҳий туғён овози мужассам ифодаланган эмасми!?..

Мақоладаги бошқа бир чигал-мубҳам нуқта шуки, ундан, юмшатиб айтганда, йўқсиллар заминсиз, пойдеворсиз қурган бинонинг бош меъморига мансуб таниш ақида ёдга тушади: «Умуман у (яъни Чўлпон – Б.А.) ўз замонасида муайян жа-

мият қўйнида яшаган ва табиийки, бу жамият-дан ташқарига чиқиб кетолган эмас». Наҳотки Чўлпоннинг ўз она заминига ва замонига, жамиятига сиғмаган, сиғиши мумкин бўлмас даражага бориб етгани учун ҳам завола топган ҳаётини, ижодий қисматини шоиру санъаткор хилқатига ножинс ўша моддий андозаси билан ўлчаб бўлса!.. Шундан кейин «Чўлпонга объектив ёндошиш (!), шахсиятини, ижодини холисанлилло баҳолаш» ҳақида гап боради: «Шундай экан, Чўлпоннинг бадиий ижодидами ёхуд адабий-танқидий мақолаларидами, ҳукмрон мафкура ғояларига ён берилган ўринларни, адиб маҳоратига зидроқ келадиган парчаларни кўрганда бир сапчиб тушиб, унинг номига маломат тошларини отишга шошилмаслик керак». Ва ниҳоят, менимча, мунозаралигина эмас, ҳатто бугун тубдан янгиланаётган нуқтаи назар, объектив позициядан анчайин чекиниш тамойили – ажабтовур бараварловчи таққослаш усулига дуч келамиз: «Бу мулоҳазалар фақат Чўлпонга эмас, балки Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир каби кўп йиллар мобайнида адабиётимизнинг чинорлари ҳисобланиб келган, кейинги йилларда эса ўринли-ўринсиз таъна-дашномларга рўпара келаётган одамларга ҳам тааллуқли».

Аввало, Чўлпонларнинг на фожеъ қисматини, на қадимий руҳий, маърифий идизлар билан боғланган дахлсиз маънавий-эстетик позициясини «адабиётимиз чинорлари» дунёси – ҳаётга, адабиётга, унинг асосий объекти – инсонга даҳриёна-синфий руҳда «мафкурвлаштирилган», социалистик реализмнинг сохта концепциясига таянган муносабати билан қиёслаб, демакки, тенглаштириб

бўлмаса керак. Қолаверса, мунаққид тилга олган, олмаган «чинорлар»нинг барчасига бирдай ёндошиш адолатли бўлармикин? Бугун адабиётимизнинг ҳақиқий мухлисларига сир эмаски, айниқса, ўша мудҳиш қатағонлар шароитида виждон азобини кечирганлар, вазият тазйиқи остида сукут сақлаганлар, ҳалолликлари учун турли даражада жабр тортганлар, чорасиз қолиб замонасозлик қилганлар – бошқа; нима бўлса-да жон сақлаш, «ўзини асраш» учун ҳатто кечаги ҳамкасб дўстларига нисбатан хиёнат йўлига ўтганлар – бошқа. Шунингдек, мушкул кунларда ҳам «коммунистик истиқбол»га фанатикларча ишонган, саробни ҳақиқат деб билиб, йиллар мобайнида алданиб юрганлар – бошқа...

Чўлпонларга келсак, даставвал, уларнинг эътиқоду эътимоди – дунёқараши улуғ пири комил аждодлар руҳидан мадад олган, сўнгра, Туркистон миллий Уйғонишининг қутлуғ идеаллари, бевосита ғоявий раҳнамолари, биринчи навбатда, ҳазрат Беҳбудийлар таъсирида шаклланган (Чўлпон устод-муршид хотирасига бағишланган марсиясида уни «азиз отам» дейишида рамзий маъно бор). Қолаверса, ҳали махсус ўрганилиши лозим бўлган 1917 йил (февраль инқилобининг доруломон насими, Октябрь ҳарбий тўнтаришининг зилзилавор шиддати – зарби-ла ўрнатилган йўқсиллар диктатураси) ва кейинги йилларнинг таърифдан ташқари пўртана-гирдобли воқеалари: турли жабҳалардаги қонли курашлар, синфий-мафкуравий жанглар, бошқа азалий ва фавқулодда зиддиятлар миллатнинг ноёб истеъдодли фарзандлари тафаккурида, тахайюлида не чоғлиқ драматик ўзгаришлар содир этган – бу

уларнинг ўзига ва ёлғиз Аллоҳга аён... Беихтиёр, рус тилидаги (асли юнонча) «парадокс» сўзи хаёлдан ўтади: унда бир ҳақиқатнинг икки қутби кутилмаган тарзда зиддиятга киришиши, бир-бирини инкор қилиши мумкин. Бир қарабсизки, улўғ шоир жаҳоншумул ўзгаришлардан, айтишлик. Буюк француз инқилобининг мадҳияси – «Марсельеза»га ворис «Интернационал» дан қаттиқ мутаассир бўлиб, уни биринчи марта ўзбекчаштирди. Ўша яшиндай тезу омонсиз сатрлар руҳида қатор шеърлар, жумладан, машҳур татар инқилобчиси Мулла Нур Воҳидовнинг ўлимига бағишланган марсия ёзди (мана ундан икки-уч мисра: «Инсонликка саодатнинг бирдан-бир Тўғри йўлни кўрсатувчи Марксди... Сендек киши Шарқ элига тансиқди» ёки «Қизил Байналмилал» шеърининг сўнгги сатрлари: «Асирликдан қутулмоққа зўр шарт: – Қўлда қурол, тилда «Байналмилал»).

Лекин не тонгки, орадан кўп фурсат ўтмасдан «инқилобий трибунал», қизил террор ваҳшатларидан дарғазаб бўлиб, борлиғи ғалаёнга келган шоир «Бузилган ўлкага», «Ёнғин» сингари ўшайиллар шароитида энг журъатли шеърларини ёзди. Реал ҳақиқатнинг бири бирига зид бундай қалтис фактларини қандай қилиб «ён бериш», «замонасозлик» мисоли деб ёки аксинча баҳолаб бўлади? Йўқ, уларни, менимча, шоир қалбининг хоҳ эски, хоҳ янги ақидаларга бўйсунмас исёни, ҳайқириғи, демак, давр тақозоси, мураккаб вазиятнинг изтиробли шеърини инъикоси деб атасак тўғрироқ бўлар... Илло, «коммунистлар фирқаси» (Чўлпон ибораси) нинг зоҳиран инсониятнинг азалий идеаллари инъикос этган дастуру декретлари, манифест ва декларациялари



аввалига Чўлпонларга муайян маъноларда ўз таъсирини кўрсатгани (не ажабки, бундай таъсир жараёни халқаро миқёсга эга), лекин охир-оқибат – амалда, ҳаётнинг беомон синовлари давомида уларни фақат ўзларигина билган тўзимсиз қийноқ-изтиробларга солгани аччиқ ҳақиқат эмасми?!..

Қайд этилган ва этилмаган, янгиланиб турган, бардавом, чуқур зиддиятлар муҳитида, азобли иккиланиш, тараддудланиш, умид ва аламлар кайфияти исканжасида (эҳтимол, миллий қадриятларга қарши очикчасига ҳужумга ўтилган 1927 йилгача ва ундан кейин ҳам), нима қилиб бўлсада ёзишга, яратишга туртки, имкон, жасорат топиш – бу фақат метин иродали талантларга хос хислат деса бўлади... Шу маънода мунаққиднинг: «Афтидан, Чўлпон битта яхши шеърини яратиш учун ўша шароитда ҳукмрон мафкурага жиндай ён бериб, икки-учта «ғоявий» шеърлар битган кўри-нади» каби кимнингдир хатоси учун узрхоҳлик оҳангида айтган сўзлари ҳам нафақат ортиқча, балки абас туюлади.

Негаки, Чўлпонлар қисмати учун ҳозирланган ваҳшат чиғиригининг жаҳаннам азоблари олдидида шоир истеъдодининг хоҳ кучли, хоҳ кучсиз жиҳатлари, илҳом илоҳасининг туҳфаси – санъат мўъжизаси ёки «ижтимоий буюртма» маҳсули бўлсин, ўз аҳамиятини йўқотиши муқаррар. Айтмоқчиманки, йирик чўлпоншунос олим, майли холис ниятда, таассуф оҳангида айтган, хоҳ дуруст, хоҳ мундоғроқ чиққан «ғоявий» шеърлар вақти келиб сариқ чақалик қадри бўлдимиди? Бу фоний дунёдан дорулбақога... жанозасиз, кафансиз, ҳатто мозорсиз (то субҳи маҳшаргача руҳлари чирқирагувчи), алам-армон билан кетган хуррият шаҳидларининг сўнгги дақиқаларда ёвузлик ва

сотқинликдан ўртанган жонларига қатра сувчалик нафи тегдими?! Ваҳоланки, моҳиятан зўравон қонунлар салтанатида «ғоявий» шеърлар учун шоир жавобгар бўлмаслиги керак. Айб «буюртмачи» мустабид кучларда, уларнинг камарбаста дастёрларида эмасми ахир?! Улар ҳеч нарсадан қайтмаган, ҳеч кимни аямаган: истаса, хоҳлаган санъат соҳасида буюртмалар берар, улардан ўзининг «дахлсиз» ғояларини тарғиб этиш воситаси сифатида, ўз моҳияти – ҳақиқий қиёфасини беркитиш, ниқоблаш мақсадида фойдаланар, хушласа – мукофоту унвонлар, ҳатто баланд мартабалар билан сийлар, хушламаса – ҳаммасидан кўз юмиб, олий жазога мустаҳиқ қилар эди. Истеъдодли шоир қаламига мансуб «ғоявий» шеърларнинг баддий бўшлиғи масаласига келсак, бунинг асосий сабабини «сўз гуҳари» (Навоий) – шеърят санъати билан сиёсат ўртасидаги азалий зиддиятдан қидирган маъқул...

Ниҳоят, Чўлпоннинг Ҳалимахонимга бағишланган мақоласига муносабат ҳақида. Яна ўша «парадокс»: Шўроларнинг, айниқса, миллий этнос асоси – ўзбек қишлоқ аёллари, болалари тақдири, лоақал, соғ-омонлиги, меҳнат шароити, маданий-маиший ҳаёти соҳаларида содир этган адолатсизликларидан, эскиликка, хурофотга қарши кураш баҳонасида диний эътиқодига, қадимий миллий ва умуминсоний анъаналарига, бебаҳо маънавий-ахлоқий қадриятларига нисбатан қилган мислсиз зўравонликларидан қатъий назар, ўша «йўқсиллар инқилоби»дан кейин «ичкари» маҳкумалари – «ер асиралари» (Чўлпон) орасидан, бамисоли мўъжиза юз бергандай, ёрқин истеъдодлар – ижодий, илмий зиёлилар, бошқа соҳаларнинг фазлу ка-

мол соҳибалари етишиб чиқиши (тўғри, бундай инқилоб турли қурбонларсиз бўлмади) Чўлпондек байналмилал миқёсда фикрловчи, том маънодаги янгилаиш тарафдори бўлган санъаткорга таъсир кўрсатмасдан қолмасди («Эй, йўқсиллар саҳнасида энг қимматли санъаткор! Эй, деворлар орқасида йиғлагувчи чолғини Қулоқларга эшиттириб шафқат ҳисси уйғотган!» – шоирнинг «Шарафли хизмат» шеъридан).

Не ажабки, мунаккид Чўлпоннинг «Ашулага ишқибоз» мақоласини дастлаб бир қадар муносиб баҳолайди-ю, бирдан ошкор киноя билан ёзди: «Мақолани ўқиётган бутунги китобхон (!) бир нуқтага етади-ю, равон йўлда беҳосдан қоқилиб кетган одамдай сапчиб тушади (?): «Инқилобнинг файзли қўллари тегмаса, Ҳалима бутун кўриб турганимиз таланти, бошқа кўп ноёб талантларимиз сингари тўрт девор орасида қолиб забун бўларди». Чўлпоннинг самимият тўла сўзларидан олим ёқа ушлайди: «Ғалати гап-ку? «Инқилобнинг файзли қўллари» нима дегани? Наҳотки Чўлпон ҳам истеъдоднинг рўёбга чиқиш-чиқмаслигини инқилоб самарасига боғлаб қўйса?»

Таажжубдан таажжуб бир ҳол: бутун, 90 йилларнинг ўрталарида туриб бундан салкам 60 йил муқаддам ёзилган, шоир-муаллиф ўзи шоҳиди бўлган ажаб ўзгариш, яъни кечаги мазлумалар – ўзбек қиз-жувонларининг, айниқса, истеъдод ва заковат эрки, мустақил ижод, нафосат туйғусини рўёбга чиқариш имконияти ҳайрат ва ғурур билан ифодаланган мақоладаги бир-икки иборадан чўчиб, бирдан «сапчиб тушади», асосан таркибида «инқилоб» сўзи бўлган бир жумлани ўқиб: «Ғалати гап-ку?» дея ҳайронлик домига тушади.

Ҳолбуки, бугун биздагина эмас, балки жаҳон афкор оммаси кўзи ўнгида мислсиз алдов – сароб бўлиб чиққан, ҳисобсиз софдил одамларни, шу жумладан, машҳур донишманд шоирларни ҳам адаштирган, гўё айбсиз айбдорга айланган бу кўҳна сўзга истехзо-киноялар, таъна маломатлар нишони сифатида эмас, балким, аччиқ тарихий сабоқ тамсилларидан бири сифатида ёндошмоқ кифоя... Бугун биз истаймизми, йўқми, Чўлпонлар яшаган, ижод қилган талотум шароитда «инқилобнинг... қўллари» (майли, бир жойда «файзли», бошқа жойда «шафқатсиз» ё «темир» эпитетлари билан ифодаланган бўлсин) ўша замон воқелиги учун қундалик истеъмолдаги, таомилга кирган иборалардан эканини инкор этиб бўладими? Ваҳшатангез 30-йилларни қўйиб турайлик, XX съезддан кейинги нисбий эркинлик, «илиқ эркинлар» муҳитида ёзилган жиддий мақолалар ва жиддий китоблардаги «инқилоб» каби сўзларга қандай ёндошмоқ керак?..

Бас, билдирган эътирозларимни чуқурроқ асослаб бериш мақсадида Чўлпонлар дунёсининг руҳий, тарихий, миллий илдизларига оид, шунингдек, ўша даврнинг объектив ҳақиқати билан боғлиқ айрим омилларга назар ташлаш зарурати сезилади. Бугунги зийрак, билимдон ўқувчига сир эмаски, Қодирий, Чўлпон, Фитратлар ҳозирги авлод фақат орзу қилиши мумкин бўлган фавқулудда заковати билан ажралиб турганлар. Сабаби, Туркистондаги жадидчиликнинг миллий замини моҳиятда байналмилал, яъни арабий, форсий, туркий тиллардаги бой илоҳий, дунёвий-қомусий ва бадий манбалардан сув ичарди (фақат араб тилига қадимги юнон, ло-



тин, ибрий-яхудий, сурёний, паҳлавий, санскрит-хиндий тилларидан қилинган таржима асарларининг миқёси ўзиёқ ҳайрат уйғотади!). Не ажабки, миллий Уйғонишимизнинг буюк кашшофлари табаррук аждодлар меросига ворислик билан қаноатланмадилар – мусулмон Шарқи маданиятини Оврўпо маданиятининг мумтоз намуналари, замонавий ютуқлари билан, аниқроғи, уларга оид маърифий билим билан бойитдилар (бу жараёнда истилочиларнинг истак ва пировард режаларига зид ўлароқ, Россия империяси кўприк вазифасини ўтаганини Чўлпонлар тўғри тушуниб, мавжуд имкониятдан самарали фойдаландилар). Айниқса, мўъжизакор босма сўз орқали Оврўпога ва жаҳонга очилган дариचा мантиқий ва бадиий тафаккурда дадил ислохотлар қилиш имконини берди, натижада мавзулар, ғоялар, жанрлар, воcита-образларда туб янгиланишлар воқеъ бўлди (Чўлпоннинг мунаққид маҳорати билан таҳлил қилган «Улуғ хинди» мақоласидаги: «бир хил, бир хил, бир хил!» дея нолали шикоят замирида ўшандай руҳий чанқоқлик, маърифий ва ижодий янгиликлар туйғуси мавж уриб туради).

Хўш, биз яқиндагина росмана воқиф бўлиб, англаб олаётган шафқатсиз ҳақиқат – халқимизнинг миллий фожеасига сабаб бўлган, Чўлпонларни баъзан чалғитган, уларнинг муборақ орзу-армонларини остин-устин қилиб, охири завоқ топтирган ёвуз, афсунгар куч нима эди? Бу ва шунинг каби азобли саволларга атрофли, чуқур асосланган жавоб қилиш, балким, ҳали-ҳозир осон эмасдир...

Маълумки, камбағал-бечорага, етим-есир, ғариб-мискинга шафқат – пайғамбаримиздан мерос («Фақирлик фахримдир» ҳадисини эсланг),

айниқса, ҳалифалардан Хорун ар-Рашид ва Маъмун замонасида чуқур асосланган ислом фалсафасида таҳқиқ этилган, сўнгра, бадий адабиётда кенг тарқалган ғоялардан (масалан, шоҳу гадо мавзуида битилган шеърӣӣ ва насрий асарларда фақирлик ғўшаси ва луқмаи ҳалолида зухур этган руҳӣӣ олам шоҳлик шавкатию давлатидан ортиқ деб талқин қилинишида теран маъно бор). Эҳтимол, Чўлпон ва чўлпонлар ҳам «Интернационал» ғояларини, жаҳон йўқсиллари инқилобининг синфӣӣ манфаатлар дастурини қачондир бир ёруғ кунда шоядки миллий ўзанга солиш имконияти туғилса, деган ҳаёлда турфа тазӣӣқларга бардош бериб, тиним билмай ижод қилгандир...

Шоирнинг шу мавзудаги оригинал ва таржима шеърлари бундай боумид ғояни тасдиқлаши мумкинки, лоақал бадий сўз воситасида халқ, миллат дардларига малҳам топиш чоралари қидирилган бўлса ҳеч ажаб эмас!... Чунончи, 1919 йилда ёзилган «Ўзбегим» шеърининг мана бу мисраларига разм солиб кўрайлик: «Қишлоқда фақирлар кутади – кечада, кундузда, саҳарда! Билгилким, ҳаётинг, томиринг, Ўзбегим, камбағал қишлоқда...» «Ёруғ юлдузга» шеърида мажозӣӣ тилда битилган шундай банд бор: «Биз йўқсиллар бошқаларга қул бўлиб, чет оёқлар томонидан эзилдик. Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида алам ортган, жабр кўрган биз эдик...» Ёки ўзбек қиз-жувонлари эрки, ҳатто «ўзлигин намоён қилиш» (Фазлий) ҳуқуқи қаламга олинган шеърлардан мисралар: «Ер асиралари, ер асиралари, ёш тўкиб йиғлашми насибалари?!», «Сўзлари садафдек, товуши найдек куйим бор, уни-да деворлар тинглар. Эркин бошқалардир, қамалган менман, Ҳайвон қаторида саналган менман...»

Чўлпонларнинг руҳий изтиробу иштибоҳларига сабабчи бўлган бошқа бир тамсилга ҳам тўхталиш мумкин. Жаҳон йўқсиллари доҳийси... (айниқса, 20-йиллар матбуоти саҳифаларида) шу қадарли илоҳийлаштирилган, унинг тўғрисидаги бор ҳақиқатдан узоқ вақт беҳабарлик шундай уйдирма тасаввур – миф яратган эдики, жамият ҳаётида нафақат адолат асослари бузилган ҳоллар, балки табиат ва социал тараққиёт қонунларига ҳилоф «тажрибалар», муваффақиятсиз ислохотларга ҳам...гўёки Лениннинг хасталик йиллари, бевақт ўлими, сал бўлмаса асосий сабаб қилиб кўрсатилди (доҳий шахсига сиғиниш фожеасини виждон азобида ўз жонига қасд қилган Александр Фадеевнинг ўлим олди хати мисолида аниқ тасаввур қилиш мумкин).

Бошқа бир хос муқояса: масалан, бизнинг Чўлпондек ҳурфикр ёзувчиларимиз билан Шўролар тартиботига муҳолифатда турган рус ёзувчиларининг, айтайлик, Марксга, Ленинга муносабатлари кескин тафовут қилади. Бундай тарихан таҳқирли манзаранинг чуқур сабабларини очиб бериш, рўй-рост таҳлил қилиш махсус тадқиқот мавзuidир. Балким, келгуси ўша ёруғ кунда Ҳурриятимиз, Истиқлолиятимиз қурбонлариининг гоҳ ўз ёнида қовурилиб тортган азоблари, асли бешафқат давр, ёвузлик салтанати зиддиятлари туғдирган виждоний қийналиш, иштибоҳ туйғуларининг маъно-моҳияти аниқланар, шунчалар бенисбат алданиш – миллий фожеанинг тарихий илдизлари таҳқиқ қилинар, алал-оқибат қанчалик оғир-аччиқ бўлмасин, ҳақ-ҳақиқат ойдинлашиб, ножоиз, нораво маломат сўзлари ҳам бамисли ҳубобдай адамга юз тутар, иншооллоҳ...

ЧЎЛПОНГА МУНОСАБАТ

(Илмий кенгаш аъзоларига мурожаат)

XX аср адабиёти ўз тараққиёти йўлининг узоқ-яқин, пасту баланд манзилларида қанча аччиқ-чучук, иссиқ-совуқни кечирмади... Балким, илиқ ёруғ кунлардан кўра булутли, чақмоқ-довулли кунлар, чинакам қадр, эъзоздан кўра беқадрлик, ҳатто маломат, бадномлик азоблари фузунроқ бўлгандир. Бундай мушкilotни Бобур Мирзо куйидаги байт орқали ифодалаган:

*Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо,
Агар бу даҳри дун хор айласа, гар эътибор этса...*

Ҳар ҳолда, бу – адабиётимиз тарихида нисбати йўқ, ақлбовар қилмайдиган, умуман, мантиққа сиғдириб бўлмас зиддият эди: бир тарафдан, «тенгри эҳсони» (Навоий) сифатида неча асрда бир дунёга келадиган нодир истеъдодларнинг тафаккур ва қалб чироғидан нурланган фасиҳу зариф сўз мулки – Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Усмон Носир, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, «янги тўлқин»дан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби адабиётни қисмат деб билган шоиру адибларнинг комил ва солим асарлари – чин санъат, нафосат билан учрашганда бошқача бир шавқ ва ҳайрат, ғурур ҳисларини кечирамиз. Иккинчи тарафдан, улуғ шоир таъбирича, ўша «тоза гул»лар, «сўз гуҳар»ларининг бунёдкорлари – сара ёзувчилардан кимлар – айбсиз айбдорга айланиб, ноҳақдан-ноҳақ сазойи қилингани, алалоқибат

жувонмард ёшларида шаҳид қонига беланганидан маълум маънода ўзимиз ҳам гуноҳкордай изтироб чекамиз, бошқалари – мудҳиш қатағондан омон қолганларнинг аксарияти ҳукмфармо даҳрий мафкуранинг итоатгўй ходим-мулозимларига, жарчиларига айланганидан қийноқли, иштибоҳли, хаёлларга толамиз. Наинки, кўнгилга фараҳ, шукуҳ бахш этувчи мўъжизакор сўз, ўзининг даҳлсиз аршидан – самовий буржидан қуласа, тангри ярлақанган истеъдод соҳибининг ўзи ҳам. Ижод самари – бебаҳо сўзи ҳам муносиб тақдирланиш ўрнига таҳқирланса, таъқибга, қувғинга олинса. Худо асраб қолганлардан кимдир виждон азобида, дарди ичида, сукут сақлаб, ночорликдан замонасозлик қилса, бошқа бирови кўрқувдан тубанлик қўйига кирса... Аслида бутун кўргилик – замона қаллоблиги, носоғломлигидан, буни Навоий ҳазратлари бошқача талқин («замон аҳли») билан ифодалаганлар:

«Турфа замон аҳлига биз мубтало, Ким йўқ алар оллида чиндек бало». Зотан, катта истеъодлар учун ягона тасалли, умид, нажот – бу ижод лаҳзаларида тамоми сиёсий зўравонликлар, мафкуравий монеликлар зиддига, том маънодаги бадиият, санъат қонунларига, ғасоҳат мулкига, илҳом илоҳасига содиқ қолишдир. Фан учун ҳам оқилона, холисона ва тўғри мезон ўзи шу.

Тангрига шукрлар бўлсинки, ёруғлик кунлари келиб, турфа бедодлик, қаллобликлар, ихтиёрий қуллик, мутелик, Чўлпон таъбирича, «ҳақорат ва сафолатлар» ортда қолди, ҳақ жойига қарор топди. Миллий истиқлолият ҳавосидан нафас олишдек ҳуррият фидойиларидан мерос эзгу армон бизга насиб этди.

Таниқли мунаққид, иқтидорли, заҳматкаш адабиётшунос аллома Наим Каримов ана шундай пурталотум, бағоят мураккаб руҳий олам – XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг, хусусан, 70 йилдан зиёд драматик босқичларини янгича тафаккур, соғлом илмий ва маънавий позицияда туриб таҳқиқ этишга азму қарор қилган, кузатган мақсадига эришган. Бунинг биринчи омили тадқиқотчининг профессионал заковати ва ҳалоллиги, қолаверса, бу узоқ йиллик фидокорона меҳнат, илмий-ижодий жасорат, катта мақсад йўлида собитқадамлик самараси.

Тадқиқотнинг «Тарихий-маданий шароит ва ўзбек адабиёти» сарлавҳали, XX аср адабиётининг тадрижий тамомил йўли мухтасар ёритилган обзор қисмида адабий-бадий, илмий-танқидий жабҳа билан боғлиқ муҳим масалалар биринчи марта очиқ-ойдин, холисона – кечаги кун монеликлари, тазйиқларидан, носоғлом тамойиллардан тамомила холий бўлган, ўша мафкуравий зўравонлик сиёсатига оғир-босиқ, одил ҳакамлик мақомида, бирдан-бир тўғри, зарур бўлганда аччиқ ҳукм, объектив баҳо берилади. Чунончи, компартия якка ҳукмронлик ҳуқуқидан фойдаланиб, адабиёт ва санъатдек ўзига хос индивидуал, дахлсиз соҳада ҳукмфармо-зўравонлик билан («коммунистик ғоявийлик – адабиётнинг бош мезони» каби) сиёсат юргизиши оқибатида мустақил фикр, сўз, ижод эркинлиги поймол қилингани, нодир истеъдодлар тарғиботчига, жарчига, ҳатто «партия солдати»га айлантирилгани очиқ кўрсатилади. Юсак идеаллар билан мунофиқона ниқобланган партиявий қарорлар, бошқа ҳужжатлар моҳиятида руслаштириш, большевиклаштириш, адабиёт ва санъатни омма-

вийлаштириб ва байналмилаллаштириб, миллий қиёфадан, шахсият-ўзликдан мосуво этиш нияти, замонавийлик, актуаллик шиори остида бадиий образли ва анъанавий қадриятларга беписанд муносабат асосли танқидий таҳлилдан ўтказилади. Истиқлолият шароитида шаклланиб бораётган янги, соғлом бадиий тафаккур асослари тавсифлаб берилади.

Тадқиқотнинг «Миллий уйғониш ва ўзбек адабиёти» сарлавҳали бўлимида, даставвал, жадидчилик ҳаракати, унинг тарихий зарурати, миллий замини, жадиद адабиёти идеаллари, унинг муҳим икки босқичи: (1) халқни асрий ғофиллик, гумроҳлик асоратидан халос этиш ва маърифат, маданий тараққиёт йўлига бошлаш; (2) хуррият ва миллий истиқлолият учун курашга чорлаш дастури тавсифлаб берилади. Диссертант ўз олдига қўйган муҳим вазифалардан бири неча ўн йилликлар мобайнида ғоявийлик байроғи бўлиб келган ҳамзашунослик анъаналарининг марғубу номарғуб, рост ва ёлғон жиҳатларини холисанлилло, зарур пайтда юз-хотирга бормасдан, очиқ айтиш, Ҳамзанинг катта санъаткорлик сиймосини машъум «ижтимоий буюртма»нинг дабдабали, алдамчи, бўёқ-чизгиларидан халос этиб, фидойи ёзувчининг бадиий маданиятимиз тарихидаги муносиб ўрнини, ҳақиқий баҳосини тўғри белгилашдан иборатдир.

Иқтидорли тадқиқотчи бу қийин вазифани асосан удалай олган, Ҳамзанинг мураккаб ижодий қисмати ҳақида мулоҳазакорлик билан, бутунги мустақил фикрлаш даражасида мубоҳаса юритади. Сўнгра, Фитратнинг жадидчилик маърифати ва адабиётида тутган алоҳида мавқеи, илғор позицияси ҳақида, хусусан, 1917 йилда босилган «Юрт

қайғуси» номли насрий шеърларининг курашчан руҳи, исёнкор тимсоллари ҳақида тўхталар экан, диссертант хуррият кашшофларидан бири – улут адибнинг ижодий жасоратига муносиб баҳо беради.

Наим Каримовнинг Чўлпон ҳаёти ва меросини синчиклаб ўрганиш, асосли таҳқиқ этиш борасида қилган, нафақат адабий-илмий жамоатчилик таҳсинига лойиқ, балки халқ назарига тушган меҳнатини айрича қайд этиш жоиздирки, бу ўзбек адабиётшунослиги ривожининг янги босқичи, бугунги қиёфаси – чинакам эркин тафаккур даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Олимнинг Усмон Носир меросини ўрганишда, Ойбекнинг муҳим, сара асарларини, айниқса, рубобий шеърияти образларини тадқиқ ва таҳлил қилишда хизмати катта. Ҳамид Олимжон ва Миртемир каби оқибат-натижада ижодий қисмати осон бўлиб чиқмаган шоирлар, шунингдек, «янги тўлқин»нинг донгдор намоёндалари ижоди биринчи марта социалистик реализмнинг ғайриилмий, бадиий ижод табиатига бегона меъёр-мезонларидан халос бўлган, ҳақиқий, дахлсиз санъат қонунлари заминиде ёритилади. Ижодкор дунёсига бундай объектив-илмий муносабат, шубҳасиз, янги бадиий тафаккур, профессионал таҳлил жараёнини кучайтириш, яна-да ривожлантириш, шу тариқа, Истиқлолият мафкурасининг махсус адабий-танқидий заминини яратиш имконини беради. Зотан, тадқиқотнинг кенг доираси – XX аср ўзбек адабиёти ривожининг муҳим муаммолари адабиётшунослик фанининг бугунги талаблари нуқтаи назаридан ўрганилиши, шубҳасиз, мазкур ишнинг қимматини оширади.

Наим Каримовнинг докторлик илмий дара-

жасини олиш учун илмий маъруза тарзида ёзилган диссертациясини тўла маъқуллаган, муносиб баҳолаган ҳолда, фақат икки-уч нуқтада маълум аниқлик киритиш мақсадида, истак тарзида баъзи танқидий мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз. Чунончи, менга диссертантнинг қуйидаги жумлалари маълум маънода зиддиятли туюлади: «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» сатрлари билан бошланган бу шеърда романтик шоир халқнинг аста-секин ўрнатилиб бораётган мустабид тузум шароитидаги ролига ортиқча (таъкидлар меники – Б.А.) баҳо берди. Ҳали қуллик вамутелик уйқусидан уйғониб улгурмаган халқ Чўлпон орзу қилган кучга айланмаган эди». Диссертант талқинида «халқнинг... мустабид тузум шароитидаги роли» ёки «уйғониб улгурмаган халқ» ибораларида ҳаёт ҳақиқати билан бадий ҳақиқат, айниқса, шеърӣй умумлашма тимсол нисбатига тенглик аломатини қўйиш тамойили бор.

Ҳолбуки, «Халқ» шеърининг (у қачон, қаерда ёзилганидан қатъий назар) қуйма пурҳикмат мисра-образлари халқнинг азалдан то абад сўнмас даҳоси, енгилмас, қодир қудрати, эркка, ҳақ-ҳақиқатга, истқдолга интиқ хилқати, қайтмас, бўйсўнмас саъжияси, метин иродаси, тоғ бардошлиги, кенг феъллик ва саҳоватда азим дарёлиги, эзгу тилак-истаклари – ҳамма-ҳаммасининг ҳайратомиз мухтасар, ёрқин умумлашма тажассумига айланади. Шеърда оний-лаҳзали ҳолатлар, кечинмалар суврати эмас, собит, боқӣй ҳақиқатларнинг тимсоли мужассами фалсафӣй умумлашмалар тарзида тартиб берилган. Бас, шеърнинг ўзгача бадий-мантиқӣй бутунлик асосига қурилган тимсоллар тизими олдида «ортиқча», «уйғониб улдурма-

ган», «орзу қилган кучга айланмаган» каби сўз ва иборалар ножоиз эканлиги очик сезилиб қолади. Халқнинг сабри тизма тоғлар пойдорлигини эслатади. Лекин унинг сабр поймонаси тўлса, бамисоли денгиз тошқинига айланадики, ундан, Навоий таъбирича, на шоҳлар тахти, на дарвешлар кулбаси омон қолади. Бу беомон ҳақиқатни Чўлпон: «Халқ исёни салтанатни йўқ қилди, халқ истади – тож ва тахтлар йиқилди» сатрларида ифодалайди. Шоирнинг астойдил истаги «Яна ўт» шеърида халқона лўнда ва дангал ибора-тимсолларда ўз аксини топади: «Қўзғолиб кетганингни бир кўрсам, «Қутулурман» деган ишонч бўлса, Кишанинг парча-пача тўғралса, Қутулиш изларингга юз сурсам!».

Фақат ғойиб илҳом тақозоси-ла ўзгача руҳ, саъжия, услубият касб этган, аксари рамзлар, мажозлар, дақиқ истиоралар оҳангида шакланган «Кўнгил», «Виждон эрки», «Ёруғ юлдузга», «Кишан». «Бас энди!» каби шеърларга қараб »романтик шоир ... шеъриятида эркинлик ғояси, руҳнинг, кўнгилнинг ҳурлиги ғояси, ошкора тус олмади» дейилади. Ҳолбуки, санаб ўтилган рамзларга бой шеърларнинг ўзиёқ диссертант фикрларининг ками билан бирёқламалигини исботлай олади.

Баҳсталаб жумлалардан яна кўчирамыз. «Чўлпон бу тузум билан мурса қилиш мумкин эмаслигини тушунди. Лекин у айна пайтда тузумга қарши чиқиши ва ағдариши мумкин бўлган кучни – халқни ҳам кўрмади». Ёки: «улар барпо этаётган тузумдан яхшилик кутиш фойдасиз эканини тушунди ва айна пайтда халқни бу тузумга қарши қўзғатиш йўлидан ҳам бормади. Унинг ижоди худди шу масалада жадид адабиётидан кескин фарқ қилади». Ажабо! «Бузилган ўлкага»,

«Амалнинг ўлими», «Ёнғин», «Яна ўт» каби шеърларда бутун вужудни титратувчи, ватан, миллат қайғуси билан йўғрилган, жавоби мушкул азобли саволлар замирида «курашга даъват ғояси», «тузумга қарши қўзғатиш» истаги зухур этмаганми? » Баъзи тамсил-мисраларни келтирайлик: «Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар, нега сени бир қул каби қизғонмасдан янчалар? Нега сенинг қалин товшинг «Кет!» демайди уларга? Нега сенинг эркин қўнғининг эрк бермайди қулларга?» («Бузилган ўлкага»). «Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар? Қуллар ўлкасининг инсонларими?... Кенглик ҳаёллари учдими кўкка, Бутун умидларни ёвларми кўмди? Мангу тутқунликка кирдимми ўлка, ҳаёлда порлаган шамларми сўнди?» («Амалнинг ўлими»). «Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ. Гўдаклар найза бошида хабар»; «Шундай катта бир ўлкада ёнмаган, йиқилмаган, таланмаган уй йўқми? Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган, Бутун қўнғил умидсизми, синиқми?... Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими? «Маданият» истагига қондимми?» («Ёнғин»).

Шунингдек, юқорида келтирилган «Яна ўт» шеъридаги қўзғолишга чоғлаган ошкор ҳақиқат – ўша довул-пўртанали даврнинг курашчан, исёнкор, қасоскор руҳи ва кайфиятини ёрқин ифода этган сатрлар жадид адабиётининг маърифат давридан янги босқич – «кураш йўли»га ўтганидан шаҳодат сифатида, Фитратнинг «Юрт қайғуси» мансурлари билан ҳамоҳанг эмасми? Чўлпоннинг юқорида қайд этилган ва этилмаган хоҳ очик-ошкор, хоҳ рамзлар тилида курашга чорлаган шеърларининг аксарияти 1921-1923 йилларда ёзилган. Диссертант эса большевиклар томонидан 1918 йил февралда Туркистон мухторияти тор-

мор этилиши билан «жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётига нуқта қўйилди» деб ёзадики, бу Чўлпон ижоди «жадид адабиётидан кескин фарқ қилади» деган баҳс талаб фикр исботи учун айтилгандай туюлади.

Аслида эса бу ҳозирча адабиётшунослик, шу жумладан, чўлпоншунослик етарлича таҳқиқ этиб улгурмаган. Анчайин мураккаб, чуқур зиддиятли масаладирки, унинг замирида, аввало, Чўлпоннинг ўз-ўзи билан кураши – азобли иштибоҳлари, иккиланиш, қийналиш изтироблари ётади. Бундай драматик-руҳий ҳолатни шоирнинг қатор шеърларидан сезиб олиш қийин эмас. Масалан, 1923 йилда ёзилган «Сомон парча» шеърдан сатрлар: «Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни, Чақмоқдек ялтираб учиш йўқ энди... Кирмайман кўчанинг боши беркига, чунки таслим бўлдим муҳит эркига...». «Тонг сирлари» китобида Чўлпоннинг фото-сурати пастида шоир дастхати билан ўша «Сомон парча»дан бир байт кўчирилди: «Жимгина борадир кирсиз қўйнимда Эркин кўпикларнинг алақанчаси...» Довулу тўфондан кейинги, тинган денгиз юзидаги сокину «эркин кўпиклар...».

Шоир денгиз тилидан нималар демоқчи? Унинг жимлиги қанча давом этади?!.. Ёки 1924 йили ёзилган «Созим» шеърдан: «Чечаклар ўсғуси кўз ёшларимдан ... Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси» сатрлари замиридаги сирли-хаёлий ёруғ истиқбол, ҳар қалай, Чўлпоннинг азобли кечган эволюциясини тушунишга ёрдам беради. Не ажабки, бир тарафда Маркс, «Интернационал» ғоялари, Ленин декретлари, декларациялари бамисоли афсун қилгандай, Мулла Нур Воҳидовга бағишланган «Шарқ Нури» марсияси, «Қизил бай-

налмилал» каби шеърлар, бошқа тарафдан «қизил террор», инқилобий трибунал ваҳшатлари, ёнғин, толон, вайронлик, хунрезлик балолари аламида, ғазаб оташида туғилган, юқорида зикр этилган ошқора исёнкор шеърлар. Энг мушкул, асоратли муаммо – жаҳон йўқсиллари доҳийлари Марксага, Ленинга муносабат масаласи. Айниқса, Ленин ҳақидаги бор ҳақиқатдан (аслида мифдан) беҳабарлик фожеаси. Бу борада большевиклар тартиботи билан муҳолифатда турган рус ёзувчилари чўлпонлардан кескин фарқ қилади. Демак, бундай тарихан таҳқирловчи манзаранинг чуқур сабабларини очиб бериш махсус илмий тадқиқот мавзудирки, шундагина Чўлпонлар – истиқлолиятимиз қурбонларини чалғитган, улар ўз ёғида қоврилиб тортган азоблар сабабли, асли бешафқат, қаллоб замон, машғум мафкура туғдирган иштибоҳ туйғуларининг маъно-моҳияти очилиши, мислсиз алданиш – миллий фожеанинг ижтимоий, тарихий илдизлари таҳқиқ этилиши мумкин...

Тадқиқотчи Ойбек ижоди таҳлилида, жумладан, «Қутлуғ қон» романига муносабат борасида ёзади: «1937-1938 йилларда авж олган қора қирғин (асар шу йилларда ёзилган) биринчи жаҳон уруши арафасидаги (?) мардикорликка олиш воқеалари билан ўзаро уйғун бўлиб, Ойбек ўзи исламаган ҳолда, бу асари билан 1937-1938 йилларда паймонаси тўлган халқнинг фожеаси ва исёнталаб кайфиятини ҳам ифодалайди. Асарнинг худди шу вақтда ёзилиши 1916 йил воқеалари билан 1937 йил даҳшатини ўзаро қиёслашга ундайди, асарнинг иккинчи қатламида ёзувчи хоҳишига қарши ўлароқ... мустабид тузумдан норозилик кайфиятини юзага чиқаради».

Очиғини айтиш керак, 1937 йилдаги мислсиз қатли ому оммавий, сарҳад билмаган репрессия гўё 1916 йил халқ қўзғолони ва унинг шафқатсиз бостирилишини эсга солиши, икки давр даҳшатини ўзаро қиёслашга ундаши, уларни «ўзаро уйғун» деб билиш, айниқса, 30-йиллар шароитида «паймонаси тўлган (?) халқнинг... норозилик кайфиятини ифодалаши – бу жудаям зўраки, ўша реал вазиятдан, унинг мудҳиш моҳиятидан узоқ, сунъий таққослашдир. Аслида бу – халқнинг мислсиз алданиш фожеаси, миллий аросат, йўлсизлик фожеаси. Албатта, бундай ёвузликлар муҳитида халққа маломат қилиб, уни пассивлик, мўминликда айблаб бўлмайди. Бутун айб – мустабид кучларда.

Бас, халққа нисбатан шароит, вазият кўтармайдиган «исёнталаб кайфият», «мустабид тузумдан норозилик» каби ортиқча талаблар қўйиш ҳам тўғри бўлмаса керак. Улуғ Навоий ёзади: «Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, ҳақға Деса бўлмас: «Менинг учун яна бир халқ ярот». Шунингдек, роман гўё 30-йиллар шароитида «халқнинг фожеаси»ни, норозилик кайфиятини ифодалайди, дейиш ҳукмрон мафкура, қонсираган салтанатнинг ҳар янги абадий-бадий ҳодисага муносабатини рўй-рост кўрсатишдан узоқ фикрдир (акс ҳолда, «Қутлуғ қон» романи босилмас, нафақат «найзабоз» танқиддан, балки «ғоявий сезгир» жамоатчилик назаридан асар ҳам, унинг муаллифи ҳам қочиб қутулолмас, омон қолмас эди). Ахир роман адабиёт ва санъатдек дахлсиз соҳага неча бор дағдағаю хуружлар қилинган йилларда «юксак ғоявийлик», «синфий мурасасизлик» намуналаридан бири сифатида баҳолангани сир эмаску...



Сўнгра, «Қутлуғ қон» романининг аҳамияти бир-бир саналиб ўтиларкан, диссертант асарга бугунги истиқлолият кўзлаган маррадан туриб, тўғрироғи, на Ойбек, на китобнинг ғоявий мундарижаси хазм қилолмайдиган туманли масофадан ёндошади: «мустақил давлатни барпо этмай туриб ва истилочиларни ҳайдаб чиқармай туриб, халқ озодлик ва бахт-саодатга эриша олмаслигини унинг (яъни ўзбек халқининг – Б. А.) миясига қуйди». Мустамлака асоратига қарши бундай фавқулодда журъаткор ғоя билан на асар ёзилган даврида, на ундан кейинги ярим аср мобайнида муроса қилиш, ҳатто тоқат қилиш мумкин бўлмаган сиёсий вазият ҳукм сурганини бугун ким инкор эта олади?..

Энг муҳими шуки, диссертант билан бизнинг фикримиз эндиликда ўзининг ҳақиқий ўрнини, қимматини тиклаб олаётган нуқтада ҳамоҳанглик касб этади: «Қутлуғ қон» романи умрбоқий, мана бир неча авлод учун сеvimли асарлардан бири сифатида эъзозланишининг бош мезони – унинг юксак бадиийлиги, Ойбекнинг том маънода сўз санъаткори эканлиги (боринги, ўша мушкул кунлар тақозо қилган муросасиз синфий зиддиятларни ифодалашда ҳам самимийлиги).

Бас, Ойбекнинг «Навоий» ва «Қутлуғ қон» романлари, рубобий шеърлари, энг яхши дostonлари, биринчи навбатда, асрлар синовидан ўтган «саноъе нафиса» қонунларига биноан юксак санъати, гўзал бадиияти учун қадрланади ва шундай бўлиб қолиши керак. Бундай ёндошиш ғоявийликни, яъни асар руҳига, образлар маънавиятига сингдирилган «маъни гуҳари» (Навоий)ни – чин инсоний қадриятларни камситмайди, аксинча, «образли тафаккур» лавҳига, яъни сўз қатига, замирига, ҳар

гал қайта кашф этилган бадий ифода санъатининг сирли-пинҳоний ҳужайраларига сингдирилган, баъзан маълум даражада пардалаб, яшириб берилган (айниқса, шеърятда) нуктадон маъно – олижаноб ғоя, эзгу ўй-ният, муддао чинакам жозибадорлик касб этади, қиммати кўтарилади. Мумтоз адабиёт, санъат мўъжизаларининг жозиба сири ҳам шунда.

Юқорида маълум илмий аниқлик учун билдирилган мулоҳазалар диссертант узоқ йиллар давомида изланиб, заҳмат чекиб яратган, қўлами, салмоғи, етказадиган нафи аён кўриниб турган катта илмий ишнинг қиммати камайтирмайди, албатта.

Мазкур тадқиқот – Наим Каримовнинг «XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси» мавзуидаги диссертацияси ўзининг назарий қиммати, амалий аҳамияти билан докторлик талабларига тўла-тўқис жавоб беради ва унинг муаллифи филология фанлари доктори илмий даржасини олишга маънавий ҳақдор деб ишонч билан айтиш мумкин.

ЧЎЛПОН ЧИНДАН МУРАККАБМИ?

Ўзбекистон шароитида аввалига адабий-танқидий тафаккурга хос қайта кўриш – кимда тағофилга солиш, кимда ҳамон иштибоҳли-маломатли, хуллас, зиддиятли, маълум маънода пайсалланиш жараёнини бошдан кечирди. Ниҳоят, марказий матбуот орқали таниқли мунаққидлардан Норбой Худойберганов биринчи бўлиб журъаткор, одил сўзни айтди. Чўлпон ва Фитратнинг шунчалар жумбоқли тақдири ҳақида «Летературная газета» анкетасига жавобан Комил Икромов, Одил Ёқубов, жумхуриятимиз матбуотида Эркин Воҳидов халқнинг кўнглидагини куйиниб гапирдилар. Сўнгра, махсус комиссиянинг ортиқ эҳтиёткор оҳангдаги хулосаси дунё юзини кўрди.

Шу тариқа, ҳар ким ўзича холисона деб билган мулоҳазаларини айта бошлади. Уларнинг турли даражада бахсталаб бўлиши ҳозир биз кечираётган уқубатли жараён – ҳақиқатни тиклаш ва покланиш босқичида, эҳтимол, табиий ҳамдир. Адолат ҳаққи шуни айтиш керакки, Чўлпонга бағишланиб такроран берилган (айрим зиддиятли нуқталардан холи бўлмаган) телекўрсатувда биринчи марта улуғ шоирнинг «қалтисроқ» шеърлари ҳам асли моҳиятига кўра поэзиянинг ҳақиқий намунаси, азалий, дардли оҳангларнинг нафис ифодаси эканлиги камоли ихлос ва муҳаббат билан очиб берилди.

Минг афсуски, йирик адабиётчиларнинг баъзилари «Чўлпон ижодининг икки даври» ҳақидаги ғайриилмий, ҳақиқатга зид концепциядан қутула олмадилар: гўёки шоир Шўролар ҳокимияти-

нинг биринчи ўн йиллигида тўғри ва хато йўллар оралигида сарсон бўлиб юрди, фақат иккинчи ўн йилликда йўлини топа олди, қабилда фикр юритдилар.

Хатто объективлиги, самимияти билан ажралиб турган ўша телекўрсатувда Чўлпоннинг «биринчи ўн йиллик»даги позицияси ҳақида гап борганда, «буни миллатчилик деймизми ёки бошқа бир сўз билан, масалан, мураккаб, зиддиятли деб атаймизми» каби сўзлар тилга олинди (бир вақтлар камина ҳам Чўлпон ижоди билан боғлиқ «икки давр» андозасига самимий ишониб, маврудсиз уриниш қилган («Шарқ Юлдузи», 1969 йил, I сон) эдим.

Янги йил арафасида «Ёш ленинчи»да Озод Шарафиддиновнинг тўла маънода демократик янгилиниш, покляниш руҳидаги «Чўлпон» эссе-си чоп этилди. Ҳақ жойига қарор топиши йўлида салмоқдор қадам сифатида, билимдонлик ва чинакам куюнчаклик йўғурмаси тарзида майдонга келган бу илмий-бадий рисола маданиятимизнинг софдил муҳиблари, айниқса, ёшлар тасаввуридан азобли, шубҳали туманни тарқатиб юборса ажаб эмас. Афсуски, атоқли мунаққидимиз «Кўнгида қолгуси унинг бир изи» номли янги мақоласида («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 3-сон) улуг шоир шеърларини профессионал зукколик билан таҳлил қила туриб, муҳим нуқтага келганда яна эскича ҳукм чиқаради – Чўлпоннинг «махзун, умидсиз, йиғлоқи» шеърларини қайсидир исмсиз мухолифдан ҳимоя қилишга, гўёки бундай ҳазинлик вазият тақозоси эди, дея изоҳлашга уринади. Аксинча, дарднок руҳ асли шоирлик қисмати, исёнкорлик рамзи эмасми?..



Биринчи қарашда, Чўлпонлар шаънига айтилиб келган ҳамма маломатли сўзларни боз элагандан эсламаган яхши. Бироқ, ўша номарғуб, таҳқирли сўзларга 80-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам ўзларича жиддий маъно берган олим ва адабиётчилардан, лоақал, бир-иккитасига муносабат билдириб ўтиш эҳтиёжи бор. Агар профессор М.Ваҳобов жумҳуриятимиз шароитида маънавий-руҳий покланиш энди-энди кун тартибига қўйила бошлаган 1988 йилда («Правда Востока», 21 июн) Чўлпонлар «20-йиллардаги фаолияти учун репрессия қилинган деб ҳисоблаганман ва шундай ҳисоблайман» (бу мантиқан улар бекорга қатл этилмаган, деган сўздир) дейишгача бориб етса, Ўзбекистон халқ шоири Р. Бобожон («ЎзАС» 1987, 16-сон) гўё замон талаблари олдида ён бериб, улар: «инқилоб алангасидан чўчиган (!), мураккаб давр қийинчиликларига бардош беролмаган, янги тузумни, Совет ҳокимиятини фаҳм этолмаган (!), унга қарши кўр-кўрона қўл кўтарган» (таъкидлар бизники – Б.А.) бўлсалар ҳам, «адолатли иш тутиш»га чақиради. «Маданиятимизнинг икки арбоби» мақоласининг муаллифлари – атоқли олимлар эса «Бас энди!» шеъридан бир бандни келтирадилар ва шоир позициясини «совет воқелигига душманлик» (!) дея баҳолаш учун ундаги «ғаним», «тош отмоқ» сўзлари кифоя деб ўйлайдилар.

Ваҳоланки, «Бас энди!» шеърининг бошқа бандларидан аён кўриниб турибдики, «чекдан ошган қарғишлар», «ҳақоратлар, тубанлик ҳам сафолатлар»дан озор чеккан қаҳрамоннинг сабр-қарори битган, қаҳр-ғазаби жунбушга келган... Чўлпондек мағрур, чин эътиқодли шоирнинг ҳасадчи, ғаразғўй «ғаним»лари (хусусан, 20-йиллар

шароитида) бўлмаган деб ким кафолат бера олади? Эҳтимол, ўша «ғаним»лар ҳукмрон мафкура-нинг фаол ҳимоячилари, фанатик тарғиботчилари бўлгани учун ҳам уларга тил тегизиш сиёсатга қарши бориш билан тенг талқин қилинса керак (телекўрсатувда И. Ғафуров бу шеърнинг соғлом руҳини, образлари жозибасини яхши очиб берди). Одилона талабчанлиги билан кадр-эътибор топган устоз олимлардан бири Чўлпон ижодини, негадир, «чигал зиддиятли»(!) деб атайдики, бундай кескин ҳукм-мавҳумот, айниқса, тажрибасиз мухлисларни чалғитиши мумкин...

Чўлпонлар ижодига муносабат то шу кунларгача давом этиб келаётган алланечук сирли-гумонли сўзларнинг ўзгача маъноси, сабабияти нимада, таъбир жоиз бўлса, ғоявий генезиси қаерга бориб тақалади? Агар мен бундай тағдор мавҳумотлар моҳияти бир неча ўн йиллик давомида ўзгармас ҳақиқат деб ҳисобланган ақидалар, раҳбар ғоявий-мафкуравий омиллар билан боғланган десам, яна бир Америка кашф этган бўлмайман, албатта.

Ўша эркисизлик муҳитида Чўлпонни мушкул қисматга мубтало этган аҳволнинг бошқача характерли далилларини баҳоли қудрат таҳлил қилиб кўрайлик. Чунончи: «Бир неча йил қантаргач, яна олдим созимни. Энди айтиб йиғламас кўнгилдаги розимни» каби сатрлар тағзаминида, гарчи зўравонлик шароити тақозосига кўра, энди танқидий гапларни ҳисобга оламан, ортиқ ҳазин шеърлар ёзмайман, дегандай маъно англашилиб турса-да (шоирнинг ўша кезлардаги аҳволини унутмаслик керак: кейинчалик «Нутқ»да иқрор бўлишича, у шеър ёзганда энди «сиёсий томонларга аҳамият бериш»га мажбур эди), ҳар қалай,

юқоридаги байт Чўлпон шеърятининг, майли, ташқи омиллар таъсирида бўлсин, ўзига хос эволюциясини кўрсатади ва аксинча, шоир ижодини бир-бирига зид даврларга ажратишга асос бермайди. Чунончи, 1918 йилнинг ёзида оқ чехословаклар полкининг ёвуз бир тўдаси иғвогарлиги билан вахшийларча қатл этилган, айниқса, Шарқнинг мусулмон халқлари учун чин Уйғониш – хуррият қалдирғочларидан бўлган оташин татар инқилобчиси Мулла Нур Воҳидов хотирасига бағишланган марсиядан сатрлар: «Сўнгги давр йўқсул Шарқнинг тарихи Бир бет бўлсин оқ сатрни кўрмади. Дунё тарихини ёзган муаррих, Яхшиликка қаламини бурмади. Шарқнинг қайси бурчагига қарасанг, Йўқлик, ўлим, зулм, қарғиш кўрардинг. «Тамуғ» деган сўзни билмак истасанг, Шарқни бошдан оёққача юрардинг...» (шуни айтиш керакки, «Байналмилал» ва «Марсельеза» ғоялари таъсирида синфий муросасизлик руҳида, жанговар тезкорлик билан ёзилгани аён кўриниб турган бундай шеърлар мазмунига хос инқилобий нигилизмга танқидий ёндошиш лозимлигини биз эндигина англай бошладик).

Тўғри, ижодий такомил йўлида катта-кичик манзиллар, кўтарилиш ва тушишлар бўлиши ижодкор учун табиий, қонуний бир ҳол. Шоирнинг, хусусан, 23-26-йиллар оралиғидаги ёзган (аҳтимол, ижодий эркин, мустақил рус, турк, татар ва бошқа миллатларга мансуб, турли услуб ва йўналишдаги шоирлардан рағбат олиб), ўша 20-йиллар муҳити учун ғоявий «зиддиятли», баъзан шоир ўзлигига чекинганлиги акс этган «мураккаб» шеърлар – уларни дунёнинг ҳар бир улуғ шоирида учратиш мумкин – гўёки «хато» асар-

ларни вазият тақозоси билан Чўлпоннинг ўзи тан олади: «Сўнгги икки-уч йил (!) орасида шоирлик ва ёшлик майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди». Не ажабки, орадан 60 йилдан зиёд вақт ўтди, қанча сувлар оқди, олам тубдан янгиланяпти, хўрланган, жабрланган ҳақиқат, Адолат оёққа туряпти, 20-30-йиллардаги ваҳшатлар ҳақида янги-янги фактлардан воқиф бўляпмизу шоирдек виждони уйғоқ, хурфигр зот ўзи ночорликдан тан олаётган «хатолар»га ҳамон ишонгимиз келади. Наҳотки, танқидий тафаккур ва бадиий маданиятимизнинг сталинча-ждановча догматизм асоратидан қутулиши шунчалар мушкул бўлса?! Тўғри, биринчи қарашда, Чўлпон маданиятчилар Қурултойига ёзган очиқ хатида – унга «Эътироз» деб сарлавҳа қўйган – гўё «миллатчилик ва ватанпарастлик руҳида» ёзган асарлари учун тавба-тазарру қилаётгандай кўринади.

Яхшиямки, биз ўша алғов-далғовли йилларнинг, «синфий сезгиси» ўткир танқидчиларнинг на соғлом тафаккур, мантиқ, на профессионал илму аҳлоқ, маданият, на инсоний ҳақ-ҳуқуқ нормаларига сиғдириб бўлмас, фақат сиёсий сўқир, маънавий маҳдуд ҳуружлари ҳақида эндигина объектив тасаввурга эга бўла бошладик. Демак, бундай маломатларни эшитавериб зада бўлган шоирнинг чорасиз иқрори, ички норозилиги, изтиробли қалб эътирози маъносида тушунишга эндиликда тўла асос бор. Агар ўша қаттол синфий кураш муҳити тазйиқи бўлмаганда, Чўлпондек истеъдод шаънини, шоирлик қадр-қимматини эъзозлаган ижодкор... юрак қони билан битган («Бас энди!» каби!) шеърларини ўзи қоралаб, уларга ўзи «миллатчилик», «ватанпарастлик» тамғаларини

босармиди? Бу – на бадиият табиатига, на санъаткор эътиқодига, на унинг ҳур, дахлсиз ва мағрур шахсиятига тўғри келади! Бунинг устига худди ўша 1927 йилда бир гуруҳ кўзга кўринган зиёлилар ҳамда бегуноҳ ўзбек уламолари қувғинга учраган – «пантуркизм», «панисломизм»да айблаб янгидан қамашлар, бадарғалар бошланган эди. Масалан, Чўлпонни 1916 йилдан яқиндан билган, 1925-1927 йилларда Москвада шоир билан доимий мулоқотда бўлган, Лениннинг шогирдларидан Рудзутак билан танишиб, ҳамкорлик қилган аллома Лазиз Азиззода ҳам ҳибсга олиниб, оммавий репрессиялардан ўн йил аввал, эҳтимол, Сталин хоҳиши билан очилган жаҳаннам лагерларининг бирига сургун қилинган эди (унинг «Ёшлик»да босилган «Чўлпон ким эди?» номли хотираномаси ҳам 1927 йилга келиб узилиб қолади)...

Шуни айтиш керакки, Чўлпон бир тамондан ҳуррият эҳтиёжлари – даврнинг сиёсий садоларига жўравоз бўлди. Чунончи, «Кўзғалиш»да (1922) «Ай! »Сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди! Титра, кўрққим, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!...» ёки «Икки бош – бир тана» (1924) сарлавҳали шеърида: «Фашизм, пацифизм» – икки бош, бир тана!... Эзмакчилар сени. Қалбларида шайтон кини...» каби курашчан мисраларни ўқиймиз. Зеро, Чўлпоннинг буюклиги шундаки, ўша беомон синфий нафрат муҳитида ҳам чин санъаткор мақомида собиту устувор тура билди – «кўк шоири» каби маломатлардан кўрқмасдан муҳаббат ҳақида дардли шеърлар ёзишда давом этди...

Энди сўз Абдулла Қаҳҳор томонидан Чўлпон шеъриятига берилган фавқулодда «баҳо»нинг

сабабияти ҳақида. XX съезддан кейинги нисбий эркинлик, илиқлик ва янги хил монеликлар шароитида ростгўйлиги билан эътибор топган Абдулла Қаҳҳор сталинизм ҳукмрон бўлган ўн йилликларда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Яшинлар турган позициядан салгина бўлсин узоқлашиши, албатта хатарли эди... Шунинг учун у Чўлпон шеърларини «ёшлар юрагига отилган заҳарли ўқ эди», деб билган бўлса, бунга ажабланмаслик керак. Дунёқараши, эстетик позицияси шахс бедодлиги даврида, ижодий жараёни «сиёсийлаштириш», «мафқу-ралаштириш» йиллари шакланган шоир ва адибларни қўйиб турайлик. Горькийдек жаҳонга танилган гуманист, Лениннинг эътиборини қозонган, лекин инқилобнинг биринчи йилларида, асосан «Бемавруд фикрлар» туркуми орқали Ленин ва бошқа революция йўлбошчилари билан жиддий мубоҳаса қилган (масалан, Риковга айтиб хат йўллаган) улуғ ёзувчи муҳожирликдан қайтгач, тамомила ўзгариб қолганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Масалан, унинг 1929-1933 йилларда мамлакат қишлоқларида юз берган оммавий фалокатлар ҳақида тўла сукут сақлаши ёки сиёсий маҳбуслар қурган «Беломорканал» ҳақидаги ҳақиқий аҳволни чет элдаги дўстларидан яширишга уриниб, бу – социализмнинг «буюк меҳнат энтузиазми» деб таърифлаши (бу ерда ҳақир табиат шоир Миртемир ҳам маҳбуслар сафида ишлаган эди)... Худди шундай, жумҳуриятимиз ва Иттифоқимиздаги истеъдодли ҳамкасблари қаторида давр ва унинг раҳбар кучи – партия даъватларига «Лаббай!» деб жавоб қилган Абдулла Қаҳҳор фикр, сўз эркин-

лигини, ижодкор мустақиллиги, қалб ва виждон амрини қонун деб билган Чўлпоннинг «соф» лирик шеърларини, «дунёвий ғусса»дан холи бўлмаган трагик асарларини, ўша 20-30-йиллар шароитида романтик (аксари фанатик) ёшлар онгини, юрагини заҳарлайди, деган бўлса не ажаб? Ахир, Жданов ҳам А. Ахматова шеърларини шундай хавфли деб ҳисобламаганми?... Айниқса, «асрий қулликдан бир йўласига» халос бўлган Ўзбекистон заминида («хужумкор синф» – пролетар диктатураси шароитида!) шахснинг индивидуал дунёсини, дарду ҳасратларини қаламга олиш, халқ миллат тақдири, унинг эрки, мустақиллиги, руҳий-маънавий эҳтиёжлари, тарихи, маданияти, ажодлар хотироти каби қутлуғ қадриятлар ҳақида сўзлаш ўта хатарли эди. Агар Абдулла Қаҳҳордек заҳматкаш адиб сталин-ждановча «ғоялар» асоратидан ҳатто кейинчалик ҳам қутилолмаган, қўрқув-ваҳшат муҳитини, «заҳарли ўқ» сингари маломатли хотиротини ботинида сақлаб юрган, уни 1960 йилда очик айтишни ўзига эп билган экан, бу ҳаммамиз учун ачинарли, ҳатто аянчли ҳолларнинг биридир...

Шахсий мулоҳаза тарзида айтишни анчадан бери ният қилганим яна оғриқли бир нуқта – бизга дафъатан сиёсий ва маънавий ҳуқуқ берган XX съезддан кейинги 30 йилдан зиёд вақт мобайнида Чўлпонга нисбатан нафақат адолатсиз, балки ўта андишасиз, ғайриинсоний муносабат хусусида. Ҳеч кимга сир эмаски, апрел Пленуми (1985), XIX партия конференциясидан кейин Игтифокда фақат эркин, мустақил ижодкорлиги, юксак бадиияти учун тўла «авф этилиб» (ҳа, ғоявий позицияси, сиёсий курашлари учун эмас!) халққа қайтарилган, асарлари аллақачон чиқа бошлаган

шоирлар, ёзувчилар чиндан ҳам мураккаблиги туфайли Қодирий ва Чўлпонлардан жиддий фарқ қилади.

Илло, Чўлпон шак-шубҳасиз Қодирий билан бир вақтда маданиятимизга қайтарилиши, унинг мероси аллақачонлар маънавий мулкимизга айланиши, лоақал, кейинги чорак аср мобайнида Қодирий мактаби қаторида Чўлпон мактаби, кенг адабий жамоатчилик назарида латиф ва дилбар Қодирий тили билан ёнма-ён халқона «тарашланган» (шоир ибораси), бадиий таровати ва жозибаси ўзга бир жаҳон Чўлпон тили савлат тўкиб туриши мумкин эди, бунга у тўла ҳақли эди...

XX съезддан кейинги 30 йилдан зиёд давр мобайнида қайси ҳуқуқий ва маънавий асосларга биноан халқимиз ўзининг қон-қони билан миллий шоиридан, унинг беназир руҳий, ахлоқий, бадиий-эстетик баҳраларидан бебаҳра қолдирилди? Ўйлаганим сари таажжубу таассуф изтиробидан ёқамни ушлайман: бу қандай бедодлик, қандай қабоҳат?... 1968 йили Андижонда «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаliga обуна тарғиботи сабаб бўлиб, каминага Чўлпоннинг ўша кезлари улуғ ёшдаги нуроний аммаси, уларнинг қизи (мактаб директори) хонадонида унутилмас суҳбат-мулоқот насиб этиб эди (бунга журналда Чўлпон ижодидан И. Султон таҳрири остида жузъий намуналар берилгани баҳона бўлган). Мен ўшанда шоиртабиат кайвоний – табаррук момодан акалари Сулаймон Баззознинг Волаи Расво тахаллусида ғазаллар девони мураттаб этгани ҳақида эшитганман. У мукаррам зотнинг (жойлари жаннатда бўлсин) Чўлпонлар заволига сабабкор нокасларни дили куйиб, қарғишлаб қилганноласи, шаҳидлар руҳига



Қуръон оятларидан фотиҳа бағишлаганидан кейин, шоир шеърларидан ёддан ўқиганлари ҳали-ҳали қулоғимда, кўзимдан нари кетмайди... Нега, нега ахир, на шоир қисмати нима эканини озгина бўлсин ҳис этиб, идрок қила билмаган, на унинг ҳаёти, шахсияти, фаолияти, адабий мероси билан яқин ошно бўлмаган, на санъат ва бадииятнинг дахлсиз эркин қонунларини тушуниб, ўқиб олмаган, айниқса, адолат принциплари тикланиши билан боғлиқ, сабоқ олса бўладиган фактлардан то ҳануз кўз юмадиган номдор, фаришталиқо зотлар уйдирма, демагогик даъволар билан жамоатчиликни, бутун бир халқни, миллатни шунча вақт чалғитиб келди?... Бундай мудҳиш ёлғон касофати туфайли етказилган маънавий талофатлар, руҳий зарбалар, маънавий-маърифий зиёнлар ҳисобига ким етсин?..

Чўлпондек дилини, ўзлигини, руҳиятини, айниқса, унинг мунаққидлари англамаган (тўғриси, англашни истамаган ёки бундан қўрққан), фожеъ қисматли шоир учун табиий ва ижодий насиба бўлган «мураккаб»лик давр мезонларига сиғмаган «Бас энди!», «Кишан», «Кўнгил», «Куз», «Қаландар» каби ҳазин-ўйчан руҳдаги шеърларда, драматик, ҳатто трагик пардаларда, образларда ўз аксини топган (Чўлпон ҳақида биринчилардан бўлиб холис, журъатли фикр айтган олим Э. Каримов, нечундир, бундай шеърлар ҳақида бу «шоир ижоди учун ўткинчи ҳол эди», деган ғалат ҳукм чиқаради). Моҳиятда улар қадимий ва навқирон ўзбек шеърятининг ҳақиқий бадиий дурдоналари қаторидан жой олишга ҳақлидир. Илоо, улуғ шоирлар, адиблар трагизмни санъатнинг чўққиси, деб бежиз айтмаганлар. «Мураккаб», «зиддиятли»

деганда, масалан, фожеъ қисматли, лекин беқиёс иродали аллома Лазиз Азиззоданинг хотирлашича, ҳар бир лирик шоир шеърларидан жой олиши табиий бўлган:

*Кулиб қарама бизга қизил юзли шафтоли,
Куларлик эмас-ку бу боғчаларнинг аҳволи –*

байтидаги ҳазинлик сабабига тўхталиб, Чўлпон ўз муҳолифларига жавобан мазкур сатрларнинг қачон, қандай вазият тақозоси билан ёзилганини, контраст образга хос мунгли оҳанг... Фарғонада босмачилар келтирган вайронагарчиликлар ҳақидаги хотиралар билан боғлиқ эканини «изоҳлаш»га мажбур бўлган. («Бузилган ўлкага», «Ёнғин» каби шеърлар мазмунидан маълумки, Қизил Армия террорлари, ёвузликларидан эл-юрт зиёдроқ талофат кўрган). Маломатли «танқид»лардан дилтанг ҳолга келган Чўлпон Азиззодага: «Афтидан, мен фақат танқид қилиниш учун яратилган бир шахс эканман-да», деб ҳасрат қилишгача бориб етган.

Хулласи калом, мураккаблик, зиддият каби ҳаёт диалектикасига оид тушунчаларга сиёсий ва ғоявий мезонлар позициясидан ёндашиш даври аллақачон ўтганини тан олиш керак. Совет воқелиги учун фақат юксак «ижтимоий оптимизм» хос, деб кароматлар кўрсатиш, худписандлик билан ҳақиқатдан – инсон ва халқ дарадидан кўз юмиш қандай маҳдуд майлларга, оғир оқибатларга олиб келмади! Ман қилинган мавзулар, ғоялар, ҳатто, бадиий образ усуллари – сўзташбеҳлар – мана улўғ шоирга хос «мураккаб»лик, «зиддият»нинг асосий сабаблари, сабабкор омиллари.

Борди-ю Чўлпоннинг «мураккаб»лиги, ҳатто «чигал зиддияти» халқимизнинг миллий ҳақ-хуқуқлари, асрий дард-армонлари, мустақиллиги, истиқбол ва равнақи масалаларига бориб тақаладиган бўлса, энди бундай эзгу, қутлуг ғоядан ҳадиксирайдиган замонлар ўтди. Қолаверса, шу муҳим нуқтани унутмаслик керакки, қадим ситамдийда замин – Туркистон учун даставвал Феврал, сўнгра, Октябр ўзгаришлари (оқибатда алдамчи-декларатив моҳият касб этган бўлса-да) олиб келган Хуррият нафақат ижтимоий эркинлик, сиёсий ҳуқуқлар маъносида англаangan, айни чоғда бу миллий уйғониш, миллий мустақиллик ғояларини, миллатнинг асрий дардларини – моддий, маънавий-руҳий эҳтиёжларини яхшироқ идрок қилиш, ўзлигини таниш, тақдирини ўзи белгилаш каби («Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»нинг ҳарфига мос тушган) маъноларни ҳам мужассамлантирган эди. Хамза, Қодирий, Чўлпонлар, бошқа илғор фикрли, пешқадам санъаткорлар хуррият ғоялари замиридаги ана шундай хос унсурларни бошқалардан кўра яхшироқ ажратиб, чуқурроқ тушуниб етgan-лари, ўз халқининг миллий эҳтиёжлари – биринчи навбатда, унинг янги замон маърифати, маданияти, адабиёти ташвишлари билан яшаганлари эндиликда кимда шубҳа қолдиради?

Надоматлар бўлсинки, фақат кейинги йилларда очиқ-ошкор айтилаётган ҳақиқат сабоқлари олдидан Чўлпондек хуррият, миллий уйғониш фидойилари ижодидан аллақандай «мураккаб»ликлар, ҳатто «чигал зиддият»лар ахтариш, 1990 йилда ҳам баҳслашишга мажбур бўлиш – балким, бу жумҳуриятимиз шароитида миллий шууримиз,

тафакқуримиз даражаси эътибори-ла, балким, ажабланарли хол эмасдир...

Сўз интиҳосида, нокамтарликдай туюлса-да, айтмоқчи бўлган бир армон-истагим бор. Ситамдийда халқимиз учун бағоят даражада азиру мукаррам бўлмиш икки буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон – қисмат чиғириғининг ваҳшатли айланишини кўрингки, айна бир кунда бир соату дақиқалар ичида, бир жойда... отилганлари маълум бўлди: 1938 йил, 4 октябрь. Тошкент заминидаги бу мислсиз қонли мавзе аниқланиб, у ерда истибдоднинг барча қурбонлари хотироти учун «Шаҳидлар ёдгорлиги» – рамзий мемориали қад кўтарса адолатдан бўлур эди...

МУНДАРИЖА

Чечаклар ўсғувси кўз ёшларимдан...	3
Шоирнинг муқаддас армони («Бузилган ўлкага» шеърининг шарҳи).....	5
Хурликнинг мужассам тимсоли («Кўнгил» шеърининг таҳлили).....	14
«Яна бир халқ ярот» деб бўлмас («Халқ» шеърининг таҳлили).....	22
Сабр косасидан қатралар («Бас энди!» шеърининг шарҳи).....	33
Самовий орзу малаги («Гўзал» шеърининг таҳлили).....	43
Мажоз руҳидаги нола («Бинафша» шеърининг шарҳи).....	53
Муҳаббат осмонининг ёруғ юлдузи («Қаландар ишқи» шеърининг таҳлили).....	64
Бу Чўлпоннинг азобли иштибоҳи.....	77
Чўлпонга муносабат (Илмий кенгаш аъзоларига мурожаат).....	90
Чўлпон чиндан мураккабми?.....	103

Илмий-оммабон нашр

Ботирхон АКРАМ

ШОИРНИНГ ЁРУҒ ЮЛДУЗИ

Муҳаррир

Мусаввир

Мусаҳҳиҳ

Саҳифаловчилар

Бобомурод Эрали

Уйғун Солиҳов

Юсуф Музаффар

Муҳаррам Зойитова,

Умида Худайберганова

Нашриёт лицензияси АИ № 170. 23.12.2009.

Босишга рухсат этилди 15.06.2019.

Бичими 84 x 108 ¹/₃₂. Palatino Linotype гарнитураси.

7,5 нашр т. 7,75 шартли б.т. Адади 500 нусха.

Буюртма № ... Баҳоси келишилган нархда.

«Navro'z» нашриёти, Тошкент ш., Амир Темур к., 19-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. e-mail: Saydana-print@mail.ru

тел.: +99891 162-08-43; +99899 862-08-43.